

*Санд Аҳмад*

# ЗИЛЗИЛА





САИД АҲМАД

# ЗИЛЗИЛА

(Ҳикоя ва эссе-хотиралар)

34720 80  
011-08



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ  
2005

Тақризчи: **Умарали Норматов,**  
филология фанлари доктори, профессор

Муҳаррир: **Карим Бўронов**

«**Др куррисининг** ияриги томонида бирон боланинг бурни қоняса, куррининг бу томонида туриб даструмол узатадиган меҳри дард **Ўзбекини** қатлоқ нарсидан бино қилгансан, худойим!» Атоқли **пдиб Сидд Аҳмаднинг** ушбу ҳикоя ва эссе-хотиралар китобида юртимизнинг улуг фарзандлари ҳаётига оид қизиқарли лавҳалар мисолида халқимизга хос ана шу олижаноб фазилатлар улуғланади.

ISBN 5-640-3225-1

С 4702620200 - 23 2005  
М 351 (04) 2004

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2005 й.

## ТУҲФА

(Сўз боши ўрнида)

*Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг эссе-хотираларидан иборат «Йўқотганларим ва топганларим», «Киприкда қолган тонг» китоблари маданий-адабий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди. Хусусан «Йўқотганларим ва топганларим» китобхонлар орасида катта доврўғ қозонди, қайта-қайта чоп этилди, Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан мактаб кутубхоналарига тарқатилди. Бир неча йилдирки, ундан дарсликларга илова тариқасида, мактаб ўқитувчилари учун қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда.*

*85 ёшни қоралаб келаётган адибимиз кексалигида ўзига алоҳида шуҳрат келтирган эссе-хотира жанрида қалам тебратишни давом эттираётир. «Зилзила» номи остида Сиз азиз ўқувчиларга тақдим этилаётган ушбу тўплам бунинг исботи бўла олади.*

*«Зилзила» аввалги хотира китобларига нисбатан анча ихчам. Лекин унинг бадиий-маърифий салмоғи аввалгиларидан асло қолишмайди. Бу китобда ҳам Ойбек, Ф. Фулом, А. Қаҳҳор, Миртемир каби устоз адиблар хусусида сўз боради. Бироқ муаллиф бу алломалар тўғрисидаги аввалги хотираларини мутлақо такрорламайди. Китоб бежиз «Зилзила» деб аталган эмас. Биринчидан, муаллиф қаламга олган адиблар ҳаёти билан боғлиқ аксар воқеалар машҳур Тошкент*

ва Бухоро зилзиласи оқибатлари билан боғлиқ. Иккинчидан, хотираларда ижодкорлар тақдиридаги маънавий зилзилалар устида ўй-мушоҳада кетади; ўшандай табиий ва маънавий зилзилалар шароитида юксак инсоний фазилатларини сақлаб қола олган асл инсонлар улуғланади.

Тўпلامдан жой олган барча эссе-хотиралар китобхон кўнглини чароғон этадиган Саид Аҳмадга хос лирик тароналар, қувноқ ҳаётбахш юмор билан йўғрилган.

«Аждаҳо ўтган йўлларда» ҳикояси эга кескин драматик руҳда битилган. Унда мард, танги қариянинг ийфе кўйида аждаҳога айланган ўғли туфайли чеккан иштироблари таъсирчан ифодаланган.

Амшманки, бу ҳикоя ва хотиралар тўплами китобхон учун чиройли туҳфа, адибнинг 85 ёшлигига эса муносиб тўёна бўлажак.

**Умарали НОРМАТОВ,**  
филология фанлари доктори, профессор

## ҲАММА БОЛА МЕНИНГ БОЛАМ, ҲАММАСИНИ БАРОБАР БАҒРИМГА БОСАМАН

**Д**унёнинг олис юртларида бўлаётган воқеаларни ўша заҳоти кўрсатадиган «спутник антенналар» пайдо бўлган. Баланд иморатларнинг деразаларида, пештоқларида ана шундай «тоғора» мисол хабарчилар кечани-кеча, кундузни-кундуз, демай, Ироқ воқеаларини кўрсатаяпти. Карбало даштига тавба-тазарру қилгани келган зиёратчиларни ўққа тутиш, қириб ташлаш оддий бир ҳол бўлиб қолганини ўз кўзингиз билан кўриб ёқа ушлайсиз.

Яшаб турган аҳолиси билан қўшиб портлатилган уйларнинг харобалари орасида фарёд ураётган одамларни кўриб, юракларингиз зирқираб кетади.

Бағдод кўчаларида, майдонларида қадам босгулик жой йўқ. Ҳамма ёқда ўққа учканларнинг, портлашларда жон таслим қилганларнинг қонга беланган жасадлари...

Бағдод худди хилма-хил қуролларни синайдиган полигон бўлиб қолган.

Минг-минглаб километр нарида юз бераётган бу даҳшатлардан кечалари ухлаёлмайсиз. Тушларингиз алағда бўлиб уйғониб кетаверасиз.

Эрталаб, ишқилиб тинчлик бўлсин-да, деб юрак ҳовучлаб телевизор қулоғини бурайсиз.

Хайрият! Ёш болаларни кўрсатаяпти.

Ҳар куни такрор-такрор эфирга узатиладиган бу ажойиб томошани кўрмаган бўлсангиз, дунёнинг энг ширин, энг роҳатбахш неъматидан бебаҳра қолибсиз.

Сөзләрни өткен хилма-хил ленталар тақиб кўйган, тили Ойроқни қишлоққа қаранг. Ўзининг чиройли эканини билганидан таманно билан кўзларини сузали-и! Унинг бир кун келиб гўзаллар танловида Малика булини ҳозирданоқ аён бўлиб турипти.

Кўлидаги пуфаги пақиллаб ёрилиб кетганидан доллаётган қизчага, ўзи маза қилиб ялаб турган музқаймоғини бериб юпатган болани кўряпсизми? Бунақа «сахийлик» унча-мунча ўғил боланинг кўлидан келмайди.

Энди йўлга кирган бир ўғил боланинг алпанг-талпинг юриб, печка марта туриб, печка марта йиқилишига қарамий, ундан катталардан қолмай эргашишини, яна бир болакайнинг икки оёғини кериб, лапанглаб зўрга юришини ҳам кўраётгандирсиз?

**Уларнинг юз-кўзларидан чўли-чўли ўпиб олгиниз келмиптими?**

Икки қишлоқ арабча рақсга тушяпти. Минг бир миқомда рақс тушишини кўриб лол қолгандирсиз.

Хокандозда исириқ тутатиб, телевизорнинг ичига кириб кетсаму кўз тегмасин, деб икковининг ҳам бошидан исириқ айлантирсам дейсиз.

Бижилдоқ қизчаларнинг ўйинчоқ талашиб «лўлик» қилишларини, ўғил болаларнинг бирон нимани синдирмаса, бузмаса туролмайдиган шумликларини кўраман, десангиз, телевизор қулоғини буранг. Ана томошаю, мана томоша!

Экранда тўрт ёшлар чамаси бир болани кўрсатишяпти. Атайлаб узоқ, катта қилиб кўрсатишяпти. Шу жужуқдан келгусида қандай одам чиқишини чамалаб кўришяпти шекилли. У жиддий, жуда ҳам жиддий болага ўхшайди. Кулмайди ҳам, жилмаймайди ҳам. Кулсам, жилмайсам обрўйим тўкилади, деб ўйлайди чоғи. Унинг каттагина бир идоранинг крес-

лосида ўтиргулик келбати бор. Унда анчагина гурур, андак димоғ ҳам борга ўхшайди.

Бу беғубор, сабийлардек топ-тоза кўрсатув ич-ичингизга, томирларингизга ўрмалаб кириб кетганини билмай қоласиз. Ҳузур-ҳаловатга тўла ўша кунги ишингиз унумли бўлади.

Дастгоҳ тепасида қўлингиз ишдаю хаёлингиз пайпоқ тўқиётган онасининг бир ўрам ипини тепиб футбол ўйнаётган «қулоқсиз» болангизда бўлади.

Ток сўрига чиқиб, узум наваларини тараяпсизу икки кўзингиз тандирга нон ёпаётган кампирингизда. У қатор турган невараларининг дўпписига ҳозиргина узилган қайноқ «жижи» кулчаларнинг бетига сув сеппиб беряпти.

Ётар олдидан «қўлим қичиб» яна телевизор қўйдим.

Очликдан силласи қуриб, қоқ суяк бўлиб қолган, фақат иккита ёрқин катта-катта кўзлари, мен ҳали тирикман, деб турган қора танли болани кўрсатиш-япти. Шу шўрлик норасиданинг кўрган азоб-уқубатлари, жабру жафолари камлик қилгандек, бир қўлини ҳозиргина портлаган бомба парчаси узиб юборди.

Ажаб, қўл узилиб кетган елкадан қон оқмаяпти. Уч метрча нарига бориб тушган қўлда ҳам қондан асар йўқ.

Тирик пайтидаёқ қони деярли тугаган, фақат қоқ суягу юпқа терисигагина яраб турган қон билан яшаётган жонли жасадни кўриб, карахт бўлиб қолдим.

Дунё тинчимаса, одам тинчимас экан.

Одам тинчимаса, дунё тинчимас экан.

Одамлар, шу ер деб, шу инсонлар деб жон таслим қилган боболаримизнинг, момоларимизнинг руҳларини безовта қила кўрманг!

**Улм ваҳшатларга тулган, инсон инсонни чаён  
булиб чиқарган, илон бўлиб бўғаётган, қутирган  
шер бўлиб тилка-пора қилаётган бу ўзлигини йўқот-  
ган метал дунёсида туғилиб нима қилардинг, бола-  
гина!**

Ер куррасининг нариги томонида бирон боланинг  
бурни қонаса, курранинг бу томонида туриб даст-  
рўмол узатадиган меҳри дарё Ўзбекни қандоқ нарсა-  
дан бино қилгансан, худойим!

Президентимиз Ислон Каримов: «Ҳамма бола  
менинг болам, ҳаммасини баробар бағримга боса-  
ман», деган эди. Ўз номи ўзи билан Ислон, ўз наса-  
би ўзи билан Карим. Шу тоғда у жон таслим қилол-  
миётган қора тилли болани гойибдан бағрига босиб:  
**«Улма, улма, жигарим»,** деб Тингрига илтижолар қил-  
пти.

# ТОШКЕНТДАН ПОМИРГАЧА

- Тошкентга Хўжанд орқали борса бўлади.
- Тоғли Бадахшон қизи Потмахон.
- Майсара бургутларга ҳамсоя эди.
- Падарҷонам, модарҷонам, ман туро пазмон шудам.  
(Дадажоним, аяжоним, мен сизларни соғиндим).
- Ман акнун духтари шумо ҳастам. (Мен энди сизнинг қизингиз бўлдим).

Ўзбекистонда Фафур Фуломчалик зилзиладан қўрқадиган одам топилмаса керак.

Уюшмамининг иккинчи қаватидаги залида Фафур ака аруз вазнининг турлари тўғрисида гапираётган эди. Бирдан ер қимирлаб, нутқи нутқлигича қолди.

Нотиқ — Фафур ака минбардан ўқдек отилиб тушиб, раислик қилаётган Ойбек домланинг ҳай-ҳайлашига қарамай, зина пиллапояларининг икки-учтасини битта қилиб босиб, ҳовлига тушганида ёнида эдим.

Йигирма олтинчи апрел тонготар маҳали ер қимирлаб, Тошкент алғов-далғов бўлиб кетганди. «Дом»ларнинг олди этажлардан қочиб тушган одамлар билан тўлган.

Шу асло эсдан чиқмайдиган воқеадан икки кун ўтиб, яъни йигирма саккизинчи апрел куни эрталаб бир кўзи ерда, бир кўзи шикастланган иморатларда бўлиб ҳовлимизга устоз Фафур Фулом кириб келдилар.

— Тинчмисизлар? Қўрқмаяпсизларми? Жуда ёмон бўлди-ку, а!

Ҳовли ўртасида беш-олтита хом ғишт сочилиб ётганини кўриб, Фафур ака:

— Ийгиштириб, четга олиб қуйсанглар бўлмай-  
дими. Ҳовли ивириб кетибди. Гиштларни четга олиб  
уринни супуриб қуйгин-да, Савид...

Савидхон домланинг суълари тугмасёқ жавоб қилди:

— Қушимиз иморатини осмон биробар қилиб  
хом гиштан қурган. Кечаги зилзилада шу уйнинг  
пештоқидан манаву гиштар ҳовлининг ўртасига  
отилиб тушган. Ҳар силкиганида яна битта-иккитадан  
гишт тушиб турипти. Тушадигани тушиб бўлсин,  
ўшанда биратўласи ййгиштириб қўямиз.

Ғафур аканинг кўзлари олазарак бўлиб қолди.

— Гишт бошимизга тушмасин, юринглар, кўчага  
чиқиб хотиржам гаплашайлик.

Устоз мабодо ер қимирлаб қолса қочиш учун кўча  
эшигини мўлжалга олиб ҳушёр турардилар.

— Қўрқманг, домла, ҳозир сизга гилос териб  
бераман. Укаларимга олиб борасиз.

Ғафур ака девор ёриқларига, ҳовлидаги шох-  
шаббаларга қараб, ҳатто бу ҳовлида бир эмас, тўрт  
туп гилос шохларини кўтаролмай пишиб ётганини  
ҳам кўрмаган эканлар.

— Вой-бу, худо роса берипти-ку. Апрельда Тош-  
кентда гилос пишишини сира кўрмагандим. Бунақа  
пайтда бизга гилос Сурхондарёдан келарди.

Домла пастки шохлардан бирини эгиб, беш-  
олтита гилос териб, биттасини оғзига солди.

— Офтобга тўймаган бўлса ҳам мазаси бинойидек.  
Қани, пишган-пишганидан икки пақир териб туш.  
Муҳаррамхонга, Олмосга, Тошхонга, Улуғга ва бош-  
қа чурвақа укаларингга олиб бораман. Менга қара,  
гилос тераётганингда қўлинг қалтирамасин. Бу бир.  
Худонинг ўзи барақасини беради. Бу икки. Шу гапни  
сенга Ғафур Ғулом айтяпти. Бу уч. Тушиндингми?  
Ғеълингни кенг қил. Бу тўрт.

Ғузулий ҳазратлари мана бундоқ деганлар:

Эгамнинг газнаси кенгдир,  
Тила ганжи илоҳийдан.  
Магар бир қатраси томса,  
Тўкилган бирла оз ўлмас.

Шу гап қулогингда турсин. Бундан буёқ шеър мендан, гилос сендан. Келишдикми? Бу беш. Тахтапуллик Фулом Расул қози билан шаҳар Думасининг аъзоси Дадахўжа Думанинг неварасисан-да. Сенда шу пишиқ-пухта одамларнинг қони бор. Шу кичкинагина, каталакдек ҳовлида тўрт туп тўрт хил гилос. Қойил. Тез бўл, ер қимирлаб қолса ишимиз пачава бўлади.

Иккита пақирни тўлдириб гилос териб тушдим.

— Бунинг кам-ку. Буни кўриб, укаларинг яна-яна, деб хархаша қилиб қолса, нима дейман. Яна териб туш. Майли, қўя қол, ер тинчиганда яна келарман. Менга қара, ичкарида ётманглар. Уйларинг битмай туриб бепанд бўлиб қопти.

Мен у кишига ҳовли четида, чап қўшнимизнинг пастак девори ёнига «Москвич» машинамни обориб, ичига Саидахон билан Нодирага ётоқ қилиб берганимни айтдим.

Фафур ака машина атрофида айланиб, дуруст, хотиржам ухласа бўлади, деб қилган ишимни маъқулладилар. Бироқ машина ёнига кроватимни обориб, тепасига темир наваларни букиб том қилганим, томига гулли клёнка ёпиб, чиройли қилиб «қурган» ётоғим у кишига ёқмади.

— Ичига кириб ётмоқчимисан? Бузиб ташла, тобутга ўхшаб қопти. Ўликни ётқизиб, тўппа-тўғри қабристонга олиб кетса бўладиган тобут бўпти.

Фафур ака гилос учун раҳматлар айтиб, кўчага чиқдилар. Терилган гилосларни қоғоз қопга солиб, машина юкхонасига жойлаб бердим.

Қашқар маҳалла аҳли ҳукумат бир кун келиб бизга иморат қуриш учун ер беради, деган умидда, бир кунимизга яраб қолар, деб кўп қаторлаб терак экиб ташлаган эдилар. Шу терак қаламчалари амал олиб, салкам ўттиз йилда қучоққа сигмайдиган терак бўлиб етилган эди.

Тангадек офтоб туширмайдиган теракзор таги чодир тикиш учун жуда яхши жой бўлганди.

Бироқ бу қора тераклар қариб, ичи ковак бўлиб қолганини билишмасди.

Зилзила маркази, эпицентр Қашқар маҳалласида, сомон бозорида. Аҳоли истиқомат қилган, зилзиладан вайрон бўлган, умр бўйи одамларнинг яшаган қадрдон уйлари ўрнида синиқ-мертик эшик-деразалар, керак бўлиб қолар, деб сақланган сопол жомашовлар, пачоқ обдасталар, граммафон пластинкалари ахлат уюмлари орасида мунғайиб ётарди.

Теракзордаги брезент «уй»ларга биринчи бўлиб Қашқар маҳалласи билан сомон бозори атрофидаги хонадонлар кўчириб келтирилди.

Помирлик таржимон Майсара Исоева билан Тоғли Бадахшон автоном вилоятидан келган таржимон Потмахон икковларига битта чодирдан жой тегди.

Ер қимирлаганига энди уч кун бўлган. Ҳукумат комиссияси шикастланган биноларни таъмирлаш, тиклаб бўлмайдиганларини бузиб, ўрнига янги уйлар қуриш масалаларини шошилишч муҳокама қилардилар. Қайси республика қанча одам билан келади, нималар олиб келади, уйлар таъмирлангунча аҳоли ҳам, келган қурувчилар ҳам қаерда яшайди, аҳолининг ташқарига олиб чиқилган рўзгор буюмлари, кўрпа-тўшаклари, ҳаво айнаиб қолса, ивиб шалаббо бўлиб кетмайдими?

Айни шу масалаларда штаб шошилишч чоралар кўриш учун бутун Тошкент раҳбарларини, фаолларини оёққа турғизган эди.

Милиция ҳамда ўт ўчириш командалари оёққа турган.

Тошкент гарнизони солдатлари машиналарда брезент чодирлар олиб келиб, уйсиз қолганларга тарқатишяпти. Чодирларни тиклашга ёрдам қилишяпти.

Фафур акани кузатаётганимда олдимизга бир машина келиб тўхтади. Ундан устознинг ўғли, дадасига ўхшатиб кўз ойнак таққан Ўсарвой тушди. Фафур ака катта ўғлини Ўзар, ўртанчасини Ўсар, яна бирини Башар, кенжа ўғлини Яшар деб эркалатарди.

— Нима гап, тинчликми, болам? — деди Фафур ака боласининг бемаҳал шошиб келишидан хавотир олиб.

— Ҳол-аҳвол сўрагани Душанбедан ўртоқларингиз келишди. Академик Осимов бошлаб кептилар. Баҳри аммам, югур, додангни чақириб кел, деб машиналарига ўтқазиб жўнатдилар.

Баҳри амма Фафур Фуломнинг кичик сингиси, Ўзбекистон китоб савдосининг бошлиғи. У ёзувчи халқи қўл қовуштириб қуллуқ қиладиган, ҳамма иши аниқ ҳисоб-китоб билан бўладиган ташкилотга раҳбарлик қиларди. Нашриётлар бирон ёзувчининг китобини нашр қилмоқчи бўлсалар, қанча чиқариш кераклигини ундан сўрардилар.

Кейинги пайтларда китоб дўконларида харидор олмаганидан неча марталаб нархи туширилган кўп томликлар қалашиб кетганди. Бозори касод бу китоблар нархи туширилавериб, охири мақалатурага жўнатиларди. Бундан китоб савдоси миллион-миллион сўмлаб зарар кўрарди.

Баҳри Фуломова кимнинг китоби бозоргир, кимники касод эканини яхши билганидан казо-казо ёзувчиларнинг юқори идоралардан қоғоз олиб келишларига, телефон қилдиришларига қарамай, китобларини қабул қилмасди.

Фафур ака, оббо, деб юборди. «Сичқон сигмас инига, ғалвир бойлар думига» деб шуни айтадилар. «Шундоқ катта ҳовлида ер қимирлаган пайтда бош суққани жой тополмайману шунча меҳмонни қаерга жойлайман. Осимов бош бўлиб келган бўлса, бунинг ҳам чорасини кўриб келгандир. Осимов жуда фаросатли, андишали одам», деб ўзини хотиржам қилган бўлди Фафур ака.

Ҳовлидаги баланд серсоя тут тагида академик Осимов, Боқи Раҳимзода, Жалол Икромий, Сотим Улуғзода, Фотеҳ Ниёзий ҳамда Туркистон ҳарбий округида таржимон бўлиб ишлайдиган Тоғли Бадахшон округидан келган Потмахон билан помирлик таржимон Майсара Исоевалар ҳангомалашиб ўтиришарди.

Шамолда тўкилган, ҳали дурустгина оқармаган тутлар супурилиб, бир четга уйиб қўйилган.

Қадрдонлар бир-бирларини ялаб-юлқаб, ҳолаҳвол сўрай бошладилар.

— Бошингизга тушган оғир кунда сизга ҳамдардмиз, Фафур ака. Ўша кунидек телефон қилиб, аҳволни билмоқчи эдик. Тошкентга телефон қилиб бўлмади. Хўжандга учиб келиб, пахта заводининг РАФ машинасида ва яна институтнинг «Волга»сини сўраб олиб, Тошкентга етиб келдик. Хўш, аҳволларингиздан сўрайлик. Болаларингиз қўрқиб қолганми? Муҳаррамойни, Олмосхонни, Тошхонни кўриб, уларнинг соғ-саломат эканликларидан кўнглимиз таскин топгандек бўлди. ТуркВОга кириб, манаву қизларингизни ҳам олиб келдик. Сизни хафа қилишмаяптими. Келиб-кетиб туришиптими?

— Барака топсин бу қизларим. Кунда бўлмаса ҳам, кунора келишади. Шулар баҳонасида бадахшон тилини, помир тилини унча-мунча тушунадиган бўлиб қолдик. Олмос билан Тошхон Тахмина қизга ўрганиб қолишган. Кўпинча уни уйда опқолишади.

Бирга тожикча, помирча, ўзбекча аралаш-қуралаш қилиб гаплашиб ётишади. Булар Муҳаррамойнинг жони-дили, Тахминани бағрига босиб чўпиллатиб ўпкани-ўпкан. Айтганча, Тахмина қани, нега кўринмайди? Бу сўроққа Майсара жавоб берди:

— Детсадни чорбоғга кўчириб оборишган. Тахмина ўша ерда.

Академик ҳафсала билан қурдирган, ҳамма қулайликлари бор чорбоғини, болаларга беринглар, деб васият қилган экан. Ер қимирлаган куни зудлик билан боғчани ўша чорбоққа кўчириб кетган эдилар.

— Ўзингиз биласиз, — деди Осимов домла, — қадрдонимиз Мунир Муинзода кўпдан Тошкентдалар. Юнус Ражабийнинг акалари Рихси Ражабийнинг у кишига меҳрлари тушиб қопти. Боғларига кўчириб олиб кетганлар. Кўшсинч, гувала деворли каттагина айвонлари бор. Бугун ҳаммамиз ўша айвонда ётамиз. Калават, кўрпа-тўшак етарли. Манаву қизларингизнинг иккови брезент палатага кўчиб ўтишади. Келмади, деб хавотир олманг. Сиз ҳам биз билан борсангиз, ҳангомалашиб ётардик.

— Болалар менсиз кўрқиб ётолмайдилар. Яхшиси, эрталаб шу ерда учрашайлик, — деди Фафур ака меҳмонлар ўзларига ўзлари ётоқ топганларидан қувониб...

Шунча йил Фафур Фулом оиласи билан бордикелди қилиб, қариндош-уруғларининг ҳаммасини билиб олганман, деб юрардим. Янглишган эканман. Яқинда яна битта Сабри амма деган синглиси борлигини билиб қолдим. Куёвлари Йўлдош почча ишнинг кўзини биладиган киши экан. Ўғли Воҳид Йўлдошев тоғасига ўхшаган ҳазилга ўч, гапдонгина бўпти. У алоқа министри эди. Кўп одамларнинг ҳожатини чиқазган кўнгилчан йигит экан.

Устозимизнинг яна бир сингиллари Раҳбар амманинг эрлари — Аъзам почча инқилобдан олдинги

учувчиларга ўхшаб тирсагигача етадиган кенг чарм қулоқон, бошига сирма чарм қулоқчин устидан орқа томони елкаларига тушиб турадиган яна бир қулоқчин киярди.

Аъзам почча машина минган биринчи ўзбек шофёрларидан эди. Шумтака болалар машинага тегмасин, бирон мурватини бузиб қўймасин, деб меҳмонда ҳам хотиржам ўтиролмасди.

Булардан ташқари, Аъзам почча «Откормочная база» билан шартнома тузиб, қанчадан-қанча бузоқ боқиб, семиртиб давлатга гўшт учун топширар, шундан каттагина даромад оларди. Рўзғорида ҳеч таранглик бўлмасди.

Хуллас, Фафур аканинг ҳатто эсидан чиқиб кетган жиянлари, поччалари, келин аялари ва уларнинг «жонажон» қудалари топилиб турарди.

Академик Улуғбек Фуломов Ядро физикаси институтининг директори эди. Опаси Холида Фуломованинг эри Шокир полвон бирлашган нашриёт босма-хонасида тонна-тонна оғир-зич қоғоз ўрамларини машинадан туширар, босма машиналари ёнига обориб қўярди. Уни босмахонада полвон ака деб атардилар. Шокир хат танимайдиган омий одам эди. Шундай оғир меҳнати билан рўзғор тебратарди.

Улуғбек, жиянларим дадасига ўхшаб, илмсиз бўлиб қолмасин, деб ўзи бош бўлиб ўқитди. Аммо шўх, ерга урса кўкка сапчийдиган болаларни ўқитиш осон бўлмади.

Улуғбек уларни орқасидан қувиб юриб ўн йилликни битиртирди. Кейин қобилиятига қараб институтларга йўллади.


Хат танимаган Шокир полвон Ҳамидовнинг болалари академик Улуғбек Фуломовнинг машаққатли меҳнати орқасида нималарга эришганини ва бугунги кунда ким бўлиб етишганини бирма-бир айтиб ўтмасам бўлмас.

Абдул Аҳад Шокирович. Физика-техника фанлари номзоди. Абдушукур Шокирович. Физик, фан номзоди. Абдул Азиз Шокирович. Бизнесмен. Тоҳира Шокировна. Беш боланинг онаси. Оила бекаси. Комила Шокировна. Ўқитувчи, лицейда адабиётдан дарс беради. Жамолиддин Шокирович. Бизнесмен. Шарофат Шокировна. Соҳибкор. Узумчилик-виночилик соҳасида илмий иш олиб боради. Жалолиддин Шокирович. Физик, ядро физикаси соҳасида илмий изланишлар олиб боради. Ёқутхон Шокировна. Генетиколог. Ифтихор Шокировна. Бу қиз туғилганда машҳур кўшиқчимиз Ҳалима Носирова меҳмонга келган эди. Ҳалима опа чақалоққа «Ифтихор» деб ном қўйиб берганди. Ифтихор яхшигина бизнесмен бўлиб етишди. Нодир Шокирович. Шокир полвон Ҳамидовнинг невараси. Хитой Халқ Республикасидаги Ўзбекистон элчихонасида маслаҳатчи бўлиб ишлайди.

Шокир полвон болаларининг гапларига тушунмайди. Биронтаси отасига тортиб полвон бўлмаганидан ўксийди. Кўп болали хонадонда тўйлар ҳам кўп бўлади. Бу тўйларга машҳур ядрочи олимлар, фан докторлари, ҳатто Академия Призенденти ҳам келади. Ўн боланинг камолини кўрган Қаҳрамон она Холида Фуломова бахтдан энтикади. Укаси Улуғбекни бағрига босиб, шу шўх, «тентак» болаларни одам қилгани, уларга илм, обрў олиб бергани учун кўзида ёш билан пешонасидан ўпиб миннатдорлик билдиради.

Фафур Фулом хонадонининг энг яқин кишиларидан бири Ваҳоб Рўзиматовдир. У устозимиз меросини тўплаш ҳамда нашр қилишда жуда катта ишлар қилган. Босилган ва янгитдан босилаётган «Асарлар»нинг мукамал бўлиши учун ҳаракат қиларди.

Шу пайтгача нашр қилинган томликлар Ваҳоб Рўзиматовнинг синчков назаридан ўтган тўлиқ нашр ҳисобланади.



Ғафур Ғуломнинг бошқа тилларда босилган асарлари ҳам унинг ҳиссаси каттадир.

Ваҳоб Рўзиматов рус тилини мукамал билган «мулло» таржимонлардан бири. У шоир шеърларини бошқа тилга ўгирадиган таржимон-шоирлар учун сўзма-сўз (подстрочник) матнлар тайёрлаб беради...

Йўқлаб, ҳол сўраб келадиган қариндошлар олдига кўяман деб айвонга ёндошиб ўсган бир туп гилос тепасига чиқдим. Ҳаво очиқ эди. Ғир-ғир шаббода эсиб турарди. Бирдан ҳаво айнаиди. Осмонни қора булут тўсиб, шамол бўронга айланди. Азамат дарахтларнинг бақувват шохларини юлқиб, узоқ-узоқларга обориб ташларди. Ҳаддан ташқари куч билан келган бўрон мени ҳам гилос шохидан олиб, тунука томга улоқтирди. Ҳозиргина офтоб чарақлаган борлиқни зимистон ютиб юборгандек бўлди. Шаҳар атрофлари тепасида кўксов момақалдироқларнинг ожиз қалдирашлари эшитилади. Яшин электропайванд чақинидек бир ялтираб, бир ўчади. Салдан кейин момақалдироқ гумбурлайди. Шунда нурнинг овоздан тез югуришини ўз кўзим билан кўрдим.

Эрталабдан бери осмонда жавлон урган қушлар қайгадир ғойиб бўлишган? Бефаҳм бир мусичагина ёмғирда ивиб, бир чети ўпирилган ўчоққа қўниб турибди. Унинг тумшуғидан, думидан сув оқяпти.

Бўрону кўз очирмаётган жала камлик қилгандек, ер яна силкина бошлади. Электр ўчган. Бўрон телефон кабелларини симёғочларга ўраб, айқаш-уйқаш қилиб ташлаган.

Потмахон ташқарида унутиб қолдирган туфлисини олгани тимирскиланиб чиққан пайтда, тепадаги терак бўрон зарбига дош беролмай, қоқ белидан узилиб, чодир устига гупиллаб тушди.

Потмахон шошиб қўшни чодирдагиларни чақириб чиқди. Бири фонус, бири шам ёқиб, яна бири батарея чироғини кўтариб чиқди.

Оғир, шалаббо бўлган брезент чодир Майсаранинг устига кўрпа бўлиб ёпилиб қолган. Теракнинг кучоққа сизмас танаси шу чодир устидан Майсаранинг қаеридан босганини билиб бўлмасди. Бўроннинг гувиллашидан, жаланинг шовуллашидан Майсаранинг овозини эшитиб бўлмасди. Аммо ҳар замон, ҳар замонда нафаси бўғилиб, хириллагани эшитилиб қоларди.

Кўпчилик бўлиб ниҳоятда оғир терак танасини бир тарафга озроқ сурдилар. Шам, батарея чироғи, фонус нурида Майсаранинг юзи аниқ кўринди. У тирик эди. Одамларга жовдираб, илтижо билан нималардир деб пичирларди.

Потмахон унинг лаби қимирлашидан нималар деяганини биларди. Қадрдон дугонасининг лабига битилган «ёзувлар»ни ўқиёларди.

— Тахминачон, биё духтарчаам, биё...

Унинг ёнида қизи учун сотиб олган «Совғат» ларслик китоби ётарди.

Аста-секин Майсаранинг овози ўча бошлади. Охири лаблари қимирлай қолди. Қадим паҳлавонларнинг даралардан келадиган қўшиқларини тинглаган, шаршара тўзонлари жингала сочларига инган, эркин бургутларнинг ён қўшниси, боши осмонга тиралиб турган собит тоғларнинг эрка қизи, катта-катта юлдузларини қўл куйдириб битталаб териб олса бўладиган сомон йўлларининг тўзонларига беланиб, олис бўшлиқлар бағрига сингиб кетадиган, кейин «Арши курси»да бир дам ўтириб ором топадиган Майсара ёмғирда ивиган оғир брезент чодир тагида қизалоғи Тахминанинг дийдорига илҳақ бўлиб сўнгги нафасини олаётган эди.

Чақмоқ чақиб, момақалди роқ осмону фалакни остин-устун қилаётган, қашқирдек ув тортаётган қора кечада Потмахоннинг қўлида Майсаранинг жони узилди. Армон тўла кўзлари очиқ қолди.

Потмахон унинг қобоқларини пастга қаратиб силади...

Майсаранинг ҳарбий округ олдидаги алоҳида хизматларини тақдирлаб, кўмондон унинг жасадини жанговар самолётда Помирга обориб, чегарада ҳалок бўлган эри Турсун Исоев ёнига дафн қилинсин, деб буюрган эди.

Кўпчиликнинг маслаҳати билан Тахминани дафн маросимига олиб борадиган бўлишди. Майли, кўрсин, вақти келиб отамнинг ҳам, онамнинг ҳам мазорини кўрмадим, деб биздан домонгир бўлиб, дилида армон қилмаслиги учун жанозага олиб кетишган эди.

Бу ернинг аҳолиси, асосан, исқандарияликлар бўлиб, узоқ жангу жадаллардан толиқиб, шу ерда кўним топган, помирлик тожиклар билан чатишиб, бола-чақали бўлиб кетган, араблар босқинидан кейин ислом динини қабул қилган собиқ оташпарастлар эдилар.

Улар соч-соқоллари қизғишга мойил, кўзлари ниҳоятда кўмкўк, серзарда, қайсар одамлар эди.

Майсаранинг эри Турсун Исоев эса Регар томонлардан сафарбар бўлиб келган тожиклардан эди.

Майсарани шу баланд тоғнинг кунгай тарафига, эри капитан Турсун Исоевнинг ёнига дафн қилишди.

Тахмина отаси билан онасининг қабри ўртасида ўксиб-ўксиб йиғлади. Тошлар устига томган кўз ёшларини шамол бир зумда қуритиб қўярди.

— Модарҷонам, падарҷонам, ман туро пазмон шудам...

Потмахон унинг икки қўлтиғидан олиб турғизди.

Бошига қора кун тушган, кўп алам чеккан гўдаклар жуда тез улғайиб қоладилар.

Қуръон тиловат қилаётганларида Тахмина бош эгиб, худди катталардек нафасини ичига ютиб, омин, деганларида, кичкинагина қўлчаларини юзига

гортиб, Аллоҳу акбар, деди. Кўзларидан тирқираб ёш оқди, фарёд уриб, бошини гоҳ у қабрга, гоҳ бу қабрга ишқади....

Уни куч билан қабрдан узоқлаштирдилар.

Жанозада қатнашган тожикистонликлар Душанбеда самолётдан тушиб қолишди. Улар Тахминанинг бошини силаб, баланд тоғ тепасида қўш мозор бўлиб ётган ота-онани унутма, деб насиҳат қилдилар.

Самолёт Тошкентга қўнганда Потмахон:

— Нима қилай, детсадга обориб қўяйми? — деди. Тахмина бош чайқади.

— Ғофур бобомга бораман.

Муҳаррам ая уни бағрига босиб, пешонасидан ўпди.

Қанча-қанча сағирлар, етим-есирлар сиққан шу меҳр тўла иссиқ кўкракка мовий кўз бир мурғак етимча ҳам сингиб кетди.

Тахмина кўзида ёш билан энтикиб:

— Ман акнун духтари шумо ҳастам (Мен энди сизнинг қизингиз бўлдим), деб юборди. Қулоғига узоқдан Ғафур Фуломнинг овози эшитилаётгандек эди:

Ту ятим нестй,  
Ором шав, чонам.  
Чу хуршед меҳрубон  
Ватан-модарат.  
Чун замин вазмину  
Меҳнаткаш, мушфиқ,  
Ҳар чиро хоҳй муҳайё кунанда  
Халқат-падарат.  
Натарс, чигарам,  
Ҳастй дар хонаат.  
Дар ин чо  
на ғурбат,  
на офат,

на ғам:

Дар ин чо

ҳарорат,

муҳаббат,

шафқат.

Нони меҳнатиро мебинам бо ҳам.

Ту ятим нести,

хоб кун, ҷигарам.

Олмос билан Тошхон Тахминани ёшлар кўлига опчиқиб, қайиқда сузишди.

Ҳар хил рангли соябонлар тагида яйраб музқаймоқ ейишди. Бироқ Тахмина музқаймоқни емади. Яхмосни (музқаймоқни) бобомга бераман, деб нафсини тийиб ўтирди.

— Еявер, синглим, бобонгга яна бошқа яхмос оламиз, — дейишди.

Учовлари «яхмос» эриб, оқиб кетмасин, деб дарров уйга қайтишди. Тахмина ҳеч ким тегмасин, деб уни совутгичнинг музхонасига солиб қўйди.

## ЖИЛВОНДА ҚОЛГАН ИЗЛАР

- Агар унинг изларини ёнма-ён қўйиб, зичлаб ёйиб чиқса, Жилвон чўлларига кўрпа қилиб ёпса бўлади.
- Бухорода қанча қуш бўлса, ҳаммаси осмонда.
- Палокат дема, пилокат дегин.

Саидахоннинг эллик ёшга тўлишини нишонлаш ҳаракатида эдик. Уюшмамизнинг раиси Яшин ака, Саида хонанишин шоира бўлиб ўтиравермасин, китобхонлар билан учрашувларга борсин, деб тайинлади.

Олтмиш олтинчи йили ер қимирлаганда Бухоро зардўзлик фабрикасининг директори Робия Раҳматова бизникида меҳмонда эди. У Саидахон билан опасингил тутинган, Тошкентга келганда бизникида ётиб қоларди. Бухорога боринглар, фабрикада зардўз қизлар билан учрашувлар ўтказамиз, дерди.

Менинг машинада Саидахон, Ойдин Ҳожиева ҳамда Туроб Тўла билан Бухоро томон йўлга чиқдик.

Ётиб келсак, Робия опа Тошкентда пленумдан чиқиб, бизникига ётиб қолгани келган экан.

Янгигина ишга тушган «Интурист» меҳмонхонасининг олтинчи қаватидан жой беришди. Бундан кўнглим тўлмади. Ер қимирлаб қолса олтинчи қаватдан қочиб туриши осонми.

— Ер қимирлаб қолса нима бўлади? Ўзимиз Тошкент зилзиласидан қочиб келяпмиз, — дедим навбатчи опага.

Навбатчи опа то жавоб бергунча безовталигимни кўриб турган бир тожик милиционерни олдимга келди, юпатмоқчи бўлди.

— Бизди Бухорога земла тресоват қилмайду. Понятнаме? Замин жуммит бўлмайду. Бундоқ чикин факт тарихга бўлмаган.

У ўрисча билан ўзбекчани чала-чулпа қилиб, мен ўзбекча билан тожикчани қориштириб, ўртадан икковимиз тушунадиган ҳаммабоп тил топдик.

Хуллас, маслаҳат билан Бухорода ер қимирламайдиган, мен эса олтинчи қаватга чиқиб хотиржам ухлайдиган бўлдим.

Кроватга ўзимни ташлаб, қотиб ухлаб қопман.

Эрталаб кучли зилзиладан уйғониб кетдим. Ер шу даражада куч билан силкинган эдики, хона бурчидаги деворга жипслаштириб қўйилган, етти-саккиз одам жойидан кўзғотолмайдиган кийим жовони сурилиб, хонанинг қоқ ўртасига келиб қопти.

Шошиб деразадан ташқарига қарадим. Чанг-тўзондан ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Шаҳарда қанчаки учишга қодир қуш бўлса, ҳаммаси осмонга кўтарилган. Қанчаки ит бўлса, ҳаммаси баробар акиллайди. Хўрозлар тинимсиз қичқиради. Биргина товуқлар, оёқлари куяётгандек, сакраб-сакраб у ёқдан-бу ёққа югуришади.

Саидахон аллақачон кийиниб бўлган. Менинг туришимни сабрсизлик билан кутаётган экан.

— Тез бўлақолинг, уйга телефон қилайлик. Тошкент ҳам шу аҳволда бўлса керак. Нодира кўрқмаётганмикин?

Туроб раҳбарлик лавозимларида ишлаб юриб ўрганган. Шу тифиз пайтда соқолини қиртишлаб, бетига атир ҳам сепибди. Хонамизга ясатилган тойдек бўлиб кириб келди.

Аммо Ойдин ниҳоятда сабрли, шошилмаган, бемалол аёл экан. Саидахон унинг хонасига кириб, дарров қайтиб чиқди.

— Ойдин энди турипти. Пастга тушамиз десам, мени кутмай, ўзларинг тушаверинглар, деди.

Пастга тушдик. Эшик олдида ўтирган навбатчи менга:

— Авлиё одам экансиз, — деди. — Бухорода ер қимирламайдими, деб сўрайвердингиз, сўрайвердингиз, бир нимани сезгандирсизки, этажга чиққингиз келмай, анча пайтгача пастда безовта юрдингиз.

— Тошкентда ер қимирлаб, юрак олдириб қолганмиз. Бу ёққа зилзиладан қочиб келган эдик.

Навбатчи гапларимга ишонмай, «Бу одам қанлайдир биров билмайдиган сирни билади», дегандек, юзимга шубҳали қараб қўйди.

Лаби ҳовуз рўпарасидаги эски меҳмонхона олдида бир киши Брежневнинг сувратини кўтариб: «Бу палокатни қайга урай», деб жовраб юрипти.

Эгнига йўл-йўл тўн, бошига айвончаси узун шапка кийган қориндор киши уни жеркиб берди.

— Палокат дема, пилокат дегин. Шу пилокатни икки дераза ўртасига маҳкам қил.

Кўп йиллардан бери Шохруд ариғи тозаланмай, хонадонлардан чиқазиб ташланган чириндиларга тўлиб кетган эди. Май байрами куни тантанали равишда Шохрудга сув очамиз, деб катта-кичик ҳашарга чиққан эди.

Хотинлар чирқиллаб йиғлаётган болаларини бағриларига босишиб, иморатлардан, деворлардан узоқ, кўчанинг қоқ ўртасида ўтиришарди.

«Тоқи заргарон», «Тоқи телпакфурушон» тимларида, молларни биров ўмариб кетмасин, деб эгалари ҳушёр туришарди.

Кўчани тўлдирган оломон шаҳар театри олдидаги майдон томон оқа бошлади.

Тошкентдан ҳукумат раҳбарлари етиб келишган. Уларни ўраб олган кишиларнинг нима деяганларини шовқинда билиб бўлмасди. Айниқса, хотинлар овозларининг борича қичқиришарди.

Бир хотин икки қўлини силкитиб, раҳбарлар олдига келди. Ҳамма бирдан жимиб қолди.

— Бухоронинг бошига етдинглар. Тагидан газни сўриб олиб, ичини бўшатиб, ғовак қилиб қўйдинглар. Неча минг йиллардан бери зилзила нималигини билмаган Бухоро чўкиб кетяпти. Бухорои шарифни ер ютяпти. Минораи Калон ҳам ғанимат бўлиб қолди, халойиқ!

Жазавага тушган бу хотинни сира тинчитиб бўлмасди. Бошқа хотинлар, энди бас, айтадиганингни айтиб бўлдинг, деб уни судраб олиб кетишди.

Жанжал чиқариш учун кимлардир атайин тайёрлаган хотин кетиши билан оломон бирдан жимиб қолди.

Тошкент сейсмик станциясининг бош мутахассиси Уломов энг ноёб аппаратлар билан ер тагида ҳеч қанақа бўшлиқ йўқлигини текшириб кўрганларини айтиб, одамларни тинчитмоқчи бўлди.

— Бухоронинг таги бўшлиқ эмас, шундай зич қатламки, унда ўпирилиш учун мутлақо бўш жой йўқ. Хотиржам бўлинглар, биродарлар!

Ҳукумат раҳбари шаҳардаги зилзиладан зарар кўрган уйларни аниқлаб, улар ўрнига тезда янги, мустаҳкам уйлар қуриб беришларини айтди.

— Ҳар хил ифволарга ишонманглар, ер ўпирилмайди, Бухоро қандоқ бўлса, ўшандоқ собит туради. Шу йилнинг ўзидаёқ янги, ҳар қандай зилзилага бардош берадиган уйлар қуриб берамиз. Эртадан бошлаб республиканинг областларидан, шаҳарларидан қурилиш материаллари ортилган карвонлар йўлга чиқади. Қардош республикалар ҳам қараб туришмайди. Улар ёрдамга юзлаб ишчиларни, ёғоч-тахта, тайёр

лирик-деразалар юклаган вагонларни юборяптилар. Ҳамма министрлик Бухорони тиклашга ўз ҳиссасини қўшади. Қайтариб айтаман, то совуқ тушгунча бирон бошпанасиз оила қолмайди. Мен бунга раҳбар сифатида сўз бераман.

Бу галги Бухоро сафаримиз ўнгидан келмади. Ер уриб турганда учрашув кимнинг кўнглига сиғади, деб «Зардўз»ликдаги учрашувни қолдирдик. «Интурист»да ётиб қолишга ҳеч биримизнинг раъйимиз бўлмади. Яхшиси — орқага қайтиш. Шофиркондаги дўстимиз ёзувчи Аҳад Ҳасаннинг уйида ётиб, тонг маҳал Тошкентга жўнаб кетамиз, деб режа тузиб қўйдик.

Шофирконда ажойиб, содда, дўлвор Жўрақул Орипов деган қадрдонимиз бор. У сурункасига йигирма йил райкомнинг биринчи котиби бўлиб ишлаган.

Жўрақул ака Аҳад Ҳасан билан бизни Шофиркон чорраҳасида кутиб олишди.

Райком ҳовлисига дастурхон тайёрлашган экан, бир пиёла чой ичишимиз билан овқатга уннаб юборишди. Жўрақул аканинг катта ёзувчиларга ўз қарашлари, ўз баҳолари бор эди.

**ОЙБЕК** — романтик. Яъни роман ёзади.

**ФАФУР ФУЛОМ** — поэтик, яъни «Сен етим эмасан»ни ёзади.

**АБДУЛЛА ҚАҲҲОР** — драматик. У «Оғриқ тишлар» билан «Тобутдан товуш»ни ёзади.

Аҳад Ҳасан Туроб Тўлани таништира бошлади.

**ТУРОБ ТЎЛА**. Кинодраматург. «Мафтунингман»ни ёзган.

— Ия, яшаворинг. «Мафтунингман»ни кўрган сари кўргим келаверади. Э, омон бўлинг. Ашувласи ҳам, рақси ҳам жуда кўп, — деди Орипов.

У шундай деб, ўрнидан туриб, Туроб билан бошқатдан кўриша бошлади. «Хуш келибсиз бизнинг гулистон Шофирконимизга».

— Мана, Домламизни ҳам, Саида опамизни ҳам ўзингиз яхши биласиз, — деди Аҳаджон.

— Домулло ўзимиздики, кўҳна қадрдонмиз. Янга мулло Саида хохаримизди Ўзбекистонга билмайдиган одам йўқ. Кулабдуллоев дуторни чертиб, бир марта «Ҳай-ҳай»ни айтганда булбуллар соқов бўлиб қолади. «Қаноатда Саида филча бўлурми ҳай-ҳай». Бисёр яшанг, хохари қадрдон. Бале!

Энди навбат шоира Ойдин Ҳожиевага келди.

— Ҳозирги кунда аёлларимиз ичида энг зўри Ойдин Ҳожиева. Кўшиқларини жамики ҳофизлар хониш қиладилар. Ойдиной ёзган кўшиқлар эшитган одамни ҳам йиғлатади, ҳам ўйлатади. Айниқса, ёшлар унинг кўшиқларини яхши кўриб кўйлайдилар, — деди Аҳаджон мақтовни ўрнига кўйиб. — Ойдиной ўзимизнинг Қизилтепа фарзанди.

— Бу қизимизнинг кўшиқларини, шиғирларини Қизилтепага катта йиғин бўлганда эшитганман. Ойдиной ҳам гапириб, ҳам шиғирлар ўқиб қарсақларга кўмилиб кетганини ўз кўзим билан кўриб, ўз кулоғим билан эшитганман.

Жўракул аканинг адабиётга, унинг намояндаларига берган баҳолари одамларга ғалатироқ туйлиши мумкин.

У умрининг чорак асрини далада, адрларда пахта экиб, дон сочиб, бугдой ўриб, машоқ териб, чорва кетидан юриб ўтказди. Сигирнинг елинига қараб, қанча сут беришини, буқанинг яғринига шапатилаб уриб, қанча гўшти борлигини, товукларнинг қақалашига қараб қайси тошлоққа тухумини яшириб келишини биладиган, кўчқорнинг жағини очиб кўриб, яна неча марта насл олиш мумкинлигини, жўякдан кесак олиб уқалаб, ернинг ориқ-семизлигини айтиб берадиган Жўракул ака ўз соҳасининг профессори бўлиб кетган эди. У қўли эгри чўпоннинг ноёб тери-

ларни яшириб қўйганини кўзига қараб биладиган ўта зийрак одам.

Ҳаётининг йигирма беш йили шу далаларда сочи-либ қолган. Чорак асрдан буён шу далаларга оёқ из-лари тушади. Агар унинг изларини ёнма-ён қўйиб, зичлаб чиқса, бутун Жилвон чўллари, далалари усти-га кўрпа қилиб ёпса бўлади.

Бу одам элдан узилиб қолишни истамади. Эл қан-доқ яшаса, у шундоқ яшади.

Жўракул Орипов овқат пишгунча бизни янги қурилган райком биносига олиб кирди. Ҳамма хоналар-ни кўрсатди.

— Лойиҳасини Тошкентдан олдириб келганман. Ша-роитимизга қараб баъзи ўзгаришлар ҳам киритганмиз.

Бинони у ниҳоятда ҳафсала билдан қурдирипти. Кўчанинг нариги томонига универмаг тушиб, савдо-сотикни бошлаб юборипти.

Орипов райком биноси ҳақида фикримни бил-моқчи. Албатта мақтайди, деб оғзимни пойлаяпти.

— Хўш, қалай, райком қандоқ бўпти? — деди фик-римни тезроқ белгиси келиб.

— Йўқ, бу райком бўлмапти. Райком эмас у...

У бутун вужуди билан мақтов эшитишга тайёр турган пайтда, бу райком эмас, деганим жон-жони-дан ўтиб кетди.

Ўзини тутолмай, овозини беихтиёр кўтариб:

— Райком бўлмай нима? Қандоқ одамсиз ўзи...

Унга хотиржам, шошилмай жавоб қилдим:

— Райком эмас... Сека бўпти. Кичкина Секача бўпти, оғайни.

Жўракул ака бир яйраб кетди, бир яйраб кетди. Атрофимизни ўраб турган одамлар бўлмаганда, ал-батта бағрига босиб ўпиб оларди.

Овқат устида хандон-хушон суҳбатлар бўлди. Қил-ган меҳнати шундоқ баҳоланганидан ўзини қўярга жой тополмасди.

Қизиган қумга кўмиб қўйилган, неча кунлардан бери вақирлаб қайнаб, охири тинчиган хумлардан икки-учтасини очиб, «Қора жанжал» узуми мусалласини докадан ўтказиб қўйишни шофёрига буюрган экан.

Бир ҳафта ўтказиб, шофёр йигит тиниқ, шаффоф мусалласни дастурхонга тортди.

Жўрақул аканинг ўзи ҳаммамизга бир пиёладан қуйиб узатди.

Бунақа мусалласни умрим бино бўлиб ичмаган эдим. Фаройиб бир ширин гарангликда гапга тушиб кетибмиз.

Жилвоннинг қора узумини еганда бир қўлингизда пиёла тўла қайноқ кўкчой бўлсин, тўртта гужум еб, устидан чой ичиб юбормасангиз, лабингиз лабингизга ёпишиб қолади, дейишади.

Бу ноёб, беқиёс мазали узумларнинг ҳузурини Брежнев кўрди.

Кремль банкетлари дастурхонини Жилвон винолари безаб туради.

Жўрақул Орипов кейинги пайтларда Жилвон чўлларида кўп кезадиган бўлиб қолганди. У қора узум қаламчаларини ерга қадаб, тагидан йўл очиб, Жилвон ариғидан вақтинча сув ҳайдаб келди. Минг йиллардан бери қўй-қўзилар кезиб-ўғитлаб қўйган бу жойларда қаламчалар бирдан «қутириб» кетди. Икки йилга қолмай, наваларини гуж-гуж ҳосил босиб қолди.

Фарғона ҳамда Тошкент томонларда узум новдаларини сўрига, валишларга кўтариб тараб қўядилар. Бу жойларда эса лалми узум туплари тошларга ўралиб ҳосил бераверади. Қиш совуқларида ҳам улар далада қолаверадилар. Қандга тўлган узум гужумлари совуқни писанд қилмай ётаверади.

Янги «Жилвон» совхозига одамлар уй тиклаб кўчиб кела бошладилар.

Жўракул Ориповнинг кўп йиллик хизматларини қадрлаб халқ унга ҳам қўшсинч деворли уй қуриб берди.

Бу томоннинг одамлари фақат бир қатор синч леворли уй қурадидлар. Кўшсинч деворли уй қурганларни элдан чиқди, деб хуш кўрмасдилар. Жўракул Орипов қўш синчли уйни ҳали жойи тайин бўлмаган болалар боғчасига бериб, ўзи оддий, бир синчли уйга кўчиб кирди.

Орипов ўн ёшидан дала кезади. Ўн ёшидан мол боқиб, кетмон чопиб, элнинг хизматини қилади. Ёши ҳам элликни қоралаб қолган.

У юқори идораларга учрашиб, «катталарга»: «Энди бас, бу ёғига райкомлик қилишга чоғим келмай-диганга ўхшайди. Бундан буён раҳбарлик қилишга илм керак. Менда эса илм йўқ. Шу кичкина хўжаликни тебратиб турсам бўлади», деб айтди.

У ҳозир ўзи тузган «Жилвон» совхозида эл нима еса, шуни еб, эл нима ичса шуни ичиб, юртдан узилмай яшаяпти.

Эрталаб кетар чоғимизда, «Бу — Ойбекка, бу — Фафур Фуломга, бу — Абдулла Қаҳҳорга», деб машинага қора узумдан сузилган «Жилвон» мусалласидан солиб қўйди.

Жўракул Орипов барча райком, барча раислар қатори кулранг китель кияди. Кўкрак чўнтагида блокнот билан авторучка бўлади.

Унинг атиги битта костюми бор. Йилда икки-уч марта кияди. Пленумларга, қурултойларга, учрашувларга борганда, телевизорга чиққанда, сувратга тушганда кияди. Бошқа вақт костюм қозиққа илинганча тураверади. Унинг бор бисоти — шу.

Ўлмайдиган одам йўқ. Ҳеч ким бу дунёни орқалаб олиб кетмаган. Мол-дунё йиққанлар ҳам, йиғмаганлар ҳам кетади. Йиққанлар азоб билан, бойликларидан кўнгил узолмай кўз юмадилар.

Жўрақул Ориповдан мол-мулк, жарақ-жарақ пул,  
сандиқ-сандиқ зарбоп тўн қолмади. У одамларнинг  
меҳрига тўйиб, уларга меҳр улашиб, уларни ўзидан  
рози қилиб оламдан ўтди.

Шуларни ўйлаб Бухоро катталарига таънали бир  
гап айтгим келяпти.

Бутун умрини шу далаларга берган, болалиги,  
ўсмирлиги шу қадрдон тупроққа сочилиб қолган  
пок, биллурдек тиниқ бир одам учун кичкинагина  
бюст қўйишга наҳотки қўлингиз бормаяпти. Ахир У  
катта ҳайкал ўрнатса арзийдиган ишлар қилиб кетган  
инсон эди-ку!

Ушбу сатрларим унинг қабрига қўйган гулдастам  
бўлсин.

## ЧОРИҚУЛ БОЙНИНГ КЎПРИГИ

- Чўлпон Газлида бўлганми?
- Миртемирни худо бир асради.
- «Ўлат чоғи базми».
- Ўтда ёнган кўлёзма.
- «Юзи қора» бўлганим.
- Биронта чаён, биронта илон Бухорога ўтолмайди.

Газли посёлкасида ниҳоятда кучли ер силкинганига ҳали бир ҳафта бўлгани йўқ. Аҳоли уйини ташлаб, брезент чодирларга кўчиб ўтган. Таъмирлаб бўлмайдиган хоналарнинг деворларида ўғил болалар чизган қуённи қуваётган бўри, қизлар чизган гуллар суврати ёпиштирилганча қолган.

Аҳолининг уй анжомлари ҳали ҳам шу ерда. Олиб чиқиб қўйишга жой йўқ, энг зарур, кундалик эҳтиёжга ярайдиган идиш-товоқларгина олиб чиқилган.

Ҳавонинг иссиқлиги 50 даражадан ошиб кетган. Нафас олсанг, олов ютгандек, бўғзингни куйдиради. Қум барханларидан лип-лип аланга кўтарилади.

Шунақа жазирамада яйрайдиган чаёнлар оёқ остида бемалол ўрмалаб юрипти. Посёлка ишчилари, чаён чақмасин, деб эгниларига комбинезон, оёқларига этик кийиб олганлар.

Қум тагида мудраган илонлар зилзилада ер бетига чиқиб олган.

Бир тўда ёзувчилар газлиликлардан ҳол-аҳвол сўрагани, ҳамдардлик билдиргани келган эдик.

Шерикларимиз аҳволни кўриб, бизни Бухородан олиб келган машинада қайтиб кетишган. Фақат

Миртемир домла билан икковимиз қолганмиз. Раҳбаримиз эса штабдаги совутгичлар ўрнатилган хонада қолмоқчи шекилли.

Йўқ, у қабоқлари солиқиб, ланж бир кайфиятда қайтиб чиқди.

Бир дақиқа ҳам тинмайдиган рация шовқинидан дам олишнинг асло иложи йўқ эди.

Устига икки қават оқ бўз ёпилган «Волга»си ёнига келган раҳбаримиз ҳамма вақт шай турадиган шофёрига, кетдик, деди.

У машинага ўтирар экан, қани, юринглар, олиб кетай, демади. Ҳатто бизга қайрилиб қарамади ҳам.

Миртемир ҳеч нарса демади. Деёлмасди ҳам. Чунки бу одамнинг ман-манлиги, амалга ўчлиги, бошқаларни оёқ учида кўрсатиши тўғрисида ёзувчилар гапиришганида: «Э, қўйинглар, у зўр одам, яхши одам», деб оғизларига урарди. Гапларини қайириб ташларди.

Жуда ҳам кичкина, майда болалар офтобда қизиб кетган брезент чодир ичида терга пишиб, жовдираб ўтирардилар. Ҳар қандай тош юрак одам ҳам уларнинг аянчли аҳволини кўриб, дод, деб юбориши аниқ эди.

Болаларнинг кўзлари... Бу ночор, бу бегуноҳ сабий кўзлари... «Э, худо, қаҳринг бунча қаттиқ. Шу гўдакларга раҳминг келса-чи!» деб фарёд уриб юборинг келади.

Миртемир домла болаларга қараб турадиган хотинга:

— Ҳеч бўлмаса чодир тагини ҳаво кирадиган қилиб, бир қаричгина кўтариб қўйсангиз бўларди, — деди.

— Мумкин эмас. Кўрмаяпсизми, ҳаммаёқни чаён босиб кетган. Илонлар чодир атрофида вишиллаб айланиб юрипти. Чодирга кириб кетса нима бўлади?

Унинг гапи тўғри эди. Миртемир аканинг кўзлари ёшга тўлди.

Чўлпон машҳур «Чингизхон» романининг муаллифи Ян билан ҳамкорликда «Ҳужум» деган муси-

қали комедия ёзган эди. Унда Чўлпон қаландарлар тилидан:

Чаённи чўлда қолдирган,  
Илонни йўлда қолдирган  
Қаландар келди бу элга...

деб ёзган эди.

Оёқ остида вишиллаб юрган илонларни, думини гажак қилиб ўлжа кутаётган чаёнларни ўз кўзи билан кўрмаган одам бунақа аниқ қилиб ёзолмайди. Демак, Чўлпон шунақа чўлларда бўлган, илонларга, чаёнларга рўбарў келган.

Тиккайган дарахт йўқ, посёлка раҳбарлари бир дарё сув оқизса бўладиган темир қувур ичига автобус киритиб, турли матоларга ўраб иссиқ ўтмайдиган қилиб олганлар. Совутгичлар тинмай ишлаб турган шу хонада катталар раҳбарлик қилардилар.

Очиғини айтсам, Газлида энг нотинч, энг ғалвали жой шу жой эди. Бу хонадагилар уйқу нималигини, ором нималигини билмасдилар. Кечасию кундузи рацияларнинг «жағи» тинмасди. «Босим мунча даража ошиб кетди, мунча даража пасайтиринглар, ёки босим тушиб кетди, мунча даража кўтаринглар», деган овозлардан «хона» ичи гумбурлаб кетарди.

Сейсмологлар ер остида нималар бўлаётганини зудлик билан хабар қилиб турибдилар. Бу хонадагилар неча кунлаб очиқ ҳавога чиқмаган, бугун ҳафтанинг қайси куни эканини ҳам унутиб қўйган эдилар.

Райком котиби Яхши Наврўзов кунига икки маҳал Газлига келиб, аҳвол билан танишиб кетади. Унинг ёнбошлаб пича ухлаб олганини ҳеч ким кўрмаган.

У отга ўхшаб тик турганча мизғиб олади.

Миртемир ака билан икковимизга на ўтирадиган, на ётадиган жой бор. Ниятимиз бугун шу ерда ётиб қолиб, тунда ер остидан кучли насосларда сўриб

олинган газни поёнсиз қумликлар бўйлаб чўзилиб кетган магистрал линияларга узатиш жараёнини кўриш эди. Бунга имконият бўлмади.

Қум тагида бош кўтармай ётган илон-чаёнлар салқин тушиши билан ер бетига чиқиб олдилар.

Дафъатан Миртемирнинг шими устидан юқорига қараб чаён ўрмалаб чиқиб кетаётганини кўриб қолдим. Қўлимдаги калтак билан уни уриб туширдим.

У бир кафт қумни титиб ичига кириб кетди.

Домланинг ранги қув ўчиб, серрайганча туриб қолди. У ҳушини йиғиб, худо бир асради, болаларимнинг толеи бор экан, дея олди аранг.

Ана шундан кейин: «Кетмасак бўлмайди, қоронғига қолсак, эрталабгача илон-чаёнлар орасида тик оёқда юриб чиқишга тўғри келади», деди чорасиз бир алпозда.

Бахтимизга Яхши Наврўзов: «Икки ёзувчимиз Газлида қолиб кетибди-ку, бориб олиб кел», деб шофёрини юборипти.

Домла то Чориқул бойнинг кўпригига етгунча чурқ этмади.

Халқни эзган душман Чориқул бой қурган бу кўприкдан ўтманглар, деб одамларни беш-олти чақирим ортиқча йўл юриб овора бўлишга мажбур қилардилар.

Энди эса бизни илонлар, чаёнлар орасига ташлаб, якка ўзи машинада кетган раҳбаримиз шарафига «душман» қурган шу кўприк устида зиёфат бераётган эдилар. Буни кўриб, Пушкиннинг «Ўлат чоғи базми» деган асари ёдимга тушди.

Миртемир билан икковимизни раҳбаримиз ёнига ўтқазишди.

Домланинг ниҳоятда асаби бузилиб, қони қайнаб турган эди. Раҳбаримизга қараб: «Мен одамгарчиликни билмайдиган инсон ёнида ўтирмайман, — деди баланд овозда. Кейин қўлимдан тортиб: — Юринг,

нариёққа бориб, одамшаванда инсонлар билан ўтирамиз», — деди.

Раҳбаримизнинг бунақа гапни умрида биринчи марта эшитиши эди.

Миртемирнинг ҳам бунақа гапни умрида биринчи марта айтиши эди.

— Нега мени ҳақорат қиласиз? — деди раҳбаримиз алам билан.

— Сизга ихлосим баланд эди. Ҳурматим зўр эди. Ҳамма вақт соянгизга кўрпача тўшардим. Бунақа ҳурматларга арзимаслигингизни шу бугун билдим...

Раҳбаримиз машинаси томон кетди. Шофёри стулда қолган тугунни обориб, машина юкхонасига жойлади.

У кетди. Тўн учун ҳам, зиёфат учун ҳам раҳмат, демади. Ўрнидан турдию, индамай кетди-борди...

Миртемир домланинг беташвиш пайтини ҳеч кўрмаганман. Ё қиз узатиш, ё ўғил уйлантириш ташвиши билан гангиб юрарди.

Тошкентдан сафарга чиқаётганида янгамиз Ёқутхон ая: «Ўша томонларда панбархит билан қизил бахмал учраса, кўпроқ олинг», деб анчагина пул бериб юборган эди. Иқон томонларда келин сарпога, куёв сарпога шу нарсалар бўлмаса тўй қилиб бўлмайди, деб тайинлаган.

Домла қўли очиқ одам. У олтмиш биринчи йили машина олиш учун жамғарган пулини тишининг қавагида асраб юрарди. Тошкентда Ўрта Осиё ёзувчиларининг қандайдир йиғини бўлди. Миртемир туркман ва қозоқ ёзувчиларини машинага атаган пули тамом бўлгунча меҳмон қилганди. Кейин яна бир йиғинда қирғиз ҳамда қорақалпоқ ёзувчиларини зиёфат қилиб, машина учун бошқатдан йиққан пуллари сарфлаб юборган, яна машина ололмай қолган эди.

Домламиз содда, ишонувчан, танги одам. У қизини узатаётганида кайф қилиб қолиб, тўйга қуруқ келганларга, қуллуқ бўлсин, деб тўяна бергани латифа бўлиб кетганди. Домланинг ҳамюрти бир ёзувчи бола «тўяна» олиб кетганларни уялтириб, пулларни қайтариб олган, етти юз эллик сўм «тўяна»ни ундириб, домланинг чўнтагига солиб қўйган эди.

Миртемир икки йилдан ортиқ меҳнат қилиб, қирғизларнинг машҳур «Манас» жангномасини таржима қилди. Таржима асносида унинг бир оёғи Бишкекда, бир оёғи Манас юрган йўлларда бўлди. Чингиз Айтматов таржиманинг баъзи бобларини ўқиб, домланинг маҳоратига тан берганини ёзган эди.

Миртемир таржимага шартнома ҳам тузмаган, аванс пул ҳам олмаган. Биратўласи олиб, ўғлимнинг тўйига сарфлайман, деб умид қилган эди. Бироқ нашриёт директори таржима учун ҳаваскор таржимонларга бериладиган энг паст баҳодан ҳам паст баҳода арзмаган пул ёзганини кўриб, хафа бўлиб кетди. Уйга келиб, жаҳл билан, хотинининг, болаларининг ҳай-ҳайлашига қарамай, ўчоққа ўт ёқиб, қўлёзманинг ҳаммасини ёндирди. Шунча йиллик оғир меҳнат куйиб кулга айланди.

Жаҳл устида нима бўлса бўлди. Аммо уни виждон азоби эзғиларди. Чингизнинг кўзига қандай қарайман? У таржимамдан айрим жойларини ўқиб, раҳмат, деб бағрига босган эди. Энди у, буюк «Манас»ни ёндириб, халқимизнинг ноёб меросига ҳурматсизлик қилдинг, демайдимми?

Миртемир Чингиз Айтматовнинг кўзига кўринмай, «қочиб» юрди. Бари бир, бўлиб ўтган бу кўнгилсиз воқеа унинг юрак-бағрини ўртарди. Кўзини юмса, тушига ёнаётган қўлёзма кирарди.

Домла дўстларидан, шогирдларидан қарз кўтариб, тўйни ўтказиб олди.

Туйғун деган шоир оламдан ўтган эди. Уюшмадан телефон қилиб, соат ўнда Туйғуннинг уйига жанозага келинлар, деб хабар қилишган. Жанозага машинада бормай қўяқолай, деб кўчадан бирон машина тўхтатиб бормоқчи бўлдим.

Бир машинага қўл кўтаргандим, дарров тўхтади. Машинада Миртемир домла гул кўтариб ўтириптилар. Тиззаларида тўр халта тўла ичимлик.

— Ҳа, йўл бўлсин, домла? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Уюшмадан телефон қилиб, соат ўнда Туйғунникига тўпланамиз, дейишди. Куруқ бормай, деб убу олиб кетяпман. Туғилган куними, юбилейими, билолмадим.

Домланинг қулоғи оғирроқ эди. Телефонда айтилган гапни яхши эшитмаган бўлса керак.

— Туйғун оламдан ўтипти. Жанозага хабар қилишган, деб домлага тушунтирдим.

Домланинг кўзлари аланг-жаланг бўлиб қолди.

— Қовун туширишимга оз қопти-ку!

Домла «тўяна»ларни уйига ташлаб чиқди...

Иш кабинетининг деразаси кўчага қараган. Доимий одатимга кўра кечалари ишлар эдим. Домла кўпинча кечаси соат бирми, иккими, деразамни чертардилар. Бир кун кечаси алламаҳалда деразани чертганча:

— Қозоғистондан ёзувчи ўртоқларим келган. Пул керак бўлиб қолди. Саида билмасин, эртага ўз қўлингга қайтиб бераман, — деди одамнинг раҳми келадиган қилиб.

Хотиндан бекитган «занашка» пулдан сўраганича пинҳона узатдим.

Эртаси куни домла билан уюшмада учрашиб қолдик. У пулни Саиданинг ўз қўлига бердим, деб «қиёмат қарзи»дан қутилганини қувониб айтди.

Кечқурун уйга қандоқ бораман, деб ташвишда қолдим.

Биринчидан, шунча пулга куйдим. Иккинчидан, хотиннинг, пулни қаерга яширгандингиз, деган сира жавоб топиб бўлмайдиган қийин-қистовига қолдим.

Домланинг соддалигидан бола-чақа олдида «юзи қора» бўлдим...

Қизиб кетган чодирда маъюс қараб қолган болаларнинг аҳволи Миртемирнинг кўз олдидан нари кетмасди.

У эрталаб штабга бориб, ҳукумат комиссиясига болалар тўғрисида гапириб, шошилиш чора кўришларини сўрамоқчи бўлди.

Штабда қандайдир масалани жиддий муҳокама қилаётган эдилар.

Улар Миртемирни орқаворотдан танирдилар. Ўзи яхши шоир, лекин оғзидаги ошини олдириб қўядиган эпсиз одам, деб билардилар. Унинг икки марта машина олиш учун пул йиғиб, бошқа республикадан келган шоир дўстларини шу пул тамом бўлгунича меҳмон қилганини, ўғил уйлантираётганида келган меҳмонларга кайфда тўяна бергани тўғрисидаги латифанамо воқеаларни эшитиб кулиб юрардилар. Домла штабга кириб келганда, шоир биронта латифабоп гап топиб келган, деб ўйлаб, унга қизиқиб қарадилар.

— Кеча Газлидан келдим. Бемаҳал бўлиб қолгани учун ҳузурингизга келолмадим. Газлидаги болаларнинг аҳволи ниҳоятда ночор. Яна икки кун шу аҳволда қолса, ҳаммаси нобуд бўлади.

Домла чодирдаги аҳволни кўзида ёш билан айтиб берди. Штабдагиларнинг ҳаммаси ҳаяжон билан бу гапларга қулоқ солиб турардилар.

— Агар шунчалик бўлса, бугуноқ машина юбориб олдириб келамиз.

Миртемир домла:

— Болалар ниҳоятда ҳолдан тойган, машинада Бухорогача етиб келолмайди, — деди.

Унинг шу кейинги гапидан аҳволнинг нақадар жиддий эканини сезиб, шошилиш чора кўриш тўғрисида маслаҳат қила бошладилар.

Ҳукумат бошлиғи ёрдамчисига, Фиждувон фаолларининг сув бўйидаги боғига тезда жой тайёрлашни буюрди:

— Доим сув қайнаб турсин. Ўрин-кўрпа етарли бўлсин. Врач, ҳамширалар ҳамма вақт навбатчилик қилсин, — деб тайинлади.

— Вертолётда олиб келамиз... Йўқ, вертолёт ҳам тўғри келмайди. Болалар уриниб қолади. Доимо хизматимизда шай турадиган ўзимизнинг «ЯК-40» самолётини юборамиз.

Миртемир халтада олиб келган анчагина пулидан ўн минг сўм ажратиб столга қўйди.

— Шунини болаларга сарф қилсангиз.

— Кечирасиз, домла, сиз унақа ошиб-тошиб кетган бойвачча шоирлардан эмассиз. Пулни ололмаймиз. Сиз бизга эмас, биз сизга ёрдам беришимиз керак. Ер қимирлаганда уйингиз қаттиқ шикастланган. Болаларингиз ҳовлида чодирда ётишипти. Тўй қиламан, деб чиқимдор бўлиб, қарзга ботган одамсиз. Нима қилиб шунча пулни кўтариб юрибсиз?

— Ўзингиз биласиз, биз Туркистоннинг Иқон қишлоғидан бўламиз. Қозоқлар билан тўйларимиз, маросимларимиз бир хил бўлиб кетган. Янгангиз ўша томонлардаги магазинларда панбархит билан қизил бахмал кўриниб қолса олинг, деб тайинлаган эди. Сиз мени аяб ўтирманг. Пулни олинг. Мен ҳам болажон одамман. Шу гўдакларга озгина бўлса ҳам ёрдим бўлсин, деб...

Комиссия раиси домла столга қўйган ўн минг сўмдан уч мингини ажратиб, қолганини у томон суриб қўйди. У ёрдамчисига, Тошкентга борганингизда

албатта домланинг уйларига киринг. Машинага ўтказиб, «Ўзбекбирлашув»га обориб, қадрдонимиз Мадамин Ҳасановичга учраштиринг. Нимаики зарур бўлса, топиб берсинлар, деб тайинлади.

Раиснинг ёрдамчиси домланинг адресини, телефон рақамини ёзиб олди.

— Яна битта сўровим бор эди. Газлига қатнайдиغان юк машиналарини, автобусларни алоҳида текшириудан ўтказиш керак. Аэропортларда, алоҳида аҳамиятга эга объектларга кираверишда махсус сигнал берадиган аппаратлар бор. Газли бўсағасига ҳам шунақа аппаратлардан ўрнатиш керак.

Комиссия аъзолари унинг нима деярганига тushунмай, диққат билан қулоқ солиб турардилар.

— Бу гапимга ҳайрон бўлманглар. Ҳар бир машинага иккитадан чаён ё илон илашиб келиб қолса, бир кунда шаҳарга ўнлаб чаён келиб қолиши мумкин. Ўнлаб илон келиб қолиши мумкин. Ўзингиз яхши биласиз, Бухоро қадим шаҳар. Мадрасалар, масжидлар, эски иморатлар тагида уларнинг болалаб, кўпайишига имконият катта. Шунинг учун Газли илончаёнлари шаҳарга «кўчиб» келмасдан бурун чорасини кўриш керак. Бухоро Ибн Сино даврида ҳам бир марта ўлатни кўрган шаҳар. Ўшанақа қора кун бошига тушмасдан бурун олдини олиш зарур.

— Сизга раҳмат, домла. Бир дақиқа ҳам кечиктириб бўлмайдиган масалани ўртага қўйдингиз. Ҳозироқ катта акага қўнғироқ қилиб, бу гапни айтаман.

Раиснинг ён столида энг биринчи раҳбар билан тўғридан-тўғри гаплашадиган махсус телефон бор эди.

Раис трубкани кўтарди. Аппаратдан ўша заҳоти, эшитаман, деган овоз келди.

Қисқагина салом-аликдан сўнг раис муддаони айтди. Миртемир домла айтган масалани лўнда қилиб тушунтирди.

Ниҳоятда тиниқ ва баланд овоз жавоб қайтарди:

— Аввало, Миртемир устозимизга мендан минг-минг раҳматлар айтиб қўйинг. Иккинчидан, ҳозирнинг ўзида мутахассисларни йиғиб, асбоб-ускуналари билан Бухорога учирамиз. Газлининг беш жойига машиналарни текшириб ўтказадиган пост ўрнатамиз. Амударё устидан Туркменистон томонга тортилган паром бошланадиган қирғоққа ҳам текширув пости қўйилиб, аппарат ўрнатилади. Хоразм томон кетадиган йўлда машиналар олдинма-кетин икки жойда аппаратда текширилиб, кейин Хоразм ҳудудига ўтказилади.

Бухорога, Хоразмга биронта чаён, биронта илон ўтолмайди.

## ИККИ ЗУККО ОЛИМУ БИР «ШОВВОЗ» ХОТИН ХУСУСИДА

**О**йбек болалик ўртоғи филолог олим Ҳомил Ёқубов билан ҳовли ўртасига гилам ёзиб, мадраса талабаларига ўхшаб қўл қовуштириб ўтиришибди.

Маҳалла оқсоқоли Нуъмон ота, бу бечоралар нима гуноҳ қилган экан, деб ҳайрон қараб турипти.

— Мана, кўринг, иккита зукко олимнинг қилган ишларини кўринг, — деди Зарифа хоним.

Улар ўтирган гиламнинг қоқ ўртасида бир қўйнинг териси қоплайдиган жойи йўқ.

— Кўзинглар қаёқда эди? Мен сизларга, бозорга бориб гилам харид қилиб келинглар, деганим йўқ эди-ку!

Ойбек Зарифа хонимга баланд келмоқчи бўлди:

— Буни яхшиликка — ёмонлик, дейдилар. Шу хурсанд бўлсин, деб атайи бозорга бордик. Хўш, нима бўпти? Осмон узилиб ерга тушиптими. Шу бугун тузаттириб берсак, қулоғимиз тинчийдими? Бизга гилам сотган жувоннинг Хўжанддаги гилам заводида танишлари кўп экан. Ўша ердан олиб келган рангли иплари, заводда брак қилинган гиламларнинг лахтақларидан олиб қўйган экан. Шу бугун тузатиб бераман, деб адресимизни олиб қолди бечора хижолат бўлиб.

Қиш совуғида арақ ичиб кайф қилиб ўтирган улфатлар тошкўмирни тоғорада чўғ олдириб, давра ўртасида гиламга қўйиб исинмоқчи бўлганлар. Қипқизил чўғ бўлган тоғора гиламни куйдириб, ичидан қўй етаклаб ўтса бўладиган туйнук очиб қўйган.

— Овқатга уннаб юборинг. Ҳозир келиб қолади. Куни билан бозорда бўлиб, тушлик ҳам қилмагандир, — деди Ойбек. — Бу дарров битадиган иш эмас. Бир-икки соат вақт керак бунга. Эри фронтда ҳалок бўлмаганда бечора сарсон бўлиб юрмасди. Бунақа чиройли хотинлар кўчада қолмайди. Болалари кўп бўлмаганда бир яхши йигитнинг бағрини обод қиладиган чиройли, ифбатли, назокатли, хуш хулқ, меҳнаткаш, одобли жувон у.

Зарифа хоним унинг тўлиб-тошиб мақтовларидан кулишини ҳам, куйишини ҳам билмай, ҳайрон қараб турарди. Охири у:

— Нима бало, ошиқ бўлиб қолдингиз шекилли. Жигарингиздан урганга ўхшайди, — деб юборди.

Ҳомил Ёқубов гапга аралашди:

— Лекинига жувон ҳақиқатан кўзни куйдирадиган хусн соҳибаси. Икки қошининг ўртасида қоп-қора туғма холи бор.

Зарифа хоним қарсиллаб кулиб юборди.

— Дастрўмол учига туфлаб, «туғма холи»ни артиб ташламабсизлар-да!

Нуъмон домла:

— Ёши нечада экан, — деб сўради.

— Йигирмада, — дейишди Ойбек билан Ҳомил домла.

— Уруш тугаганига неча йил бўлди? — деб яна сўради оқсоқол Нуъмон ота.

— Роппа-роса йигирма йил, — деди ҳозиржавоблик билан Ҳомил домла.

— Ёши йигирмада бўлса, уруш тугаганида бир ёшда бўлади-да. Қаранг-га, бир яшар хотин шунча болани туғиб ташлабди-я. Бунақа шоввоз хотинлар эри ўлиб кетгандан кейин ҳам туғаверади. Бундан беш-олти ой олдин Миртемирни икки минг сўмга чув тушириб, энди икковимиз қиёматли ака-сингил бўлдик, деб лақиллатиб кетган жувон худди шунинг ўзи. У

маҳалламизда яна иккита одамни шилиб кетган. Уни кутиб овора бўлманглар. Келмайди. Эринг қайси фронтда ҳалок бўлган, деб сўрамабсизлар-да. У «Эски Жўва бозори фронтида жон таслим қилган», яъни қамалган. Жувон ҳозир эрининг «порлоқ хотирасини эъзозлаб» фронтчасига фаолият кўрсатапти. Демак, «Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди».

Шундай қилиб, машҳур «тадбиркорлар»— Ойбек билан Ҳомил домланинг «Гилам таъмирлаш бирлашмаси» банкрот бўлди, яъни инқирозга юз тутди...

**А**бдулла аканинг болаларга унча хуши йўқ эди. Меҳмонга боласи билан келган хотинлар қачон кетишаркан, деб икки кўзи болаларда бўларди.

Абдулла ака темир-терсакка ўч одам. У кишининг оталари уста Абдуқаҳҳор Ашт тарафларда номи кетган темирчилардан эди. Устозимизнинг темирга ўчликлари оталарининг қонидан ўтган бўлса ажаб эмас. Меҳмоннинг боласи темир буюмларимга тегмасин, деб хушёр бўлиб турарди.

Абдулла ака ёзиб чарчаган пайтларида гараж эшигидан далага чиқиб, мол боқиб юрган болаларни кураш туширардилар. Йиқитганга иккита, йиқилганга битта конфет соврин берардилар.

Уйдаги ноёб конфетларнинг чўғи пасайиб кетаётганини сезган Кибриё опа:

— Домлажон, авайлаб асраётган конфетларимни горат қилибсиз-ку. Бу конфетларни Кремль магазинидан қурултойга борганимда олгандим. Буларни ким келса олдига қўявермайман. Энг қадрли дугоналарим келганда дастурхонга қўяман...

Абдулла ака унинг гапини бўлди:

— Бу конфетларда менинг ҳам ҳаққим борми? Қанд қасалим борлиги учун биронтасини оғзимга олмайман. Менинг ҳаққимни ҳеч бўлмаса, шу болалар есин. Ширинликка ўч дугоналарингизни қачонгача менинг ҳисобимдан кўнглини оласиз?

Кураш тушаман деган конфетхўр «полвонлар» кўпайиб кетишди. Абдулла ака қилаётган ишидан завқланар, ноёб конфетлар камайгандан камайиб борарди.

Мол боқиб юрган, экинга сув тараётган болаларни домла гапга соларди. Бир келишган, анчагина олифта кийинган бола туфлисига, шимининг почаларига гард қўндирмасдан жўяклардан эҳтиётлик билан сакраб ўтарди. У ниҳоятда гапга чечан, ҳаммани оғзига қаратадиган бола эди.

Абдулла ака: «Бу боладан албатта Ҳамид Фулом чиқади», деб башорат қилди...

Ҳамид Фулом рус тилини мукамал биладиган, гапирганда ҳаммани оғзига қаратиб, маҳлиё қилиб қўядиган сўзамол эди. У чет элларни кўп кезган, айтишига қараганда, ўша томонларнинг президентлари, ҳокимлари, мэрлари билан ака-ука бўлиб кетган.

У арғувон тагида дам олаётган ёзувчиларга чиройли, фаройиб, бировга айтсанг ўлақолса ишонмайдиган воқеаларни завқ-шавқ билан гапириб ўтирарди.

Абдулла ака шундоқ чиройли, шундоқ завқли саргузаштларни бўлиб қўйишга тили бормасди. Ишқилиб «гўзал» суҳбат узилиб қолмасин-да, деб тинглаб ўтирарди.

Шунақа суҳбатлардан кейин Абдулла акадан, Ҳамид Фулом нима деди, деб сўрайман. Абдулла ака ўйланиб қолади. Узоқ ўйлайди, охири, нима дегани эсимда қолмапти, деб тан олади.

— Биласизми, Ҳамид гапираётганда яхши бир куй тинглаётганга ўхшайман. У гапираётганда бирон ҳикояга мавзу туғилиб қолади ё бирон қаҳрамоним айтиши керак бўлган, неча кундан бери ўйлаб тополмаган ибора лоп этиб топилиб қолади. Шундай

пайтларда, Ҳамид гапини тугатиб қўямасин-да, деб кўрқиб тураман.

Нотиқлик, гўзал ва доно нотиқлик суҳбатларимизни безайди, муҳокамаларимизга файз киритади, деб умид қиламан.

«Агар ёлғон гапираман, десанг, Ҳамид Фуломдек чиройли ёлғон гапир», деган гап Абдулла Қаҳҳордан қолган...

Яна бир бола, ҳеч нарса қилмай, пайкал бошига стол-стул қўйдириб, тол тагига буклама кароват қўйдириб ёнбошлаб олган. У ишлаётган болаларга, уни ундоқ қил, буни бундоқ қил, деб буйруқ берар, ўзингни кетмонингда менинг еримга сув тараб, кетмонимни тол айрисига илиб қўй, деб буюрарди. Болалар унинг буйруқларини истар-истамай, обкомнинг жияни бўлсанг менга нима, деб тўнғиллаб кетаверардилар.

Абдулла ака: «Бу боладан албатта Рамз Бобожон чиқади», деди ишонч билан.

Абдулла ака жуда аниқ гап айтган эди...

Рамз «Ижод уйи»нинг махсус уч хонасида яшарди.

Арғувон тагида гурунглашиб ўтирган ёзувчиларни «Ижод уйи» раҳбарлари: «Шовқин қилманглар, шоир шиғир ёзиптилар», деб тез-тез огоҳлантириб турардилар.

Рамз — Ёзувчилар уюшмасининг котибларидан бири. «Ижод уйи» унга бўйсунарди...

Қизлар звеносига гаптон, ишни пухта қиладиган, «оқсоқол» лақабли жонсарақ, ўктамгина бир қиз бошчилик қиларди. У кетмон сопига тирсагини қўйиб, Абдулла акага:

— Домла, бизга конфет йўқми? — деди.

— Бегники бежоглик, — деди Абдулла ака. — Тушликка чиққанинглarda опчиқиб бераман. Хўпми?

Бу гапдан кейин Кибриё опа, оббо, яна конфетга қирон келадиган бўлди, деб юборди.

Қизлар бир ишлаб кетишди, «оқсоқол» қиз худди оркестр дирижёридек унисига у ишни, бунисига бу ишни буюриб, нотекис, сув чиқмайдиган баландроқ ариқларни бошқатдан кетмонлашга мажбур қиларди.

Тушлик бошланди. Қизлар Абдулла ака томон кела бошладилар.

Абдулла ака:

— Бу қиздан албатта Кибриё чиқади, — деб юборди.

— Ия, домлажон, бу қандоқ гап бўлди? Шунча одам олдида мени шарманда қилмоқчимисиз? Қачон қизларга хўжайинлик қилибман, тавба!

— Асарини ўқитиб, маслаҳат олгани келган қизларга, то қўлэмасини ўқиб бўлгунимча пол ювдиришингиз, дераза ойналарини артдиришингиз, ҳовли супуртиришингиз, каттароқ қўлэмани ўқиётганимда ҳатто кир ювдиришингиз ёлғонми?

— Қиз бола иш ўргансин, дейман-да, — деди Кибриё опа бошқа баҳона тополмаганидан. — Шу гап ўлгирни томдан тараша тушгандай қилмай, ётиғи билан айтсангиз ҳам бўларди-ку.

— Турғизиб айтаманми, ётқизиб айтаманми, буни ўзимга қўйиб беринг...

Кибриё опа аразлаб боққа кириб кетди.

Эрталаб арғувон тагида чекиб ўтирган эдим. Кибриё опа орқасига қарай-қарай сўрига яқин келди. Бармоғини лабига босиб, устозингиз билмасин, деб бир гап айтди.

— Домла «Синчалак» сценарийсига олган пуллари-нинг ярмини студияга қайтариб бермоқчилар.

— Нега? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Уйғун, Шевердин, Сафаровларга йигирма беш минг сўмдан қалам ҳақи тўлашипти. Абдулла акангизга эллик минг сўм беришипти. Шунинг ярмини қайтариб бермоқчилар. Устозингизни кўндирилинг, унақа қилмасинлар.

Икки соатлардан кейин Абдулла ака «Волга» ни гараждан олиб чиқиб, у ёқ-бу ёқларини арта бошладилар. Бориб, қўлларидан латтани олиб, машинани ўзим арта бошладим.

— Хоҳласангиз, ҳозир бирга киностудияга борамиз. «Синчалак»нинг сувратга олинган кадрларини кўрамиз. Ундан кейин олган пулимнинг ярмини бухгалтерияга қайтиб бераман, — дедилар Абдулла ака.

— Нима, пул ортиқчалик қиялпими? Қўйинг, унақа қилманг. Агар пул ўзингизга керак бўлмаса, шогирдларингизга бўлиб беринг.

— Шогирдлардан қарзим йўқ. Ҳаммаси хирсдай тўқ. Бири катта ойлик оладиган атоқли олим, бири устма-уст роману қиссалар чиқариб, тинмай пул топаётган бойвачча ёзувчи. Мана, сиз, данғиллама иморат қуриб, машина ҳам сотиб олдингиз. Билиб турибман, сизга Кибриё гап ўргатган.

Тилимга калтак келиб индаёлмай қолдим.

— Биласизми, — деди Абдулла ака. — Эллик минг сўм олганим анавуларнинг қорнига қоziқ қоққандек бўлди. Пул дарди кабоб, деганларидек, улар энди турли йиғинларда, нега унга шунча, бизга мунча, деб ҳужумга ўтишлари аниқ. Яхшиси, ярим пулни кассага топшириб, қулоқни тинчитиш. Нима дейсиз?

«Синчалак»нинг сувратга олинган кадрларини кўрдик. Шукур Бурҳон Қаландаров ролини жуда яхши ўйнапти. Ҳеч ким режиссёр Латиф Файзиевга у ери ундоқ, бу ери бундоқ бўпти, деб эътироз билдирмади. Қаландаров Саиданинг сомон шляпасини йиртиб ташлаш жойини бош оператор Мирон Пенсон етти-саккиз марта сувратга олган экан. Кинокомитетнинг раиси Собир Муҳамедов Пенсонга ортиқча сарф қилган ленталар учун ойлигингдан пул чегириб қоламан, деб пўписа қилган бўлди.

Абдулла ака газетага ўроғлик йигирма беш минг сўм пулни стол устига қўйди.

— Мана, олинглар, менга таънали пулнинг кераги йўқ.

Собир Муҳамедов, шартномага шахсан Иттифоқ кинокомитетининг раиси Большаков имзо чекканини, пулни эса қайтариб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини айтди.

— Кассир палончидан шунча пул олдим, деб қўл қўйиб, муҳр босиб берса, бас. Шу касофат пулдан кутиламан.

— Кассада бировнинг пулини сақлаш мумкин эмас. Бу жиноят саналади. Касса ревизия қилинганда ноқонуний пул борлиги учун кассир ишдан бўшатилиб, жинойий жавобгарликка тортилади.

— Оббо, бу касофат пул менга бош оғриғи бўлдику! — деди Абдулла ака пешоналари тиришиб.

Пулни қайтариб, боққа олиб келдик.

Бу «хушxabар»дан Кибриё опанинг боши осмонга етди. Лекин қувончи узоққа бормади. Абдулла акани Марказқўмга чақириб, турли республикалардан; вилоятлардан, шаҳарлардан, фуқаролардан келган ҳамдардлик хатлари билан ёрдам пуллари юборилган почта қоғозларини олдига ёйиб қўйишди.

— Мана шу сахий, меҳрибон кишилар тўғрисида бирон нима ёзсангиз яхши бўларди.

Бир хат ва почта қоғози Абдулла аканинг эътиборини ўзига тортди.

Россиялик бир аёл нафақасидан йиққан шахсий жамғармасини юборипти. У ёзган хатида: «Шу пулга зилзилада уйи бузилган биронта серфарзанд ишчига уй қуриб беришларингизни сўрайман», депти.

Абдулла аканинг юраги жиз этиб кетди. «Бунақа мард гапни фақат ўрис айтиши мумкин», деб юборди.

Абдулла Қаҳҳор кўтариб келган йигирма беш минг сўмни Марказқўм котибининг олдига қўйди. «Бу менинг ёрдамим бўлсин. Биронта болалар боғчасининг корига яратсанглар», деди.

Мен ушбу хотирамнинг бошида «Абдулла Қаҳҳорнинг болаларга унчалик хуши йўқ эди», деб ёзгандим. Энди билсам, катта хато қилган эканман.

Бу ажойиб инсон болаларни ич-ичидан яхши кўришини кейинчалик билдим.

Кремлнинг махсус магазинидан Кибриё хоним ялиниб-ёлвориб сотиб олган ноёб конфетларни пинҳона ташмалаб, болаларга едиргани, шунча пулни боғчага бергани болаларни яхши кўришидан эмасми?

Абдулла Қаҳҳорнинг қаҳри ҳам, меҳри ҳам ич-ичида яшарди. У энг ҳаяжонли дамлардагина намоён бўларди. Шогирдларига ҳам очиқ-ошкор ширин сўз айтмаган. Биз, шогирдлар унинг биргина илиқ сўзини ўн йиллаб кутганмиз.

Танқидни эса домла ичида сақламасди.

Бепарволик қилиб назардан қолаётган, бир вақтлар дурустгина асарлар ёзиб, эл оғзига тушган, энди эса китоблари сотилмай пештахталарда чанг босиб ётган ёзувчиларни аяб ўтирмасди. Кўпчилик ўртасида уялтириб танбеҳ берар, улар шаънига жон-жонидан ўтиб кетадиган аччиқ гаплар айтарди.

Абдулла Қаҳҳор мана шу сифатлари билан ҳам Абдулла Қаҳҳор эди.

## МИРТЕМИР ЧИН ИНСОН ЭДИ, ЧИН ШОИР ЭДИ, ЧИН ОШИҚ ЭДИ

**М**иртемирнинг шогирдлари тўйгунча орден, бўкиб қолгунча унвон олишди. Мукофотга тўйиб бўлармиди? Мукофот тўйдирмайди, қайтага иштаҳани очади.

Умрида биттагина медал олмаган Миртемир ўк-симади. Сокин, мулойим шеърлари билан ўзини овутиб, қоғозу қаламга дардини тўкаверди.

Ўша пайтларда ҳукуматимизнинг махсус гимни йўқ эди. Тантаналарда, митингларда тик туриб «Интернационал» куйланарди. Интернационал, бу «Байналмилал» дегани.

Тур, эй лаънат остида қолгон  
Қашшоқ йўқсуллар очуни...

дэб бошланарди «Байналмилал».

Ана шундан кейин «Устозим» кўшиғи ижро этилади.

Бу ҳукуматимизнинг энг севган ғоявий пишиқ кўшиғи эди. Яна бир ғоявий ўткир, пишиқ кўшиққа эҳтиёж сезилиб қолди.

У шундай кўшиқ бўлсинки, ёшу қари, эркагу аёл тик туриб, бутун муҳаббатини овозига жойлаб, ижро қилсин.

Ниҳоят, шундай кўшиқ дунёга келди. Уни опера театрининг энг баланд пардаларга овози етадиган солистлари бир бўлиб ижро этиши керак.

Ким эдик тарихда биз,  
Номи — кул, қашшоқ гадо...

Бу катта «сиёсий куч»га молик қўшиқ ҳукуматга ёқиб тушди. Матнни ёзган, куй басталаган, ижро этган солистларнинг кўкрагига биттадан орден тақиб қўйди.

Ҳофизнинг тирикчилиги азалдан тўй билан. Ўзбекнинг тўйи ҳам қўшиқсиз, рақссиз ўтмайди. Тўй эгасининг бу шодлик кунига атаган маблағининг бир қисми ҳофизларнинг ризқи ҳисобланади.

Тўйга келганлар: «Биз шовқин-сурон қўшиқлардан қочиб келганмиз, Навоийдан, Бобурдан, Мискиндан, Юсуф Сарёмийдан, Хислатдан айтинглар», дердилар.

Тўйларда мумтоз қўшиқларни айтадиган атоқли ҳофизларнинг ҳаммасига молия жарима солди. Радиода уларнинг қўшиқларини эшиттирмай қўйди.

Ўша кезларда Юсуф Сарёмийнинг «Яли-яли» қўшиғи жуда машҳур бўлиб кетганди. Катта концертларда томошабинлар «Яли-яли» бўлсин, деб қайта-қайта айтдираддилар. Радио ҳар куни икки-уч марта «Яли-яли»ни эшиттирарди.

Кеча очиб орази тобонини,  
Равшан этуб ғайр шабистонини,  
Рашк ёқиб Юсуфни жонини,  
Хаста Навоийни тўкуб қонини,  
Қўлларига қўйди хино, яли-яли...

Халқ орасида, бу ғазал Навоийнинг ўзиникими ё унга боғланган мухаммасми, деган гаплар юрарди.

Юсуф Сарёмий Туркистоннинг Сарём деган жойида туғилган, ғоятда истеъдодли шоир эди. Унинг қўшиқларини Туркистондагина эмас, Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган, Ўш томонларда ҳам алоҳида меҳр билан куйлашарди. Шарқий Туркистонда, Озарбайжонда, Хўжанд томонларда ихлосмандлари кўп эди.

«Яли-яли»да номи зикр этилган Юсуф ким?

Ойбек 1944 йилда эълон қилган «Навоий» романига «Яли-яли»ни тўла киритган. Аммо бу қўшиқ романда эълон қилинишидан олдинроқ мунозарага сабаб бўлгани тўғрисида Ойбек ҳеч нарса демаган. Ойбек «Юсуф ва Зулайҳо» даги Юсуфними ёки Юсуф Саккокийними ё биз фараз қилаётган Юсуф Сарёмийними кўзда тутган?

Бу масала ҳали-ҳануз жумбоқлигича турипти.

Миртемирнинг ҳам «Яли-яли»га мухаммас боғлагиси келди. Ўйлаб, ўйлаб, бу фикридан қайтди. У мухаммас эмас, мустақил «Яли-яли» яратишга жазм қилди.

Ниҳоят, у 1939 йили Фарғона канали қурилишига атаб янғича — Миртемирона «Яли-яли» ёзди.

### (парча)

Даряси кўп дардга даво, яли-яли,  
Лим-лим оқар, бўлмас адо, яли-яли.  
Ҳовлиқиши телбанамо, яли-яли.  
Боқмай ўтар асти қиё, яли-яли.  
Шовқинидан тўлди ҳаво, яли-яли.

Қирғоғида қирғоғи йўқ дашт ётар,  
Телба оқим қанча теран, шўх ўтар,  
Ташнасига қатра сув берса нетар?  
Қатра тугул заррасига зор этар,  
Мағрур ўтар шому сабо, яли-яли...

Бўйларида сухсур учар, ғоз учар,  
Қирғовул оққувлар этиб ноз учар,  
Булбул ўқир, нағма хушовоз учар,  
Қишни қувиб кўклам учар, ёз учар,  
Кўкка тўлар савт-садо, яли-яли.

Миртемир яна Миртемирлигини кўрсатди. Шеър қўшиқ бўлиб оғиздан-оғизга ўтди.

Ҳалима Носирова, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқовлар бошчилигидаги ҳофизлар кўшиқлар билан, Тамарахоним, Мукаррамахоним шогирдлари билан канал қурувчиларини меҳнатга рағбатлантирар эдилар. Уларнинг шогирдларидан бирига Миртемир кўп йиллардан бери ошиқи-беқарор эди. Муҳаббат ҳақидаги шеърларининг ҳамма-ҳаммаси унга бағишланган эди.

«Мен сени тинчитмайман» шу туркумнинг энг кейинги шеъри эди.

### (парча)

Мен сени инжитмайман  
Ва лекин тинчитмайман...  
Чарх уриб, бўз тўрғайдай  
Бўзлашим бор бошингда.  
Эй, сочларинг тўлқини  
Тун сингари сим-сиёҳ.  
Хол каби пайдо бўлгум  
Ёноғинг ё қошингда,  
Эй, изларинг ғубори  
Кўзларимга тўтиё...

...Тонг пайти юлдуз мисол  
Оқ сийнангда ёнгайман,  
Ёмғирда камалакдай  
Юз рангда товлангайман.  
Кўркиннга тикилгайман  
То кўзимда бор зиё,  
Ўзинг билмайсан, сенда  
Шунчалар меҳригиё!  
Мен сени тинчитмайман  
Ва лекин инжитмайман...

Шу раққосага бағишлаган туркум шеърлари қатидан Миртемирнинг хўрсинишлари эшитилиб, кўз ёшлари томган шеърларидан намхуш нафас эсиб туради.

Муҳаббат деб аталмиш туйғунинг қайта такрорланмас ширин онларини Миртемир бизга шеърда мерос қилиб ташлаб кетди.

У сокин дарёга ўхшарди. Тубида нималар бўлаётганини билиб бўлмасди.

Унинг юрагида қолган ишқ тугёнларини ҳам биров билиб, биров билмай қолди.

## МОҲИ РАМАЗОН ТУҲФАСИ

**Х**амдам Ҳожи у пайтларда Ҳамдам Ҳожи эмасди. Бешариқда ҳеч кимга сўзини бермаган, ҳокимиятга ҳам бўйсунмаган, эгар урилмаган яйдоқ, жиловсиз «Ҳамдам зўр» эди.

Бешариқда унинг борлиги, шунақалиги бир ҳисобда аҳолининг тинч ухлашига сабабчи эди. У бор экан, бирорта безори ёки «қўли эгри» миқ этиб овоз чиқазолмасди. Гўё у Бешариқнинг соқчиси, посбони, «хони» эди. Унинг ўзини бунақа тутиши катталарга ҳокимиятни обрўсизлантириш бўлиб туюларди. Ундан кутилиш учун «Ҳамдам зўр исёнчи, у Бешариқнинг Пугачёви» деб сиёсий айб билан қаматиб юборган эдилар.

Чор ҳукумати уни умрбод каторгага ҳукм қилади. Ҳамдам Ҳожи беш йил оёқ-қўлида кишан билан ишлайди. У ўша ерда ўзига ўхшаган азоб чекаётганлар билан тил бириктириб, кишанларни узиб қочади. Кундузлари қозоқ овулларида яшириниб, кечалари йўл юриб, охири соч-соқоли ўсиб дарвеш қиёфасида Бешариққа кириб келади.

Янги ҳукумат қуриш учун курашган, шу «айби» учун каторгада жазо муддатини ўтаётганларни биринкетин бўшатиб, олдинроқ қочиб улгурганларни қидирмай қўйган эдилар.

Рўзаи рамазон ўшанда саратонга тўғри келиб қолган. Мусулмонобод пайтлар: рўза тутмасанг бўл-

майди. Шунақа вақтда узун узилиб, қисқа чўзилиб қолади.

Мен ўн-ўн бир ёшларда бўлсам керак. Дадамнинг дўконида терга пишиб, Эргаш халфа икковимиз галма-галдан дам босамиз. Ловиллаб ёниб турган олов олдида қип-қизил чўққа айланган темирдан ўроқ ё чолғи яшаш осон иш эмас. Дадам тез-тез сув хўплаб томоғини хўллаб турарди. Ашт қишлоғининг оқсоқоли дадам сув ичаётганини кўриб турган экан, ёнида олиб юрган шоввоз йигитларига, рўза кунини сув ичгани учун дўкони бузиб, асбоб-ускуналарини сочиб ташланглар, деб буйруқ берди. Йигитлар буйруқни лаҳзада бажо келтиришади. Мен йиғлайман. Эргаш халфа йиғлайди. Дадам нима қилишини билмай, афтодаҳол ўтирибди. Шу пайт от миниб Бешариқ ижроқўмининг раиси Ҳамдам Ҳожи келиб қолди. Вайрон бўлган дўконимизни кўриб:

— Нима бўлди? Что случилось? — деб сўради.

— «Сен кофирсан. Рўза тутмаганинг камлик қилгандек, «рўза оғиз» одамлар олдида сув ичяпсан», деб оқсоқол дўконни шу аҳволга солди, — деди дадам.

Ҳамдам Ҳожи дадам кўйиб берган темир курсига ўтириб:

— Ернинг тагидан бўлса ҳам топинглар! Тирик бўлса тиригини, ўлган бўлса ўлигини судраб келинглари, — деб буюрди.

Ҳамдам Ҳожи ўтда куймаган, сувда чўкмаган, минг бир чиғириқдан бешикаст бутун ўтган одам. Бешариқ ниҳоятда нотинч жой. Қароқчилар кечаси Қўқон, Пунгон, Данғара атрофидаги қишлоқларга босқин қилиб, Бешариқ орқали тоққа қочиб ўтардилар. Ҳукумат, жангариларга Ҳамдам Ҳожи бас келмаса, бошқа ҳеч ким бас келолмайди, деб уни

Бешариқ ижроқўмига раис қилиб тайинлади. Ана шундан кейин Бешариқ бир қадар тинчиб қолди.

Йигитлар Ашт оқсоқолининг оёғини ерга теккизмай олиб келдилар. Мақтов эшитиш ўрнига газабга дучор бўлган оқсоқол, нима гуноҳ қилдим, дегандек, Ҳамдам Ҳожига кўзлари аланг-жаланг бўлиб қараб турарди.

— Йигитларингга айт, кетаверишсин. Сочиб ташлаган асбобларни энди ўзинг йиғиштириб, саранжом қиласан. Понятно? Аштликларнинг етти яшаридан етмиш яшаригача ҳаммаси темирчи. Сен эса шуларнинг оқсоқолисан. Мана, олов, мана болға, давай начинай!

Оқсоқол кийимларини ечиб, бир ош пишгунча вақт ўтмай ҳаммаёқни ораста қилиб қўйди. Чўлтоқ супурги билан дўконни ялагандек қилиб супуриб чиқди. Энди у қўл қовуштириб, яна нима буюрасиз, деб жавдираб турарди.

Ҳамдам Ҳожи уни кўпдан бери олов ёнига келмаган, бунақа ишлардан чиқиб қолган одам, деб ўйларди. Оқсоқол ижроқўм раисининг зуғуми билан ноилож қўлига болға олди. Эргаш халфа билан икковимиз навбатма-навбат дам босиб турибмиз. Оқсоқолнинг қўли ишдан чиқиб қолмаган экан. У ҳатто дадам ясайдиган ўроқдан ҳам чиройли ўроқ ясаб қўйди. Унинг бутун вужудидан тер ёмғирдек қуйилиб оқяпти.

Ҳамдам Ҳожи унинг аҳволини кўриб, «Оқсоқол, олов олдида ишлайдиган чилангарларнинг сув ичишига рухсат бор, ичинг, пейте пожалуйста», деди қўлидаги сув тўла чўмични унга узатиб. Оқсоқол чўмични қайтарди.

— Ёшим кетиб қолди, Ҳожи бува, рўзаи рамазонда сув ичиб, Аллоҳнинг ҳузурига қай юз билан

бораман. Гуноху савоб ишларимнинг ҳисоб-китоби кутиб турибди.

У қайтиб берган чўмичдаги сувни Ҳожи тош охурга куйиб қўйди. Ҳамдам Ҳожи оқсоқолнинг бунчалик эътиқодли инсон эканини билмаган экан. Шу топда оқсоқолга меҳри товланиб, уни жазолаш учун олиб ўтирган даррани қулочкашлаб отиб юборди.

Ҳамдам Ҳожи дадамдан, «кўк ёнғоқ» кўмирини қаердан топяпсиз, ўроқ-чалғи учун лахтак темирни топиш қийин бўлмаятими, деб суриштириб ўтирарди. У икки тиззасига тираниб ўрнидан турар экан, оқсоқолга: «Спасибо вам, аксакал», деб унинг елкасига қоқиб қўйди. Шу он дадам Ҳамдам Ҳожига юзланиб, деди:

— Ҳожи ота, бир гапни айтиб қўяй. Ўзингиз биласиз, Аштда биров ўроқми, тешами сотиб олмайди. Зарур бўлиб қолса, ўзи ясаб олаверади. Кўқон тарафларда темирчининг бозори чаққон. Ўтган жумада Кўқоннинг қоқ ўртасидан бир ҳовлининг бошини боғлаб келгандим. Тишимнинг қавагида асраб юрган озроқ ақчам бор эди. Эртага кўч-кўронимни аравага ортиб, кўчиб кетадиган бўлиб турибман. Умрингиз узоқ бўлсин, Ҳожи ота, менга кўп яхшиликлар қилдингиз. Сизга бир оғиз айтмай кетишни ўзимга эп билмадим.

Ҳамдам Ҳожи бир оз ўйланиб тургач, шундай жавоб қилди:

— Унда эртага кетманг, индинга кетинг. Мен сизга қуролланган икки отлиқ йигитни қўшиб берай. Бир ҳовлининг пули, ўлдим деганда, беш-олти қоп бўлади. Кўқонга етгунингизча қароқчилар сизни тинч қўярмикин? Тагин ҳам пулдан, ҳам жондан айрилиб қолманг, уста. Индинга шомдан кейин йигитлар у ерга келишади. Тайёр бўлиб туринглар.

Ҳожи буванинг гаплари жўяли эди. Ўша пайтда бир қоп пулга атиги бир қоп ун ё бўлмаса ярим қоп гуруч берарди. Битта хўроз қанд ўн минг, бир жуфт қурут тўрт минг, бир чинни бодроқ уч минг сўм туради.

Оқсоқол одамгарчилик қилиб от-аравасини қўшиб берадиган, Эргаш халфа миниб қайтадиган бўлди. Қўни-қўшнилар ифторликдан кейин кузатгани чиқдилар. Онам ийд рамазонда қурбонлик учун битта қўй боқиб юрганди. «Қўқон узоқ жой, ўттиз-қирқ чақирим келади. Семириб, териси таранг торган қўй арава орқасидан юриб, то етгунча ортирган юкини йўқотади», деб уни ҳам аравага чиқазишди. Онам эса арава орқасидан пиёда борадиган бўлди.

Ҳамдам Ҳожи юборган йигитлар ҳам етиб келишди. Ҳожи бува ярим қоп пул билан анчагина нон бериб юборипти. Кетар олдидан ҳамқишлоқлар чўкка тушиб, оқсоқолнинг насиҳатларини тингладилар.

— Қайга борсангиз ҳам хизр бувам йўлдошингиз бўлсин. Яхши-ёмон гапирган бўлсак, қулоғингиздан чиқариб юборинг. Аллоҳим ишингизнинг ривожини берсин. Тўй-ҳашамларимизга айтганимизда албатта келинг. Бегона бўлиб кетманг. Борган жойингизда одамларга меҳр кўрсатиб, меҳрини олинг. Аштлик уста Абдуқаҳҳор эканингизни унутманг. Омин, аллоху акбар!

Қўни-қўшнилар топган-тутганларини тугиб, аравага опчиқиб қўйдилар. Оқсоқолнинг хотини яқингинада тандирдан узган, ҳали совуб улгурмаган нонларни чорсига тугиб, онамнинг қўлига берди.

Дадам тез-тез орқасига қараб, Аштан кўнгил узолмай, маъюс йўлга тушди. Дадам илгарилари ҳам Қўқонга бизни олиб кетиб, бирон йил ишлаб қайтарди. Нечукдир бу гал у маъюс, паришон эди.

То дарё бўйига келгунимизгача биронтамиздан садо чиқмаганди. Ҳаммамиз дадамнинг хомушлигидан ҳайрон эдик. Дарёга ташланган «Паром» деган қайиқ-кўприкдан ўтганимиздан кейин дадам осмонга қараб, «Етти қароқчи»га узоқ тикилганча нималардир, деб пичирлади. Кейин онамга қумғон қайнатишни буюрди.

Дарёнинг суви чекиниб, қирғоққа яқин жойларда оролчалар пайдо бўлган. Аҳоли шу оролчаларнинг ҳаммасига шоли эккан. Чивинлар гужғон ўйнаб кўз очирмайди. Шоли экканларнинг юзлари яра-чаққа бўлиб кетган. Бу тажовузкор чивинлардан қутулишнинг бирдан-бир йўли — тезак тутатиш. Эргаш халфа билан икковимиз саҳарлик қилиб ўтирганлар яқинида беш жойга тезак уйиб тутатдик. Шамолсиз, дим ҳавода тезак тутуни бурқсиб, чивинларни бирпасда қувиб юборди. Узоқдан ноғоранинг жуда ҳам тиниқ тарақлагани эшитила бошлади. Сокин кечада унинг овози далалар, боғлар, адирлар устида сузиб юрарди. Илондек буралиб-буралиб оқаётган дарё ой нурида эритилган кумушдек ялтирайди.

Ноғора одамларни саҳарликка уйғотяпти. Рўздорларнинг ҳали уйқу қарахтлиги кетмаган овозлари эшитила бошлади.

Шамолсиз ойдин тунда тутунлар худди Минораи Калондек кўкка тик ўралиб, ер қуррасининг нариёғида энди бош кўтарган офтобдан чўғ олиб ёнаётган шамга ўхшайди.

Кимдир ўтин ёряпти. Кимдир «ҳалқумини ҳалоллаш» учун балиқ қовуряпти. Бу қишлоқ аҳлининг ризқи шу жойларга сочилган. Ёзи билан балиқ дудлайди. Ўзи етиштирган ҳар бири қўйдек-қўйдек қовунларга қовға солади. Сават тўқийди. Йил-ўн икки ой катта йўл ёқасида балиқ сотади. Шунақа катта

даромад келиб тургандан кейин чивиннинг наш-тарига чидайти-да! Анчадан бери бунақа гавжум, ҳамма битта дастурхон атрофида гангур-гунгур суҳбат билан нонушта қилганини кўрмаган эдим. Оқсоқол отанинг хотини ёпиб берган патир, Ҳожи ота бериб юборган седанали нон, ёнғоқ, тут магиз, анжир қоқи, э, нимасини айтай? Аммо-лекин Эргаш халфа ҳам маза қилди.

Дадамнинг Аштдан чиққанимизда бошланган хомушлиги бошига энди тушадиган савдоларни ички бир туйғу билан сезганидан эмасмикин? Дадам Эргаш халфани ёнига чақириб:

— Эргашвой болам, — деди ўксик бир овозда. — Энди катта йигит бўлиб қолдинг. Янги дўконни ҳам, Аштдаги ҳовлини ҳам сенга қолдирамиз. Яхшигина уста бўлдинг. Биз Абдулла аканг билан Тошкентга бутунлай кетамиз. Ҳамма нарса энди сеники. Абдулладан темирчи чиқмади. Олов олдида катта бўлди-ю, аммо темирга меҳри тушмади. Ёзув-чизувга берилиб кетди. Агар қийналиб қолсанг, Муҳаммаджон домлага маслаҳат сол. Абдуллага ҳам шу файзли, меҳрибон одам устозлик қилган. Унга ҳарф танитган. Шу одамнинг этагидан тут...

Онанг раҳматли сени етаклаб келиб, шу болага оталик қилинг, ҳунар ўргатинг, деб топшириб кетган эди. Онангни мозори қаердалигини биласанми? Билсанг, тез-тез бошига бориб, тиловат қилиб тур. Гўри-ни ўтлардан тозалаб, гўрковга садақани аяма. Юрагинг сиқилган пайтларда бир дамгина онанг бошида ўтирсанг, дилингдаги ғуборинг ёзилиб, енгил тортасан. Хайр энди, болам, бошинг тошдан бўлсин.

Тоғ бошида чақмоқ чақиб, момақалди роқ гумбирлаганидан сал кейин дарё устидан булут оқиб кела бошлайди. Ёп-ёруғ кун зимистонга айланади.

Бунақа пайтларда саҳарлик қилиб ўтирганлар қачон оғиз ёпишларини билмай қоладилар. Кўприк тепасига чиқиб олган жарчи оғзига карнай тутиб, бор овози билан:

— Мусулмонлар, таом ейишни тўхтатинглар. Шу топдан бошлаб оғиз бойланди! — деб қичқиради.

Қоронғида тимирскиланиб йўл юряпмиз. Пунгондан, Данғарадан ўтганимиздан кейингина осмон ёришиди. Онам қўйни эҳтиётлаб, ўзи шунча йўлни пиёда босиб, ниҳоятда тинкаси қуриган. Боя саҳарлик қилаётганимизда оёғини уқалаб ўтирганди. Йигитлардан биттаси онамга раҳм қилиб, уни аравага чиқазиб қўйди. Қўйни эса ўзи минган отнинг бўйнига кўндаланг ётқизиб олди. Қўқонга икки қадамгина йўл қолди.

Абдурахмон амакининг қизи Савринисо бандаликни бажо келтиргандан кейин ҳовлимиз бефайз бўлиб қолди. Гўё «хур қиз» хонадонимизнинг шодликларини ўзи билан олиб кетган эди.

Сотиб олган янги уйимиз анча нураб қолган экан. Ҳозирча унда яшаб бўлмасди. Уни тузатиб олгунча бирон ой яна «Оқ домла»нинг уйида эллик минг сўм тўлаб яшаб турадиган бўлдик. Дадам, мен, халфамиз Эргашвой уччовимиз лой шувоқ қилиб, уйни анча эпақага келтириб қўйдик.

«Хур қиз»нинг ўлиmidан кейин онам ўзини олдириб қўйди. У, етимгинам, бетолеъгинам, деб Савринисонинг бошини силаб ўтирарди. У Савринисонинг мотамида кийган қора кўйлагини ҳали ечмай туриб арафа оқшоми кун ботиш пайтида армон билан кўзини юмди. Эргашвой йиғлаб-йиғлаб бизни Бешарикдан поездга чиқариб қўйди...

УСТОЗ, ижозат беринг, Сиз билан ғойибдан туриб гаплашмоқчиман. Сиз кўрган-кечирган кунларингизни айтиб берган эдингиз. Бу хотираларни ўзингиздек қилиб айтиб беролмадим, айтиб берол-

майман. Сиздек қилиб айтиш учун сиз бўлиб — Абдулла Қаҳҳор бўлиб айтишим керак. Бунинг уддасидан чиқолмайман. Абдулла Қаҳҳор битта, бунақаси энди дунёга келмайди. Келади, лекин бошқа Абдулла Қаҳҳор бўлиб келади.

Устоз, қирқ йил бўляпти бу ёруғ дунёни ташлаб кетганингизга. Лекин... Сиз ҳамон Дўрмондаги сокин боғда дарахтлар оралаб юрибсиз. Раҳматли дадангиз уста Абдуқаҳҳор шийпонда ўтириб, сиз олиб берган дурбин билан тоғларга қараяпти.

Бугун ҳаво ниҳоятда тиниқ, тоғлар, ёнбағирлар аниқ кўриниб турибди. Уста бува шу тоғлардан ўзи туғилган, сиз дунёга келган қадрдон Аштни қидиряпти. Дурбин олисда қолган болалигини, эрталаб тандирдан узилган нон ҳиди келиб турган ҳовлисини, чўян қозонда пишаётган сут ҳидига тўлган, ҳозиргина йўрғакдан қўл-оёғи бўшаган чақалоқ ҳиди анқиб турган Аштдаги ҳовлингизни кўрсатяпти. Вужуд-вужуди билан шу болалик оламига шўнғиб кетгиси келяпти.

Шу залворли тоғлар пойида энг азиз, дунёга келиб дунёга сиғмаган жигарбандлари ётишибди. Улар энди йўқ. Кўзининг оқу қораси, ёлғизгина ўғли Абдулла қолди, холос. Шу билан юпаниб, шу билан ўзини овутиб, кўзига термулиб кунларини санаб ўтказаяпти.

Устоз, Сиз эллик ёшга тўлганингизда ёр-биродарларга, Қибрай аҳлига ош берган эдингиз. Шунда Тошкентнинг Калонхона маҳалласида етти-саккиз аштлиқ темирчи яшашини айтиб, улар дадамнинг қадрдонлари, шуларни ошга олиб келсангиз, деб илтимос қилган эдингиз.

Мен уларнинг ҳаммасини танирдим. Улар билан маҳалладош эдик. Усто Сангиннинг ўғли Абдулла билан бир синфда ўқиганмиз. Айтганингизни кўн-

гилдагидек бажо келтирган эдим. Иккита «Победа»да саккиз аштликни боққа олиб келганман. Сиз уларга иззат-икром кўрсатиб, ҳурматларини жойига қўйиб, кутиб олгандингиз. Ҳаммаларига тўн, дўппи кийдирдингиз, елкасига чорси ташладингиз.

Сиз Фафур Фулом билан, кўпинча гапингиз гапингизга тўғри келмай, «пўм» бўлиб турардингиз. Барибир бир-бирингизсиз яшаёлмасдингиз. Сиз қаҳрингиз қаттиқроқ, унча-мунча гуноҳни кечирмайдиган бир сўзли «қайсар» одам эдингиз. Фафур ака сиз билан ярашишга баҳона қидириб юарди. Бугун айна шундай пайт келган эди. Халқ артисти, Абдулла Қаҳҳорнинг қадрдони Миршоҳид Мирзиёловни қўлидан судраб, Фафур ака боққа кирди.

— Миршоҳид ака, мени Абдулла билан яраштириб қўйинг, жон ака, — деди.

Абдулла ака ҳам шу яхши кунларда у билан ярашиб олишни мўлжаллаб юрганди.

— Бўлди, ярашдик, жинни, — деди Абдулла ака.

— Ўзинг жинни, бутун вужудинг заҳар, тилинг тўла заҳар. Авторучкангга ҳам заҳар заправка қилгансан. Ярашасанми, йўқми? Аммо ярашмасанг хафа қиламан. Билиб қўй, гап шу!

Ана шундан кейин ўзбекнинг икки буюк ижодкори бир-бири билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишди.

Уста буванинг кўнгли хотиржам эмасди. Умри охирлаб қолган сари Аштга кетгиси келаверарди. Бу доно қария бўлаётган ишларга зеҳн солиб юарди. Ўша пайтларда марҳум бўлганларга жаноза ўқитиш тақиқлаб қўйилган эди. Мабодо шу ерда қазойим етса, бежаноза кетаманми, деб безовта бўларди. Ўғли Абдуллага:

— Болам, бежаноза кетмай. Яхшиси, қазойим етмасдан бурун мени Аштга обориб қўй. Уруғларим ўтган тупроққа қўйилай, — деб ўғлига илтижо қиларди.

Уста бува оламдан кўз юмди. Жаноза куни юқори идора вакиллари келишди. Жаноза ўқитмайсан, деб икки оёғини бир пой этикка тиқиб зуғум қилиб турган пайтда Фафур Фулом даврага чиқди.

— Жамоа, уста Абдуқаҳҳор Абдуллажонга, болам, ўлганимда албатта жаноза ўқит, ўқитмасанг сендек фарзандим йўқ, сендан рози эмасман, деб васият қилган. Бунга мен Фафур Фулом, халқ артисти Миршоҳид Мироқилов, академик театрнинг артисти Муҳсин Ҳамидовлар шоҳидмиз. Ота васиятини бажо келтирмаган фарзанд фарзанд эмас, — деди кўзида ёш билан Фафур Фулом.

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳурмати баланд эди. Унга ҳамдардлик изҳор қилгани келганларнинг сон-саноғи йўқ. Бунга кўрган юқори идора вакиллари тарвузлари қўлтиғидан тушиб, ҳовлидан чиқиб кетишди...

Бу воқеаларни алам билан, кўзда ёш билан эслайман.

Ўзбекнинг қадрини кўтарган, ўзбекнинг ўзбеклигини намойиш қиладиган, уни ҳамма халқларга кўз-кўз қиладиган удумларини тиклаб берган Мустақилликка ўн уч йил бўлди.

Отаси ё онаси дафн қилинаётганда қабристонга киролмай, кўчада зор қақшаб қолган ўзбек боласининг, жойинг жаннатда бўлсин, жигарим, дегани учун ўз эркидан Мосуво бўлган ўзбек боласининг турли маломатлардан қутулганига ўн уч йил бўлди.

Индинга ийд Рамазон. Шу рамазон ҳайити куни сизга муборак бўлсин, азиз устозларим! Энди жанозаларда, маъракаларда вазирлар, ҳокимлар, генераллар ҳам бемалол иштирок этадилар, тиловат пайтида тиз букиб фотиҳага қўл очадилар. Президентимизнинг ўзи бош бўлиб эл хизматида умри ўтган покиза инсонлар хотираси олдида тиз букиб тиловатга қўл очади.

Азиз устозларим — менинг Ойбегим, менинг  
Ғафур Ғуломим, менинг Абдулла Қаҳҳорим, менинг  
Шайхзодам, менинг Миртемирим, Мустақиллик  
берган барча ҳурлик сизга Моҳи Рамазон туҳфаси  
бўлсин.

*2004 йил 11 ноябрь*

# АЖДАҲО ЎТГАН ЙЎЛЛАРДА

(Ҳикоя)

Зўр кураш кўрамиз, деб келганларнинг ҳафсала-си пир бўлди. Биринчи даврадаёқ, кураш аланга олма-май, чўғлигича қолди.

Икки полвон ярим соатдан бери ҳадис олиб, томоша-бинларни зериктириб юборди. Даврада ўтирганларнинг тоқати тоқ бўлди.

— Ажрим қиворинглар, кураш кўргани келганмиз!

— Жалол полвон чиқмаса кураш қизимайди. Жалол чиқсин!

Жалол полвон етмиш ёшларга борган, эллик йилдан бери кураш тушади, шу пайтгача кураги ер кўрмаган полвон.

Ишқивозлар уни беҳудага курашга чақиришаётган эдилар. У даврага чиққани билан талабгор бўлмагани учун қайта жойига бориб ўтиради. Курашаман, деб келганларнинг кўпчилиги ундан енгилган, ҳаммасининг алами ичида эди.

Ишқивозлар талаб қилаверганларидан кейин баковул уни даврага судраб чиқди. Қўлидан ушлаб, ўртада айлантириб юрди.

— Мамлакатимизнинг мутлақ чемпиони, юзлаб ёш чемпионларнинг устози Жалол полвонга талабгор борми? — деди у даврага мурожаат қилиб.

Ҳеч ким чиқмади. У билан бир беллашсам армоним йўқ, деб келган ўспирин полвонлар одоб сақлаб жим ўтиришарди.

Орқа қаторда ўтирган йигирма беш ёшлар чамаси бир йигит ўрнидан турди.

— Мен беллашаман!

Ҳамма унга қаради. У танаси худди чўяндан қуйилгандек, миқти бир йигит эди. Елкалари кенг, билакларидан мушаклари бўртиб чиқиб турган, очиқ кафтига битта одам бемалол ўтирса яна икки бармоғи ортиб қоладиган бўз йигит эди. Даврада кимдир ҳазил қилди:

— Вой-бў, баданига мих қоқсанг қайилиб кетади-ку!

Кимдир, Жалол уни икки ямлаб, бир ютиб юборди, деб юборди.

Жалол полвон, писанд қилмагандек, мийиғида кулиб турарди. Унинг жилмайиши ёш полвоннинг нафсониятига тегди.

— Қўй, болам, мен гўдаклар билан курашмайман. Ўз тенгинг билан беллаш, — деди унга насиҳат қилгандек.

— Йўқ, фақат сиз билан курашаман. Билиб қўйинг, енгаман! Курагингизни ерга ишқайман!

— Катта кетма, бола! Менинг курагим фақат ўлганимда — гўрда ётганимда ерга тегади.

«Майли, майли — беллашсин, боланинг сазаси ўлмасин, хўп денг, полвон бува!» деган овозлар чиқди.

Баковул икки томоннинг розилигини олиб: «Бўстонлиқлик Жалол полвон ёзёвонлик Эрмат полвон билан беллашишга рози бўлди!» деб эълон қилди.

Жалол полвон ерга ўтириб, этигини ечаркан, қилаётган иши ўзига қор қилиб, энди кунинг шу мишиқи гўдакка қолдими, Жалол, шу норасида болани енгиб, нима обрў топасан, дерди ичида.

Эрмат полвон эса уни писанд қилмай, енгаман, дегандек мағрур турарди. Унинг бу «сурбетларча» туриши Жалол полвоннинг ғашини келтирди. Энди ўзингдан кўр, бола, деб ўрнидан турди.

Баковул уларнинг белбоғларини бошқатдан бойлаб, омин, деб фотиҳа берди.

Жалол полвон бепарво эди. Қани, бир уриниб кўрсин, деб қўйиб берди. Эрмат унинг белбоғи орқасига қўлини суқиб, билагига уч марта ўради. Жалол полвон хотиржам эди. Эрмат: «Ё эгам, ўзингдан мадад!» деди уни бир силтаб кўтариб, оёғини ердан узди. Яна бир марта силкиганида кўкрагигача чиқарди, турган ерида икки айланиб, чап ёнбошига отди. У, болалар чойнак қопқоғини бураб қўйиб юборгандек, чир айланиб, яна қимирламай туриб қолди.

— Энди, бас, хумордан чиқдингми, — деди у рақибининг қулоғига. — Энди навбат менга! — У шундай деб Эрматни бир силтаб кўтардию ерга отди. У ерга чалқанча тушди. Жалол полвон тик турганча энгашиб, унинг икки елкасидан босди. Эрмат типирчилади. Рақибининг чайир қўллари ҳамон унинг елкасини ерга қапиштириб турарди. Шунда... Шунда Жалол полвон рақибининг ўт чақнаган кўзида гўдаклар йиғлаганда оқадиган шаффоф, бокира ёшларини кўриб, сесканиб кетди. Унинг елкасидан қўлини олиб, ажиб бир меҳрибонлик билан қўлидан тортиб турғазмоқчи бўлди. Аммо Эрмат унинг қўлини силтаб ташлади.

Эрмат ўкириб-ўкириб йиғлади. Бу йиғи Жалол полвоннинг юрак-бағрини ўртаб юборди. Болам, йиғлама, кўз ёшингни ют, биров кўрмасин, деди унинг қулоғига шивирлаб, Эрмат шу заҳоти яктагининг енгини кўзига суртди. Увол, увол, дерди Жалол полвон. Мана шу бола менинг ўрнимга қолади. Уят иш қилиб қўйдим. Боланинг шохини синдирдим. Аттанг, аттанг... Жалол полвон гулдурос қарсақ товушлари остида даврадан чиқиб кетди. Этагини тутиб пул йиғмади. Ёнғоқзор оралаб уйи томон кетди.

Йўл-йўлакай, бу енгганимми, деб ўзидан ўзи сўраб борарди. Енгилганим, енгилганим! Майда болалар билан бел олишадиган бачкана полвон бўлиб қолдингми, Жалол, дерди бошини сарак-сарак қилиб.

Эртага жавоб беллашуви бўлади. Нима қилай? Беллашмасам, полвонлик шаъним тупроққа қоришади. Беллашсам-у, атайин йиқилиб берсам, унда нима бўлади? Полвонлик гуруримни қаёққа яшираман...

Шундай хаёллар билан кетар экан, яқин орада аёл кишининг қиқирлаб кулгани эшитилди. Аланглаб қаради. Уч тегирмон сув оқадиган сой бўйидаги харсанг устида ўғли Қўчқорвой Нурим сартарошнинг келини Одинани бағрига босиб ўпяпти. Одина қийшанглаб кулар, Қўчқорнинг юзига беозор шапати-ларди. Соининг шовуллашидан улар оёқ товушини эшитмасди. Ўз ишлари билан машғул эдилар. Қўчқор Одинани тиззасига ўтқазиб олиб, юз-кўзларидан, лабларидан тинмай ўпарди.

Жалол полвон нима қилишини билмай, серрайиб туриб қолди. Қўчқорнинг ерга тушган дўпписини олаётган Одина сапчиб туриб кетди.

— Вой, мен ўлай... дадангиз! Шарманда бўлдик! — дедию тугмалари қадалмаган ҳарир кофтасини очиқ қолган оппоқ кўкрагига босганича қочди.

Қўчқор нима қилишини билмай, дадасига қараб тургач:

— Йигитчилик — итчилик экан-да, дада, — деди. — Бу аҳмоқ, эримни турмадан чиқармасанг, ўзимни сувга ташлайман, деб...

— Дуруст, дуруст... Бир одамгарчилик қипсан-да, баракалла! Агар кучоқлаб турмаганингда, бағрингга босиб, томоғининг тагидан ўпмаганингда, албатта, ўзини сувга отарди. Менга қара, кўппак, хотинингни олдига шу алпозда борма! Юзингни артиб ол, ҳаммаёғинг қип-қизил лаб бўёғи бўлиб кетибди.

Жалол полвон гудрана-гудрана нари кетди.

Полвон ўғлининг шу жувонга айланишиб қолганини биларди. Одинанинг эри қамалмасдан бурунроқ бошланган эди бу савдо.

Нурим сартарошнинг ўғли Собит зўр Одинани Чустнинг Олмосидан опқочиб келганди. Ҳусни бир дунё, юзи сутга чайқаб олингандек, кўзлари-ку... Бу дунёда унақа кўз бўлмаса керак. Машҳур рассом Чингиз Аҳмаров уни Нанайда кўриб қолганда, бу жувоннинг кўзларида лазер нури бор, қараган жойига ўт қўяди, деган эди. Қўчқор оҳудек ҳуркагич шу дилбарга элакишиб қолди. Неча марта учрашувга чақирди, келмади. Эридан кўрқди. Эри уни ҳаддан ташқари рашк қиларди.

Собит зўр қишлоқда тизгинсизлиги билан машҳур эди. Кўнглига келган ҳар қандай ишни тап тортмай қилиб кетаверарди. Баъзан у икки-уч ойлаб йўқ бўлиб кетар, поездларда лўлиларга қўшилиб қимор ўйнар, йўловчиларни карта ўйинига тортиб, чўнтақларини қоқар эди. У йўқ пайтларида қишлоқ тинчиб қоларди. Одамлар Собит йўғида қишлоқ дам олади, дейишарди. Баъзан у бор буд-шудини ютқазиб, уйига қоронғи тушганда майкачан қайтиб келарди. Беш-ўн кун уйда «мўмин-қобил» бўлиб юрарди-да, яна сигирми, бузоқними ўғирлаб, лўлилар тўдасига қараб кетарди. Омади келган пайтларда бир халта пул билан қайтар, сигир-бузоқ эгаларини сахийлик билан рози қилиб, ўз кўнглида гуноҳлардан фориг бўларди.

Собит зўр Одинани Олмосдан опқочиб келгандан кейин номи ўзига ярашмай қолди. Худди онаси бошқатдан туққандек яхши бола бўлди-қўйди. Қўни-қўшнилари Собитга худо инсоф берди, деб севинишди.

Собит отасига қўшилиб тўй-маъракаларга боради. Нурим сартарош ичкарига —қариялар олдига кириб кетганда Собит ташқарида қолиб, самоварчиغا

қарашар, келди-кетдига чой ташир, ошпазга ўтин ёриб берарди. Унинг бир чиройли қобил бола бўлганидан севинган ҳамқишлоқлар, «Қаранг-а, худо инсоф бераман, деса ҳеч гап эмас экан», дейишарди.

Собит Одинани ер-қўкка ишонмасди. Одина эса бу эркалалардан талтайиб кетган эди. Рўзғор ишларига қўл урмасди. Ҳатто ечиб ташлаган кийимларини қайнонасининг олдига ташларди. Овқатни еб, идиш-товоқни йиғиштирмай индамай туриб кетаверарди. Қайнонаси жавраб-жавраб кир ювар, жавраб-жавраб ҳовли супуради эди. Баъзан у эрига нолиб қоларди:

— Нега индамайсиз, бошимизга чиқиб олди-ку, қайнонамисиз, нимасиз? Мен кимман? Қайнонаманми, келинманми? Мундоқ насиҳат қилиб қўйсангиз бўлмайдимми?

Нурим сартарош босиқлик билан жавоб қиларди:

— Қўй, хотин, кўпам зорланма. Ўғлинг шунга андармон бўлиб, қиморбоз дўстларидан кечди. Ёмон қилиқларини ташлади. Шу келин, деб юртга қўшилиб олди. Икки марта жума намозига ҳам олиб бордим. Келинингдан нолима, унга раҳмат де. Ўғлинг ҳозир мисоли мажнун.

Собит ҳар қуни кечқурун жомда иссиқ сув опкириб, хотинининг оёғини ювиб, оппоқ сочиққа артар, тирсиллаб турган болдирларига шапатилаб уриб қўярди. Кейин уни даст кўтариб тўшакка ётқизарди. Одина бу «хизматлар»га мукофот сифатида узук тақилган бармоқларини унинг пешонасига тегизиб ўпиб қўярди.

Собит ҳали тонг ёришмай елкасига милтиқ ташлаб тоққа чиқиб кетарди. Тун салқинида қанотлари карахт бўлиб қолган беш-тўрт каклик уриб келарди. Хотини уйқудан тургунча какликларнинг патларини юлиб, тозалаб, тузлаб қўярди. Одина ҳовлига чиққанда шамол учириб юрган патларни кўриб, бурнини жийирарди. «Шу каклик ўлгир ҳам жонимга тегиб кетди-да», деб нолирди.

Собитга отаси, болам, ўртоқларинг ҳашарга айтса, қолмагин. Энди сен юрт ичига кириб қолдинг. Кексалар олдидан саломсиз ўтмагин, ўтирган бўлсанг, ўрнингдан туриб салом бергин, деб насиҳат қиларди. Онаси бўлса унинг кўйлаklarини жуҳуд домлага обориб дам солдирарди. У ёзиб берган аллақандай қоғозларни чойга ивитиб ичирарди.

Кунларнинг бирида эшик тақиллаб қолди. Собит эшикни очса, остонада машҳур рассом Чингиз Аҳмаров турипти.

— Келинг, мулла ака, — деди Собит унга ҳайрон қараб.

— Келиннинг сувратини ишлашга рухсат берсангиз. Париж кўргазмасига юбораман.

Собитнинг бундан беш ой олдинги қони кўпирди. Панжалари муштга айланди.

— Қани, яхшиликча жўнаб қолинг, бўлмаса бир кор-ҳол бўлади. Мени ким деб ўйладингиз, хотинини томошага кўядиган ҳезимкашлардан деб ўйладингизми?

Аҳмаров бир сўз айтмай орқасига қайтди. У шунақа жавоб бўлишини аввалдан биларди. Зора унга худо инсоф бериб рози бўлса, деб ўйлаганди.

Лекин бу беқиёс истеъдодли рассомда бир-икки марта кўрган одам қиёфасини ёддан чиза олиш қобилияти бор эди. Барибир ишлайман, дея дилига тугиб қўйди.

Кўчқор Одинага етишиш учун бор ҳунарини ишга солди. Собитни ҳўккиз ўғирлади, деб қамади. Тергов пайтида мотоцикл ҳам ўғирлагансан, деб сохта гувоҳга рўпара қилди. Ўзи унинг томига ташлаб қўйган бир халта кўкнорини ҳам «дело»га ёпиштирди. Собит саккиз йилни бўйнига олиб кетдию, хотини милиция терговчиси — капитан Кўчқор Жалоловга қолди. Хоҳлаган пайтида учрашиб, айш-ишрат қилишга имкон яратилди. Бир кун Одина унга эркаланиб, ўлсин, тўнка эримдан айниган тухумнинг ҳиди келарди, деб кулди.

Яқинда, бир ҳафтача бўлди, Собит турма қоровулини ўлдириб қочган эмиш, деган гап тарқалди.

Бу гапни эшитган Нуриим сартарош боласидан умидини узиб қўйди. Энди уни эплаб бўлмайди. Бу бола қон тўкиб қўйди. Унинг ичидаги аждар уйғониб кетди. Энди у дуч келганга ўт пуркайди, дуч келганни гажиб ташлайди, деб афсус-надоматлар чекди.

Шу тобда кўзи олдида бўлиб ўтган ҳодиса Жалол полвонга негадир таъсир қилмади. Унинг хаёли эртага бўладиган кураш билан банд эди. Нима қилсин, беллашмаса, Жалол полвон қочди, дейишади. Беллашса, бир навқирон йигитнинг дили вайрон бўлади. Эрмат енгилса курашга қўл силтаб, иккинчи марта даврага чиқмайдиган бўлиб кетади. Агар унга йиқилиб берса, эллик йил елкаси ер искамай келган, шу охирги курашдан кейин полвонликни ташлаб, умрининг қолганини тоат-ибодат билан ўтказаман, деб аҳд қилиб қўйган. Кураш — бошқаларга томоша. Полвон учун эса ғурур, нафсоният, айниқса, охирги жангдан тўнининг чангини қоқиб, даврадан бош эгиб чиқиб кетиш Жалол полвонга ўлим билан баробар эди.

У шундай деб ўйладию дарров фикридан қайтди. «Жалол, шунақа паст одаммисан? Бир оёғинг гўрда турибди-ю, шон-шавкатни ўйлайсан-а! Уят, уят!»

У бир-бирини инкор қиладиган хаёллар гирдобиди тўлғаниб-тўлғаниб уйқуга кетди.

... Бугунги курашга кечагидан икки баробар кўп одам келган. Уч автобусда шаҳардан ишқибозлар, енгил машиналарда туманлардан полвонлар келишган. Кечаги кураш телевизор орқали кўрсатилган эди. Жавоб беллашув қандоқ бўлар экан, деб келганлар сон-саноқсиз.

Кабобпазлару морожнийчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Жалол полвон бугунги беллашувга хушламайроқ келди. Ўзига қолса, мен енгилдим, деб қайтиб кетишга ҳам рози эди. Уни бу ерга фақат орият олиб келганди.

Саккиз беллашувдан кейин Жалол полвон билан Эрмат полвонга гал келди.

Эрмат полвоннинг қовоғи солиқ. Ундан кечаги мағлубиятнинг захри кетмаганди. У рақибига тилартиламас, ҳатто, бетига қарамай қўл берди. Унинг авзойи бузуқ. Агар бугун Жалол полвонни тупроққа қориштирмасам, фалон-пистон бўлай, деб дўстларининг даврасида оғзига ёмон сўз олиб қўйган. Полвон халқи жазавага тушганда берган ваъдасини унутадиган қавмдан бўлади. Кечаси билан Жалол полвон ўйлаб-ўйлаб, Эрматга йиқилиб берай, энди зўр келиб қаёққа борардим, шу ёш полвонга бугунги ғалабаси қанот бўлсин, деб ният қилганди. Беллашув пайтида ниятидан ғурури ғолиб келди. Бу ўжар, ўзига ортиқча бино қўйган полвончанинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлди. Эрмат ҳам астойдил эди. Унга асло белини бермасди. Жалол полвон уни ўзига тортганда, бир кучаниб қўлини чиқариб юборарди. У эллик йил курашиб ҳали бунақа бели бақувват полвонни кўрмаган эди. Кўпдан синалган усулини қўлламоқчи бўлди. Рақибини бағрига қапиштириб кўтарганда ҳар қандай полвон ҳам тоб беролмасди. Бунинг учун аввал Эрматни бағрига тортиши керак. Аммо Эрмат сира белини бермасди. Ҳамла билан бир-икки марта уни кўксига қапиштирди ҳам. Аммо Эрмат бир кучанганда Жалол полвоннинг бақувват қўллари узилган занжирдек белбоғдан чиқиб кетарди. Жалол полвон пайт пойлаб уни бағрига босди. «Ё тангрим!» деб оёғини ердан узди. Ҳамма жим. «Жалол ютди, Жалол ҳозир уни ерга қапиштиради», деган овозлар эшитилди. У рақибини энди ёнбошга отмоқчи бўлиб турганда

ёнғоқзордан кетма-кет икки марта ўқ товуши эшитилиб қолди. Ҳамма ёнғоқзор томонга қаради. Отилган ўқ гўё Жалол полвоннинг қон томирига, бақувват пайларига теккандек бўлди. Бир дам қони айланишдан тўхтагандек, пайлари дуторнинг таранг ипларига сув сепилгандек бўшади-қолди.

— Ур, ур, болам! — деди Жалол полвон инграб. — Шу топда ерга отмасанг, кейин мени енголмайсан! Эрмат нима бўлаётганини тушунмасди.

— Ур, шошиб турибман! Зудлик билан кетишим керак, ур!

Эрмат уни даст кўтариб ўнг ёнбошга отди. Жалол полвон икки қулочини ёзганча ерда ётар экан: «Енгдинг, енгдинг, бола!» деди.

Эрмат уни қўлидан ушлаб турғизиб қўйди. Жалол полвон этигини ҳам киймай ёнғоқзор томонга ўқдек учиб кетди.

Даврада шивир-шивир гап айланиб қолди: «Ёнғоқзорда Собит зўр Кўчқор билан Одинани отиб кетибди...»

Икки марта ўқ отилгандаёқ Жалол полвоннинг юраги мудҳиш воқеа юз берганини сезганди.

Саккиз йил мусичадек бир-бирининг патини ялаб яшаган, эри ишдан кечикса остонада интизорлик билан кутадиган, келиши билан бўйнига осиладиган хотинининг бир дақиқада эридан кўнгли қолиши мумкинми?

Уйга олиб келишганда Кўчқорнинг танаси ҳали совумаганди. Билагидаги соати чиқиллаб юриб турипти, миллари бепарво айланяпти. Ундан дам ўтмай қандайдир шўх куй таралади. Хотини Гуландом фарёд уриб унга ўзини отди. Отдию бир дақиқа ўтмай нафрат билан сапчиб ўрнидан туриб кетди. Мурдадан француз атирининг ҳиди келарди. Унинг юзларида, бўйинларида, кўкракларида қип-қизил лаб бўёгининг излари аниқ кўриниб турарди.

Шу топда ўлган Қўчқор эмас, Гуландом эди. Орзулари, кўксида ёнган оловдек муҳаббат, эркаланишлари бир зумда жон берди-қўйди.

Мархумнинг йигирмаси ўтгунча ҳам Гуландомнинг кўзида ҳеч ким ёш кўрмади. Гўё у эрининг эмас, бегонанинг маъракасида юргандек эди. Қулоғидан зирагини, бўйнидан шода-шода марваридларини, бармоқларида чақнаган узукларини олиб қўймади. У азадор уй соҳибаси эмас, тўй эгасидек эди.

Гуландомнинг борадиган жойи йўқ эди. Тўйга келин томондан биронта тирик жон келмаганди.

Полвон ўғил уйласам, қудаларим билан борди-келди қилсам, деб орзу қиларди. Афсус, ундай бўлмади.

Қўчқор Оҳангарон томонларда милиция терговчиси бўлиб ишларди. Бир тўйда Гуландомга кўзи тушадию ҳаловатини йўқотади. Ётса ҳам, турса ҳам кўзидан Гуландом кетмайди. Неча марта йўлини тўсиб, гапга солмоқчи бўлади. Аммо қиз ёввойи каптардек унга тутқич бермас, ошиқ йигитнинг ёлворишларини эламас эди. Охири Қўчқор кўпдан синалган усулини қўллайди. Гуландомнинг укасини, мотоциклда одам уриб кетган, деб қамаб қўяди. Гуландом бош эгиб, Қўчқорнинг олди-га боришга мажбур бўлади. У қилади, бу қилади, қизнинг у ёғидан ўтади, бу ёғидан ўтади, алдайди, аврайди. Фалон вақт фалон жойга кел, укангни кўрсатаман, дейди. Шундай учрашувлардан кейин Гуландомда Қўчқорга мойиллик сезила бошлайди. Қиз тегадиган бўлади, Қўчқор уйланадиган бўлади. Қўчқордан қизникига совчи келади. Ота унамайди. Жалолга берадиган қизим йўқ, деб узил-кесил жавоб қилади.

Гуландомнинг онаси эрига ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлади:

— Рози бўлинг, дадаси, бўлмаса, шармандамиз чиқади. Йигит ўлгир қизимизни бошқа эрга теголмайдиган қилиб қўйган.

Хотинининг гапи оғзида қолади. Ота сапчиб ўридан туриб, ичкари уйдан Гуландомнинг сочидан судраб чиқади. Кўча эшигидан итариб чиқаради.

— Иккинчи бу уйда қорангни кўрмай! Оқ қилдим, — дейди...

Гуландом кечалари айвон даҳанига ўтириб, шум тақдирини қарғарди. Бегона хотин қўйнидан чиқиб келган наҳс эр билан ётганига ўксиб-ўксиб йиғларди. Шундай пайтларда бу пушти куйган, зурриётсиз эрининг гўрига ўтлар қўйиб юборгиси келарди.

Жалол полвоннинг буйрагига бирдан оғриқ кирди. Чидаб бўлмас бу оғриққа Жалол полвон тишини-тишига қўйиб чидаб берди. Уч кун маъракага ким келди, ким кетди, билмасди. Ўзи билан ўзи овора эди. Охири у белини кўтаролмай букчайиб қолди. Докторлар оғриқни босадиган укол қилишди, барибир сал фурсатдан кейин яна оғриқ бошланаверди.

— Бу узоқ давом этадиган дард, — дейишди врачлар. — Агар тезроқ тузаламан десангиз, Бухорога боринг. Давоси ўша ерда. Бухоро санаторийсидан шифо топасиз. Албатта боринг, йигирма кунда тузалиб қайтасиз.

Оғриқ чидаб бўлмас бир ҳолга келди. Полвон жиянини чақиртирди.

— Жиян, аҳволимни кўриб турибсан. Оғриқ зўрайиб кетди. Келгунимча бола-чақанг билан шу уйга келиб тур. Ҳовлини шундоқ ташлаб кетаверсам ҳам бўлаверарди. Ўғри оладиган ҳеч вақо йўқ. Биласан-ку, мол-дунёга ҳирс қўймаган одамман. Аммо уйда бировнинг омонати бор. Жиянингни ўртоғи чет элга ишлагани кетган. Манави машина билан битта чамадонни ташлаб кетган. Омонатга хиёнат бўлмасин, деб ҳалигача итдек қўриқлаб ўтирибман. — У дарвозаси очиқ турган гаражга қаради. Устига брезент ёпилган «Волга»нинг ғилдираклари кўриниб турарди. — Эҳтиёт қил, болаларинг чизиб-нетиб ўтирмасин.

Кўчқорнинг ҳовлиси полвоннинг уйидан олти эшик нарида. Тошкентнинг энг яхши усталари қурган. Таги ертўлалаи саккиз хона уй. Ҳаммасига чўғдек ёнаман деб турган гиламлар тўшалган. Шифтларида биллур қандиллар. Жавонларда япон, хитой, немис чиннилари. Ҳовли ўртасида фавворали тўртбурчак ҳовуз. Полвон хонларнинг саройидек ҳовлини кўрганда, болам, уч уйландинг, худо сенга фарзанд бермади. Боланг бўлмаса, чақанг бўлмаса, шунча уйни нима қиласан, деди. Эр-хотинга иккитагина хона бўлса етарди-ку, деганда Кўчқор гапга чап бериб, ҳа энди, бу ҳам бир ишқи-бозчилик-да, деганди.

Остонада эшик кесақисига суяниб Гуландом турарди. У узоққа кетаётган қайнотаси билан хайрлашгани келган.

— Болам, — деди полвон унга, — азадор хотинсан, бўйнингдан, қулоқларингдан анави ялтир-юлтирларни олиб қўй. Ўзбекчиликда айб бўлади. Дўст бор, душман бор, ўзингни эҳтиёт қил. Энди сени қўриқлайдиган эринг йўқ. Ҳайҳотдек ҳовлида бир ўзинг қоляпсан. Қулоғингдаги зирак жуда қимматбаҳо буюм эмиш. Самовардаги чойхўрлар эрмак қилиб, полвоннинг келини иккита «Волга»ни қулоғига илиб юрибди, дейиш-япти. Уйда ёлғиз ётма. Хайр энди, соғ-омон бўлинглар. Сизларни Аллоҳга топширдим. Мен Бухорои шарифга кетдим.

Жалол полвон тўнини елкасига ташлаб, кафти билан ўмганини босиб, инқиллаб, сафар анжомлари солинган халтани аранг кўтарганча букчайиб чиқиб кетди.

Етмиш йил яшаб бирон марта дардга чалинмаган, фақат болалигида қизамиқ бўлган, кўкйўтал бўлган Жалол полвон умримнинг қолганини ҳам ана шундай — доктору дори нималигини билмай ўтказаман, деб ўйлаган эди. Бандасининг айтгани бўлмас экан. Дарди ҳам, дармон ҳам худонинг иродасидан. Ҳеч касал

бўлмаган одам дардни оғир кўтаради. Жалол полвон беш кун бош кўтармай, шифтга боқиб, оҳ-воҳ қилиб ётди. Умрида емаган уколларни еди. Кўнгли айниб-айниб, қўланса дориларни ютди.

Мана, беш кун ўтиб, энди кўзини очди. Шунда қаерда ётганини билди. Атрофига қаради. Палатада ундан бошқа яна уч бемор бор эди. Улар етмишга етиб-етмаган, кўп дард тортганликлари шундоққина билиниб турган кишилар эди. Бирининг ияги асабдан баъзи-баъзида чап томонга тортадиган, бири андай дудуқланадиган, бири оёғи ногирон одам эди.

Юрса ер силкинадиган, орқаси битта стул ўриндиғига сиғмайдиган Жалол полвон беш кунда бир бурдагина бўлиб қолди.

Тоғу арчазорларнинг шаффоф ҳавосига ўрганган бу одам дард билан бўлиб дори ҳидига тўлган палатанинг бўғиқ, қўланса бўйини сезмаган экан. Жони сал ором олиб, энди сезяпти.

— Меҳмон ако, бизде жидо кўрқитиб юбордингизку! Хайрият кўзди очдингиз. Худо хоҳласа кризис ўтди. Апарасияга кўнманг. Буйрак сабел нозик нарса. Тиф тегизиб бўлмайду.

Жалол полвон ияги чап томонга тортадиган бу одамнинг гапларидан бухоролик эканини билди.

— Ман кафил, кўрмагандек бўлиб кетасиз. Томирингизга беш кундан бери гимодез деган дори томизишади. Бу дори қонни тозалайди. Йўқ демай билагингизни тутиб бераверинг. Бу ер касалхона эмас, санатория. Сизни шаҳардаги катта касалхонага олиб кетишмоқчи эди. Аҳволингиз оғир бўлгани учун безовта қилишмади. Энди ҳаммаси ўтди. Буёғига ўзимизди қўли енгил дўхтирларимиз даволайверадилар.

Ҳамшира қиз Жалол полвонга дори ичириб, чиқиб кетаётганда дудуқланадиган бемор уни тўхтатди:

— Сангча бону, меҳмонди гулайсага олиб чиқсак майлиму?

— Ойтимуллодан сўрай-чи, — деб чиқиб кетди ҳамшира. Жалол полвон: «Ҳамширанинг исми қизиқ экан, бу Ойтимуллови ким бўлди экан», — деб ўйлади.

Бир оздан кейин оқ халати ўзига ярашган навбатчи врач кирди. У эллик ёшларни қоралаб қолган, юзида битта ҳам ажини йўқ, кўҳлик аёл эди. Ўнг чеккасида тароққа сўз бермаган зулфи қулфнусха зирагига илиниб турарди.

Оёғи ногирон бемор тилга кирди:

— Қаерларга юрибсиз, Ойти? Ишқинизда ўллик-ку?

Ойти унинг ҳазилига ҳазил билан жавоб берди:

— Бошқа палаталарга ҳам жазманларим кўп, ака-мулло!

— Аёқим мундоқчикин бўлмаганда сизни ўзим опчиқиб кетардим.

— Ундоқ бўлса, оёғингизни шу бугуноқ тузатиб қўйганим бўлсин. — У шундай деб ёнидаги ҳамширага юзланди. — Аравачани олиб келиб отахонни бир боғ айлантинг. Тоғ ҳавосига ўрганган одам палатада жуда қайналиб кетди.

У беморларнинг қон томирини ўлчаб, «Зўр, зўр, юрак эмас, паравоз. Овқатдан қисмасак, қутуриб кетибсизлар», — деди.

— Ундоқ бўлса бир кунга уйга жавоб беринг, момонинг қулоқига секратний гапим бор эди.

Ойти, ёмонсиз, ёмонсиз, раис бова, дея чиқиб кетди.

Аёллар кирган палата бирдан ёришиб кетгандек бўлди. Улардан қувонч ва нур қолди.

— Барака топкур, зап файзли аёл-да. Беморнинг оғриғини икки оғиз сўз билан тузатвори-я!

Жалол полвон ўзим юраман, дейишига қўйишмай, уч кишилашиб уни аравачага ўтқазиб, ташқарига олиб чиқишди.

Ҳаво очиқ, ғир-ғир шаббода эсиб турипти. Қўлида стакан, пиёла ушлаган беморлар сув ичгани булоқ томонга кетишяпти.

Бу ердан чиққан булоқ суви нақ буйрак касалининг тайёр давоси эди. Жуда кўп одамлар буйрак оғриғидан вой-войлаб келиб, шу сувдан шифо топиб, хандон-хушон уйларига қайтиб кетганлар. Учта чол полвон ўтирган аравагани навбатма-навбат итариб хиёбон айланишар эди.

— Бу ерда аёлларнинг исми қизиқ экан, — деди Жалол полвон ҳайрон бўлиб. — Сангча, Ойти... бу нима дегани? — Қўлтиқтаёқда судралиб келаётган бемор тушунтира бошлади:

— Сизнинг Тошкентингизга Тошхон, Тошбиби деган аёллар борми? Бале, бизнинг Бухор тилига Сангча дегани Тошкент тилига Тошча дегани. Оналари бошинг тошдан бўлсин, дўхтарим, деб шунақа исм қўядилар. Ойти дегани асли Ойтўта дегани. Бу Ойхола деган маъно беради, ўрисларнинг тёта деган сўзи ҳам шундан олинган бўлиши керак. Сизлар эркакларни мулла ака дейсизлар, биз акамулло деймиз, опамулло деймиз. Дўхтир опанинг исми дакументга бошқача. Яъни Истат Фузайловна. Тушундингизми?

Полвон, тушундим, дегандек, бош ирғаб қўйди. Улар сўлимгина шийпончага чиқиб чақ-чақлашмоқчи бўлишди.

— Меҳмон, ўзларини қаердан сўраймиз? — деди ияги силкинадиган бемор.

— Сўраманг, — деди полвон. — Юртим жуда узоқда, тоғлар орасида. Ўзларингдан сўрай. Сизларга нима бўлган? Кўп дард тортганга ўхшайсизлар.

— Ҳа, нимасини айтасиз, Гулояннинг тошкентлик итялоғи уравериб, ҳаммамизни инвалид қилиб кетган. Балки эшитгандирсиз у итни? Кўчқор Жалолов деган терговчи, ҳа, онангни...

— Ҳой, ҳой, оғзингга қараб гапир, «Ойти» келяптилар. — Ғузайловна ўтиб кетгандан кейин у сўзини давом эттирди: — Ўша падар лаънат кўп ишлар қилиб кетди. Бутун бир шаҳарни боқса етадиган бойлик олиб кетди ўша итнинг боласи.

— Сўкинмай гапир, — деди дудуқланадиган бемор аранг гапириб.

— Сўкинаман, нега сўкмас эканман! У аблаҳнинг отаси эшак, онаси мочахар!

Жалол полвоннинг вужуд-вужудига минглаб игна санчилгандек бўлди. У дунёга келиб ҳали бунақа ҳақорат эшитмаган эди. Тишини-тишини қўйиб чидади.

— Гулояннинг ўзи ҳафта-ўн кунда бир келиб Кўчқорнинг йиққан-терганларини чамадонига солиб олиб кетарди. Унинг терговчилари Фарғонада, Хоразмда, шу бизнинг Бухорода иш олиб борарди. У аблаҳ жуда ҳам шафқатсиз, жаллод эди. Хотинларимизни ҳам, келину қизларимизни ҳам қамаган эди...

Ҳамшира Сангча Амонова уларни тушликка чақирди:

— Қани, тойчоқларим, дўмбоқларим, авқотга.

Унинг бу гапига Жалол полвоннинг гаши келди:

— Ия, биз унинг бобоси тенги бўлсак, бу тирранча қизалоқ эрмак қиляптими?

Учала бемор баробарига хандон ташлаб кулиб юборишди.

— Шу қизалоқнинг икки куёви, бир келини бор. Саксонинчи йилда неварам кўричак бўлиб касалхонага тушиб қолди. Сангчани ўшанда биринчи кўришим эди. Қарасам, у тил-жағли, оёқ-қўли чаққон, сухсурдек қиз. Кенжа ўғлимга қиз қидириб юрган пайтимиз эди. Бош врач олдига кириб, Сангча деган ҳамширангиз бор экан, ахлоқ-одоби қандоқ, деб сўрадим. Бош врач кулди.

— Бу қизнинг биринчи эридан уч, кейингисидан тўртта боласи бор. Эри аварияга учраб ҳалок бўлгандан

кейин ота-онасининг қистови билан эрининг йилини ўтказиб, эрга теккан. Отаси бир юз бирга кирди. Онаси тўқсон олти ёшда оламдан ўтди. Битта опаси ҳозир саксон бир ёшда.

Жалол полвон, бу гапга ишонқирамай, «Йўғ-е», деб юборди.

— У Ойтимуллодан уч ёш катта. Қаранг, юзида битта ҳам ажини йўқ. Сочларига ҳалигача оқ ораламаган. Ойти эллик бир ёшда бўлса, у, демак, эллик тўртга бўлади. Ҳали зуваласи пишиқ. Қизларига совчи келса, янглишиб, Сангчани қизлардан биттаси бўлса керак, деб гапга солиб кўришади.

Жалол полвон, ё алҳазар, деб юборганини билмай қолди.

— Бухоронинг тагида олтин бор. Мана шу ичаётган сувимиз ҳам тилло қумлар орасидан ўтиб келаётган бўлса ажаб эмас, — деди қўлтиқтаёқда судралиб келаётган бемор. — Пошшою амирлар ҳам аҳмоқ эмас. Тилло пиёлада шароб ичишган. Тилло меъдани тозалайди. Одамлар бекорга тилло тиш қўймайди. Қайнотамнинг дадаси заргар эди. Йилига бир марта битта бухор тангани эговлаб кукунини кап отарди. Ана шу одам бир юз етти ёшда оламдан ўтган.

Кечқурун Сангча Амонова дори ичиргани кирганда полвон унга разм солиб қаради. Унинг жилмайишга мойил бўлиб турган маъсум лаблари, куюқ киприкларари қуршовида қолган мастона кўзлари, ҳали пардоз кўрмаган юзлари қарамаганни ҳам ўзига қаратади. Жалол полвон етмиш ёшли чол бўлатуриб унга беҳаёларча қараб турганидан уялиб кетди. Тангрим, ўзинг кечир, тавба қилдим, деб истиғфор келтирганини ўзи ҳам билмай қолди.

Сангча чиқиб кетар экан, билиб қўйинглар, болакайларим, телевизорни ровна ўнда ўчириб кетаман, деди.

— Ундай қилма, болам. Бугун соат ўну ўнда Марям билан Гулбаҳорнинг концерти бўлади. Марям «Курбон ўлам»ни, Гулбаҳор «Барно йигит»ни айтади. Ўчирма, жон болам, — деб ёлборишди чоллар.

— Бўпти, — деди Сангча раҳми келиб. — Меҳмон, — деди у Жалол полвонга. — Сиз фамил чой ичмай туринг. Кўк чой буйракни ювади. Ҳозир айтаман, ҳаммангларга бир чойнакдан кўк чой келтирадилар.

Бир оздан кейин патнисда чойнакпўш кийдирилган тўртта чойнак келтириб, стол устига қўйиб кетишди.

Ияги силкинадиган бемор анчагина гапдон экан.

— Меҳмон, биз сизнинг исми шарифингизни билмаймиз, сиз бизникини билмайсиз. Келинг, яхшилаб танишиб олайлик. Менинг исмим Ҳамро Очил. Мана шу жойдаги колхозга раис эдим. Шу санаторияга ерни мен ўзим ўлчаб берганман. Манави лангнинг, яъний чўлоқнинг оти Ихтиёр Камол, қоракўл совхозига директор бўлган. Анаву соқовнинг оти...

— Соқов дема, дудуқ де.

— Хўп, бўпти. Унинг оти Зулфиқор, фомиласи... — айтаверайми, деб унга қаради. Зулфиқор менга бари бир дегандек қўл силтаб қўйди. — Унинг фомиласи Гадоев. Пахта заводига директор бўлган. Ана энди сиз ўзингизнинг исми-шарифингизни айтинг.

— Мен унақа машҳур одам эмасман, пўристой бир полвонман, холос. Полвон ака, десанглар бўлади.

Орага жимлик чўкди. Ҳар ким ўз чойнагидан чой қўйиб қайтара бошлади.

— Чойни бир қайтарсанг чой бўлади, икки қайтарсанг мой бўлади. Уч қайтарсанг, гижинглаган той бўлади, — деди Зулфиқор Гадоев.

Жалол полвон, яна Кўчқор тўғрисида гапириб қолишмасин, деб, асли камгап одам бўлишига қарамай, узундан-узоқ гап бошлади:

— Эллик беш йилдан бери кураш тушаман. Манаман деган зўр полвонлар билан беллашганман. Худонинг меҳрибонлигидан ўргилай, умримда енгилиш нималигини билмай ўтдим. То ўлгунимча шундоқ кетаман, деб ўйлагандим. Аммо бир ёш боладан йиқилиб, шармандаи шармисор бўлдим. Касалим ҳам шундан. Бола ниҳоятда кучга тўлган, абжир, кураш ҳадисини олган паҳлавон экан. Урди, мени чалпак қилиб ерга урди. Белбоғимни тирсагига ўраб қисганда белим чўрт узилиб кетадиёв, деб ўйладим. Белбоғим худди сим арқон бўлиб суяк-суякларимгача қисарди. Куймичим билан ерга зарб билан тушдим. Ичак-чавоқларим аралаш-қуралаш бўлиб кетди, деб ўйладим. Даврадан оғриқ азобида, юрт кўзига қараёлмай, шармандаи шармисор бўлиб чиқиб кетдим. Дўхтирлар буйрагингиз жойидан кўзгалибди, дейишди. Мана энди, қариганимда дардга чалиниб ўтирибман.

Беморлар унинг бу гапларини қулоқ қоқмай тинглашарди.

— Ҳар бир одамнинг ичида дард бор. Э, нимасини айтасиз, биравники ошкора, биравники пинҳона. Мана, бизди олсак...

Ҳамро Очил Зулфиқоровнинг гапини бўлди:

— Яна анаву ифлос, итдан тарқаган Кўчқор Жалол тўғрисида гап бошламоқчимисан, гадойнинг боласи? Кўй, ўшанинг ҳаром отини оғзингга олма.

Полвон бир қизарди, бир бўзарди. Ноилож чидади. У шунча, узундан-узоқ гапириб, уларни чалғитмоқчи бўлганди. Бари бир гап айланиб, яна ўғлига келиб тўхтади...

— Эртага бизникига нонушта қилсак. Уйим яқин, шу ердан кўриниб туради. Бир яйраб сарёғли ширчай-хўрлик қилсак. Тандирдан янги узилган, ушлаган қўлни куйдирадиган мойли патирни ширчайга тўғраб еган одам прама жаннатга тушади. Нима дейсизлар, жўралар?

— Билмадим, — деди полвон. — Бу ернинг қоидасини унчалик билмайман. Дўхтирлар кўнишармикан?

— Билдирмаймиз-да. Улар то ишга келгунча биз нонушта қилиб бўламиз. Ширчай сахар пайтига ичилади. Тушундингизми, жўра?

Полвон, яна гап Кўчқордан бошланмасин, деб дарров, хўп, деди.

Ҳамро Очилнинг ҳовлиси катта, иморатлари ҳам раисчасига қурилган. Хоналари кенг, шифти баланд. Қандайдир патнисларга қараб чизилган гул, тарвуз, қушларнинг сувратлари билан бежалган эди. Хона жиҳозлари ночор эди. Биров ҳавас қилса бўладиган гиламу жавонлар йўқ. Бир китоб жавонида беш-ўнта пахта гулли пиёла билан тўртта чойнак бор эди.

Полвон кўп раисларнинг уйларида бўлган. Уларникида қимматбаҳо мебеллар, деворларда ҳам, оёқ остида ҳам эрону туркман гиламлари, япон, хитой, немис чиннилари токчаларда, жавонларда чақнаб кўзни оларди. Жалол полвон Ҳамро раиснинг завқи пастроқ экан, деган ўйга борди. Ё бўлмаса кўп қиз узатгану ҳар тўйда қизлар уйни бўшатиб кетаверган, деб дилидан ўтказиб қўйди.

Ҳамро Очил унинг кўнглидан ўтаётган гапларни сезди.

— Ажабланияпсиз-а, Полвон ако? Бу уйдаги қимматбаҳо буюмлар музейларда ҳам топилмасди. Бебаҳо чинниларнинг кўплигидан, йўталсанг чинни овози ярим соат жаранглаб хонада айланиб юрарди. Мен қамалганимда болаларим бир чеккадан сотиб ўша онангни... Кўчқорга обориб беришипти, на гилам қопти, на чинни асбоб.

Полвон ҳеч бўлмаса шу ерда Кўчқорнинг номи тилга олинмас, деб ўйлаган эди. Йўқ, бўлмади.

Дастурхонга ажойиб неъматлар тортилган эди. Катта-кўрғоннинг ушласа уқаланиб кетадиган пашмагидан

тортиб, Бухоронинг машхур ёғли ҳолвасигача, ҳар бири «Жигули»нинг гилдирагидек ёғли патирлар...

Ҳовлида ҳеч ким йўқ.

— Келинлар, қизлар саҳарлаб бу таомларни тайёрлаб бирлари ишга, бирлари ўқишга кетишган.

Ёши олтмишларга бориб қолган озғин бир хотин патнисда тўрт чинни ширчай кўтариб кирди. Ҳамро Очил туриб, патнисдаги чинниларни олиб дастурхонга қўйди. Шунда Жалол полвоннинг кўзи хотиннинг бармоғига тушди. Унинг ўнг кўлидаги ўрта бармоғи худди ипга осиб қўйгандек саланглаб турарди.

— Қани, ширчай совумасин. Патир қайноқлигида тўғранлар, мазаси бошқача бўлади. Мурч сепсакку, мазаси янаям бошқача бўлади-я, аммо буйракка аччиқ нарса тўғри келмайди-да.

Меҳмонлар ниҳоятда тотли ширчай билан овора бўлиб, ҳеч биридан садо чиқмади. Ҳамро Очил жимликни бузди:

— Полвон ака, хотинимнинг бармоғини кўриб ҳайрон бўлдингиз-а? Бу ўша падарлаънат Кўчқор терговчининг иши. Мен уйланганимда онам раҳматли бармоқларидаги узукни чиқариб, келинга, болам, бу узукни катта бувим таққанлар, у кишидан кейин мен таққанман, энди сиз тақинг, деб хотинимнинг ўрта бармоғига тақиб қўйган эдилар. Узукнинг иккита мошдек олмос кўзи бор эди. У пайтда хотиним озғин, бармоқлари ҳам қаламдек ингичка эди. Икки бола туққандан кейин эт қўйиб, семириб кетди. Бармоқлари ҳам йўғонлашиб қолди. У шу узукни қирқ йилдан ортиқ тақди. Аммо қўлдан қўймади. Тўнғичимни уйлантирганимизда, хотиним келиннинг бармоғига шу узукни тақиб қўймоқчи бўлди. У анча уринди, бармоғидан чиқаролмади. Узук гўштдор бармоғи териси орасида қолиб кетибди. Келинга Бухородан бошқа узук опкелиб бергандим. Мен қамалганимдан кейин ҳам аблаҳ

Кўчқор терговчи уйни обис қипти. Келинларимнинг, қизларимнинг ҳамма тақинчоқларини опти. Хотинимнинг бармоғидаги узукка кўзи тушиб, шунча уринибдики, чиқаза олмапти. Охири узукни омбур билан қисиб, бор кучи билан тортибди. Узук бармоқнинг терисини, гўштлиларини сидириб чиқибди. Бармоқ бўғинлари узилиб кетибди. Ҳозир кўрдингиз-ку, битта бармоғида жон йўқ, тўртта бармоқ орасида латтага ўхшаб осилиб қолган. Кир юволмайди, хамир қоролмайди, игна ушласа, жони йўқ бармоқ халақит беради.

Гап нимадан бошланса, охири Кўчқор билан тугарди. Жалол полвон Бухорога келганига пушаймонлар еди. Минг ўлиб, минг тирилди.

— Шу десангиз, — дея гапини давом эттирди Ҳамро Очил. — Эрта-индин пенсияга чиқсам, колхоз машинасини топширишим керак бўлади. Ҳар қалай ўттиз-қирқ йил машинада юрган одам пиёда қолмай, деб кенжамга битта «Волга» олиб бердим. Номер олдик. Правоси йўқ бола миниб-нетиб юрмасин, деб калитини хотинимга бериб қўйдим. Аблаҳ Кўчқор ҳали мойи артилмаган яп-янги машинани ҳам олиб кетибди. Илоё буюрмасин, илоё аварияга учраб, ўлиги хор бўлсин! Ота-онаси тобути кетида фарёд уриб қолсин...

Жалол полвон дод деворай деди. Бирдан, кутилмаганда юрагига санчиқ кирди. Томири тўхтаб-тўхтаб ура бошлади. Ҳамро Очилдан, юрак дориси борми, деб зўрға сўраёлди. Раис: «Ҳозир, ҳозир» деганича, югуриб чиқиб кетди. Бир оздан кейин дори солинган қутичани кўтариб кирди.

— Хотинимнинг ҳам юраги хуруж қилиб туради. Манавуни тилингизнинг тагига ташлаб олинг, ҳозир ўтиб кетади. — У шундай деб полвонга валидол таблеткасини узатди.

— Чайнаманг, ўзи эриб кетсин, — деди Зулфиқор Гадоев.

Жалол полвон юрак оғриғи қандоқ бўлишини энди билди.

— Доктор чақирайликми? — деди Ихтиёр Камол.

— Йўқ, йўқ, ҳожати йўқ, ҳозир ўтиб кетади, — деди аранг ўзини тутиб полвон...

Полвонни палатага опкириб, ўрнига ётқизиб қўйишди. Сангчахон унинг қон босимини ўлчаб, лабини тишлади.

— Сизга нима бўлди, кўзичоғим? Бирон нимадан диққат бўлдинизми?

Полвон бошини сарак-сарак қилди. Истат Фузайловна Сангча ваҳима қиляпти, деб бошқатдан қон босимини ўлчади.

Полвонни доктор кўраётганда бошқалар ташқарига чиқиб туришган эди.

— Бу одамнинг ичи тўла дард. Сиз билан биздан кўра аламли кунларни кўрганга ўхшайди. Оғир, босиқ одам экан, ёрилиб дардини айтмаяпти.

— Сизга ҳаяжонланиш мумкин эмас. Кўрган яхши кунларингизни эсланг, — деди Истат Фузайловна.

— Дўхтир опа, энди менга жавоб берақолинг. Худога шукр, буйрагим дуруст бўлиб қолди. Юракни Тошкентда даволатсам ҳам бўлади.

Ойти бошини сарак-сарак қилди:

— Буйрак билан ҳазиллашманг. Ҳали тузалгани йўқ. Биласизми, буйрагингиз жойидан силжиган. То тузалмагунигизча кетишни ўйламанг.

Полвон яна бирон ой туришга ҳам рози эди. Аммо шерикларининг гаплари унинг жон-жонидан ўтиб кетяпти. Эрталаб турибоқ бисмиллосига Кўчқорни падарлаънат, деб сўкишади. Кечқурун ётишда ҳам яна ўша гап. Бу гапларга қандоқ чидайди? Ўша аблаҳнинг падари менман, сиз оғизга олиб бўлмайдиган уят гаплар билан сўкаётган онаси менинг хотиним, деб айтолмасди.

— Зулфиқор Гадоев бундан икки ой олдин неварасини куёвга чиқазган эди. Эртага куда чақириқ қилишяпти. Албатта боринг. Кўпни кўриб дилингиз ёришади. Яна ўн марта томирингизга гимодез юборсак, кўрмагандек бўлиб кетасиз. Энди аравачадан тушинг. Пиёда юринг. Аммо оёқни ерга зарб билан ташламанг. Сувда сузгандек, белга оғир келмайдиган қилиб юринг.

Полвон лом-лим деёлмай қолди. Тани бошқа дард билмас экан. Агар эшитаётган юзлаб ҳақоратларининг биттасини у эшитганда эди, ҳовли ўртасида сочини ёзиб дод дерди. Билмайди-да. Буни полвоннинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Энди буёғига Полвон, кўзим кўр, қулоғим қар, деб яшашга мажбур. Қийин, жуда қийин бундоқ қилиш. На илож!

Эрталаб нонуштадан чиқиб, бир стакандан булоқ суви ичиб, кундалик насиба — укол еб, шийпончада ўтиришган эди, Зулфиқорнинг ўғли келиб машинада олиб кетди.

Ойтимулло кўпни кўриб дилингиз ёришади, деганди. Қаёқда, меҳмонлар учун дастурхон тайёрланган хонага қадам босишлари билан полвонни электр токи ургандек бўлди. Кўзлари тиниб, боши айланди.

Девордаги қип-қизил чўғдек эрон гилами ўртасига илиб қўйилган заррин рамкада ниҳоятда кўҳлик аёл кишининг катталаштирилган фотосувратини кўргандаёқ Полвоннинг ранги ўчди. Сувратдаги аёлнинг қулоғида келини Гуландом тақиб юрган зиракни кўрди. Полвон Гуландомнинг қулоғидан олиб, салмоқлаб кўриб, азадор хотинсан, олиб қўй, деган эди ўшанда.

— Бу кимнинг суврати? — деб сўради полвон Ихтиёр Камолдан.

Ихтиёр қўлтиқтаёғини деворга суяб, стул томон интилар экан, мувозанатини йўқотиб, ёнбошга оға

бошлади. Полвон ушлаб қолмаганда, йиқилиши аниқ эди.

— Ҳозир сўраманг, полвон ака, кейин айтаман, бу аёл ўзига ўт қўйган.

Кўчадан қўш машинанинг кетма-кет сигнали эшитилди. Болаларнинг бақирӣқ-чақирӣқлари бошланди. Бундай пайтларда болаларга худо беради. Қуда тараф албатта болаларга турли совғалар олиб келишади. Бирига жевачка, бирига шоколад, бирига сувотар тўппонча тарқатадилар.

Аввал аёл қудалар ҳовлига киришди. Зулфиқорнинг хотини уларнинг оёғи тагига оқ сурп пойандоз ёзди. Келинлик либосида ял-ял ёниб кирган неварасини бағрига босиб, кўзёш қилиб олди. Зулфиқор эркак қудаларга ҳам худди шунақа оқ сурп пойандоз тўшади. У, олдига келиб бош эгиб турган невараси Бахшанда келинчакнинг пешонасидан ўпиб: «Бахтли бўл, болам, борган жойингда палак отиб, ували-жували бўл, — деб елкасини силаб қўйди. — Энди даданг билан кўриш».

Бахшанда ўрик тагида ўпкаси тўлиб, ҳиқиллаб турган дадаси олдига борди. Дадаси қирқ беш ёшлардаги жиккак, кўзлари чақнаб турган чиройли киши эди. Бахшанда юзидан тўр пардани олиб, дадасининг бўйнига осилди. Болалик пайтларидагидек, худди биров ота бағридан тортиб олмоқчи бўлаётгандек ёпишиб олганди.

— Онанг раҳматли кўрмади бу кунларни, — деди у боласининг бошларини, елкаларини силаб.

У ўзини тутишга уринарди. Аммо иродасидан ҳаяжони зўрлик қилди. Йиғлаб юборди.

Кузатиб турганлар ҳам қаттиқ ҳаяжонда эдилар. Охири бувиси келиб, Бахшандани отаси бағридан, бўлди, бўлди, духтарим, бас энди, дея олиб кетди.

Аёлларни ҳовли этагидаги хонага, эркакларни кираверишдаги меҳмонхонага олиб киришди. Дастур-

хонга қуюқ-суюқ тортилди. Зулфиқорнинг кенжа ўғли хокандозда исириқ тутатиб чиқиб кетди. Ўтирганлар баҳоли қудрат бири юз сўмлик, бири эллик сўмлик узатдилар. Удум шунақа, исириқ тутатган одамга албатта пул бериш керак.

Зулфиқор қудаларига полвонни таништирди.

— Ихтиёрни ҳам, Ҳамрони ҳам танийсизлар. Полвон ака биз билан санаторияда бирга даволаняптилар. У киши кўп яхши одам. Босиқ, мулоҳазали, андишали.

Полвон ичидан зил кетди. У ўйларди, шу андишали, шу мулоҳазали одамнинг фарзанди бу оилага чексиз жафолар қилган. Қаршингизда ўтирган шу андишали одам — одам эмас, бўрининг, шоқолнинг отаси...

Ҳали бир-бири билан танишиб улгурмаган одамлар одатда у ёқдан-бу ёқдан гапириб, охири суҳбат мавзуини топиб оладилар.

Айний театрига Обид қизиқ билан Мирза қизиқ келганини, роса қизиқ хангомалар айтиб одамларни қулдирганини, Баҳовуддин пирим зиёратидан қайтаётган Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов Лабиҳовузга чой ичгани келишганини, одамлар ўраб олганини, Девонбеги мадрасасининг гумбазигача одам тўлиб кетганини, икки соатдан ортиқ шеър ўқишганини гапиришарди.

Бу бўлаётган гаплар полвоннинг қулоғига кирмас, икки кўзи девордаги сувратга қадалган. Назарида сувратдаги аёлнинг қулоғидаги зирак қимирлаётганга ўхшайверди. Ихтиёр Камол меҳмонларга мулозамат қилиб, кириб-чиқиб турган Зулфиқорнинг қулоғига нимадир деди. У бош ирғаб, хўп, деб чиқиб кетдида, билагига иккита тўн ташлаб кирди.

— Қудажонлар, бу меҳмонларимизни, — у полвон билан Ихтиёр Камолга ишора қилди, — дўхтирлардан қарзга олиб келганмиз. Кетишмаса бўлмайди. Полвон

аканинг томирларига дори юборадиган пайт бўлди. Нима дейсизлар? Жавоб берайлиг-а...

Зулфиқор полвон билан Ихтиёрнинг елкасига тўн ташлади.

Улар икковлашиб машинада қайтишар экан, Зулфиқорнинг уйидаги аёлларнинг пазандалигига тасаннолар айтишарди.

— Дўстим, — деди полвон, палатага киришгач, — ўзига ўт қўйган аёл тўғрисида кейин айтаман, деган эдингиз. Айтинг, нима бўлган?

— Хунук иш бўлган, жўражон, жуда хунук, анаву ярамас, ит эмган Кўчқор Зулфиқорни қамаб, кўп азоблар берди. Зулфиқор ҳам анойи одамлардан эмас. Хоннинг саройидек уйни қуришга гиштни қайдан олдинг, тахтани қайдан олдинг, деб қийин-қистовга тутаверди. Зулфиқор иморат учун нимаики олган бўлса, ҳаммасига гишт заводидан, тахта искалатидан, семону тунукаларгача қвитансия олиб қўйган эди. Бундан иш чиқазолмаган терговчи, қанча пахта сотиб олгансан, қанча сотгансан, деб қийнайверади. Пахта заводини уч марта ревизия қиладилар, пичоққа илинадиган бирон ишкал тополмайдилар. Тиллангни, бойлигингни қаерга яширгансан, деб яна дўппослайдилар. Зулфиқор менда бунақа нарсалар йўқ, деб азобларга чидаб беради. Бу орада бир ярим йилга яқин вақт ўтиб кетади. Охири Зулфиқорнинг хотини билан келинини қамаб тергов қиладилар. Гулоян Кўчқор тайёрлаган ҳужжатларни кўриб, бўлмайди, дейди. «Уни шундоқ қўйиб юборсак гап тегади. Ҳужжатларни икки йилга кесиш мумкин бўладиган қилиб тайёрла. Хотини билан келинини шу бугун қўйиб юбор», деб ўзи Қарши томонга ўтиб кетади.

— Кўчқор Жалолов ўша куни Зулфиқорнинг хотинини қўйиб юборади. Унинг ёлғиз қолган келини олдига тун ярмида киради. Қўлларини қайириб, уни

зўрлайди. Қулоғидаги зирагини олиб, тонгга яқин чиқариб юборади. Телба бўлиб қолган жувон ҳали осмон оқармай туриб уйга келади. Ҳолдан тойган қайнонаси ухлаб ётарди. Ҳали уйғонмаган қизи Бахшанданинг тепасига келиб узоқ қараб туради. Ҳаром вужуди билан унга яқин келолмайди. Ош-хонага кириб, керосин тўла тунука банкани кўтариб чиқадию бошидан қуяди. Гугурт чақиб юборади.

Том бўйи бўлиб ёнаётган олов ҳовлининг у бошидан-бу бошига югурар, шу олов ичидан аёл кишининг бўғиқ овози эшитиларди. Уйғониб кетганлар унга яқин боролмасдилар. Челаклаб сув сепсалар ҳам ўт ўчмасди.

Зулфиқорни турманинг ичида суд қилиб икки йил берадилар. Икки йиллик муддатни ўтаб бўлди, деб чиқариб юбордилар. У қамоқдан чиққанда келиннинг қирқи ўтиб бўлганди.

Ихтиёр Камол столдаги аллақачон совуб қолган чойни симириб, инсоннинг боши тошдан экан, жўра, деб ўтирган ерида қўлтиқтаёғига кўксини тиради. Ташқаридан одамларнинг овози эшитила бошлади. Бир оздан кейин томирга дори томизадиган мослама кўтариб Сангча кирди.

— Бугун вақтида укол олмадинглар, жужуқларим, гимодез томизиш ҳам кечикиб кетди.

Сангча полвонга фақат қувноқликка яратилган бир малак бўлиб кўринади. Ер юзи шунақа нурли одамлар билан мунаввар, деб ўйларди у. Худо жами гўзалларни одамларни маҳлиё қилиш учун, инсонлар кўнглидан бадбинликларни қувиб, вужуд-вужудини эзгуликка чулғаб, яхшилиқларга чорлаш учун яратгандек эди?

Полвон салкам икки соат билагида игна билан бир литрли шишадаги гимодез суюқликнинг охириги томчиси қолгунча қимирламай ётди. Кўзини уйқу

босди. Ҳамшира қуймичига укол қилгандагина уй-ғонди. Ҳали офтоб ўчмаган. Беморлар кечки салқинда хиёбонларда сайр қилиб юрардилар. Ихтиёр Камол ҳамон қўлтиқтаёғини иягига тираб қимирламай ўтирипти. Полвоннинг уйғонганини сезгач, ташқарига чиқмайсизми, дея ўрнидан тура бошлади. Полвон ҳам турди. Икковлашиб ҳовлига чиқишди. Булоқдан бир пиёладан сув ичиб, ўзлари ўрганган шийпонга чиқиб ўтиришди.

— Уч кундан кейин муддатим тугайди. Кетсам, сиз зеркиб қолмасмикансиз, деб ўйлайман, — деди Ихтиёр Камол.

— Мен ҳам кетсам керак, — деди полвон.

Аслини олганда, бу меҳрибон, қайғунгга қайғулош одамга полвоннинг меҳри тушиб қолганди. Фақат, фақат Кўчқордан гап бошламаса бўлгани. Бари бир бўлмади. Кўчқорнинг номи аралашмаган суҳбат суҳбат ўрнига ўтмай қолди.

— Оёғингизга нима қилди, деб сўрамадингиз, ўзим айтай. Терговчи Кўчқор Жалол мени қамоққа олган куниёқ, олтинларингни, бойликларингни қаерга яширгансан, деб кечасию кундузи ухлатмай сўроқ қилди. Менда бунақа нарсалар йўқ, десам, ишонмайди. Уради, тепади, қўлларимни қайиради. Мен бир чорвадор одам бўлсам, менда тилло нима қилади, дейман, қани ишонса! Икки барзанги ерга ётқизиб, қўл-оёғимни босиб турди, яна бири стулга чиқиб, икки тиззамнинг кўзига сакраб тушди. Оғриқ азобидан ҳушимдан кетиб қопман. Тиззаларимнинг ошиқ-мошиғи жойидан кўзгаб қопти. Докторлар гипсга солишди, бўлмади. Охири ромитанлик мош табибни чақириб келишди. Қўли енгил экан, ошиқ-мошиқни жойига солди. Оғриқ қолгандек бўлди. Лекин тиззаларимдан пастида жон йўқдек. Шушу, қўлтиқтаёққа осилиб, судралиб юрибман. Кўчқор Жалол ҳароми, ғарнинг боласи битта гапни билади.

Олтин, олтин қани? Яширган жойингни айт. Айтмасанг, қўлларингни ҳам синдираман, дейди. Бўлмади. Болаларимни, куёвимни чақиртирдим. Уларни чўлдан зудлик билан олиб келишди. Кенжам аҳволимни кўриб додлаб юборди. Икки тарсакидан кейин болам шўрлик жим бўлиб қолди. Уларнинг ҳаммаси чўпон. Совхоз қўйларини боқишади. Ҳар бирининг хусусий икки-уч юздан қўйи бор. Бунга ҳукумат рухсат берган. Терисини, жунини, гўштини давлатга сотишади. Бундан ташқари, план устига қўшимча маҳсулот бергани учун яхшигина мукофот пули ҳам олишади. «Болаларим, қўйларингни битта қолдирмай сотинглар. Пулини манавуларга келтириб беринглар», дедим. Болаларим ота сўзидан чиқмайдиган қобил болалар эди. Хўп, деб чиқиб кетишди. Совхоз қўй сотиб олмайди. Олганда ҳам пулини бир йил судраб, чала-ярим қилиб, каттагина солиқ солиб, баракасини кетказиб кейин беради. Мингга яқин қўйни бозорга чиқариб бўлмаса! Болаларим нима қилишларини билмай, икки мотоциклда чўлдаги чўпонлар олдига боришади. Совхознинг Қизилқумда бир юз қирқ минг қўйи боқилади. Икки юздан ортиқ чўпон қишин-ёзин саратонни саратон демай, чиллани чилла демай, офтоб тигида куйиб, чўл бўйлаб қўй ҳайдашади. Норменгли деган чўпон уларга бошчилик қилади. У асли Сурхондарёнинг Шеробод туманидан. Ёшлигида Шофирконга келиб қолган. Норменгли ҳалол, покиза одам, чорвачилик унга отакасб бўлган. Болаларим ўша Норменглининг олдига бориб, ниятларини айтадилар. Норменгли бошини қашлаб узоқ ўтиради. Ерга кўзини қадаганча тинмай сигарета чекади. Ярим соатча шу алпозда ўтириб, ўрнидан туради, у ёқ-бу ёққа юради. У ниҳоятда асабий, ҳозир биров билан муштлашмоқчидек муштларини тугади. Норменгли кейинги пайтларда уйқусизлик касалига мубтало бўлганди. Ана олиб кетади, мана олиб кетади, деб ўтов олдига чиқар, олисда тўзон кўтарилса,

то етиб келгунча ўзини қўярга жой тополмасди. Машинада ё зоотехник, ё ветврач келганини кўргандан кейин кўнгли жойига тушарди. Норменглининг туман марказига бормаганига ҳам уч ойдан ошди. Гулоян айғоқчиларининг кўзи тушса уни ҳам рўйхатга тиркаб қўйишларини билади. Яхшиси, ёмон кўзлардан йироқроқ юрай, деб чўл кезгани-кезган эди.

Норменгли бир қарорга келди шекилли, жойига ўтириб: «Кетаверинглар, — дейди у, — ҳамманг ўз отарингга бор. Эрталаб олдиларингга одам боради». Эрталаб Норменглининг ўғли тўнғичимникига мотоцикл кажавасида бир қоп сабзи-пиёз, картошка ташлаб кетади. Кетар чоғида келинимга пиёз тагида пул бор, ҳаммасини терговчига берманглар, эллик минги ўзларингда қолсин, ҳали сизларга пул кўп керак бўлади, деб жўнаб кетади.

Ўғлим Кўчқор Жалолга пулни олиб борганда у бола бечорага бақриб беради.

— Мен сенларга пул деганим йўқ. Тилла танга олиб кел, деб айтганман, тушундингми? — дейди.

— Бизда бунақа нарса йўқ. Умримда бир донасини ҳам ушлаб кўрмаганман.

Кўчқор тажанг бўлади.

— Бундай қиласан. Ҳозироқ Бухорога бориб, катта бозордан Ашот деган армани кабобпазни топасан. Мени Кўчқор Жалол юборди, деб қўлига пулларни берасан. Ҳушёр бўл, олдида одам йўқ пайтида у билан гаплаш. Нима қилишни унинг ўзи билади, — деб тушунтиради.

Нафсингга ўт тушкур Кўчқор Жалол юзта бухор тангани олгандан кейин, «Айби исботланмади», деб мени қўйиб юборади.

Уйни тинтув қилганда олиб кетган битта қўл соат билан Парижда мукофотга беришган олтин медалимни қайтиб бермади. Уни «антиқа» тери учуң олгандим. Танлов ҳаками билагимга ҳар ўн беш дақиқада куй

чаладиган швейцар соатини тақиб қўйганди. Афсус, жуда қимматли эсдалик эди. Ҳай, жанозасига бурсин...

Чиққанимнинг эртаси кеч қоронғида Норменгли келди. Қўйлардан биронтасини ҳам соттирмаганини, пулларни чўпонлар тўплаб берганини айтди. Бунақа одамгарчиликдан кўзларим ёшга тўлди. Ўзимни тутолмай, ҳиқиллаб йиғлаб юбордим. Ифлос Кўчқор шунча азоб берганда ҳам мижжамга ёш келмаганди. Чўпонларнинг одамгарчилигидан таъсирланиб кетибман...

Кечкурун палатада улфати чор бўлиб, чой ичиб ўтиришарди. Телевизор биринчи ўзбек космонавти Шариповнинг хонадонини кўрсата бошлади. Қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари, ёр-биродарлари Шариповнинг ота-оналарини табриклашяпти. Ҳовлига одам тўлган. Ҳамманинг қўлида гул.

Чой хўплаётган Ҳамро Очил, қандай бахтли оила бу! деб юборганини билмай қолди.

— Отасига раҳмат! — деди Ихтиёр.

— Шундоқ фарзанд ўстирган онасига минг-минг раҳмат-е! — деб юборди Зулфиқор.

Фақат Жалол полвоннинг тилига гап келмасди.

Ҳамро Очилнинг файласуфлиги тутиб кетди.

— Биласизми, инсон нима учун фарзанд ўстиради. Меҳнат қилиб, топиб келган ош-нони учунгина эмас, ўлганинда гўрингга қўядиган мрамар тоши учунгина эмас, эл-юртдан олиб келадиган отанга раҳмат, деган биргина сўзни эшитиш учун ўстиради. Отанга лаънат, падарингга лаънат, деган сўз олиб келадиган фарзанднинг юзини худо тескари қилсин!

Мана шу суҳбат асносида Жалол полвон минг ўлиб, минг тирилди. Ўзидан ўтганини ўзи билади. Мум тишлагандек, тилини ютиб юборгандек забун эди у.

— Мана, масалан, аблаҳ Қўчқор Жалолнинг отасига ҳеч ким раҳмат, дермикан? Қани, айтинглари? Нима дейсиз, полвон ака?

Жалол полвон нималардир деб ғудранди. Нима деганига ҳеч ким тушунмади. Унинг ранги оқариб кетган, қошлари ўртасига тугунчак тушиб, бир нуқтага тикилганча телбанамо алпозда ўтирарди.

— Йўқ, — деди Ихтиёр Камол. — Ҳеч ким раҳмат демайди. Шундай ифлос бола ўстирган сендек отага минг, миллион марта лаънатлар ёғилсин, дейди.

Жалол полвон ҳолсизланиб ўрнидан турди, маст одамдек чайқала-чайқала ҳовлига чиқиб кетди.

— Бечоранинг яна қон босими ошиб кетди шекилли, — деди Зулфиқор. — Ё юраги хуруж қилдимикин? У шундай деб чўнтагини кавлаб, валидол қидира бошлади.

Жалол полвон кечаси ухлаёлмади. У ёнбошидан, бу ёнбошига ағдарилаверганидан каровот гичирлаб, шерикларини ухлатмади. Охири ўрнидан туриб, шиппагини кийдию ташқарига чиқиб, ҳар гал ором оладиган шийпонда ўтириб ўй-ўйлаб кетди.

Кеча сокин. Тиқ этган товуш йўқ, ой ҳам синдирилган патирдек яримтагина бўлиб қолган. Полвоннинг ҳолига кулгандек яқингинада бақа қуриллайди. Кетма-кет, чўзиб-чўзиб қуриллайди.

Полвоннинг ичида нимадир ёнаётганди. Ичидаги олов чиқиб кетишга йўл излаётганга ўхшарди. Охири бир хўрсинганида бўғзини куйдирди-ю, ташқарига чиқиб кетди. Одамнинг жони ҳам шунақа чиқиб кетармикин? Йўғ-е, ундаймасдир. Полвон жилмайиб туриб жон берганларни кўрган.

— Э, аттанг. Эсиз умр, эсизгина умр-а! Худо мени одамларнинг лаънاتини эшитиш учун яратган бўлса иложим қанча! — деди у афсус-надоматлар билан. Полвоннинг даволаниш муддати тугади. Уни кузатгани

аэропортга чиқишди. Полвон самолёт трапига оёқ қўя туриб, кутинглар, бир ҳафтага қолмай келаман, деб такрорлади.

Самолёт ҳавога кўтарилганда полвон бирдан енгил тортди. Бадбахт ўғли туфайли ёғилган қарғишлар, ундан азоб чеккан аламзада одамлар ерда қолди.

Қишлоқ ўша-ўша, одамлар ўз ташвишлари билан овора. Чолларга ҳар куни бўлмаса ҳам кунора наҳорга ош бўлиб турибди. Биров қиз узатаяпти, биров ўғил уйлаяпти. Яна биров оламдан ўтган отаси ё онасига йигирма оши беряпти.

Фақат Нурим сартарош бу ошларга боролмайди. Одамлардан юзи шувит. У дўконини ҳам очмай қўйган. Қулоғига бир хунук гап кирди-ю дўконга қулф солди. «Нурим ўша одам овчиси Собитнинг отаси-да, боласидан ўтиб қаёққа борарди. Бўйнингга лунги бойлаб, кекиртагингга устара тортиб юбориши ҳеч гап эмас. Ҳукумат йўли билан бошқа сартарошхона очиш керак».

Шу гап қулоғига кирдию Нуримнинг қирқ йиллик касби барҳам топди. Кўчага ҳам чиқмай, томорқасида гимирсиб юради.

Кундуз соат бирларда самолётдан тушган полвон қишлоққа кун ботмай кириб келди.

Нурим сартарош эшиги олдида омборга тикилиб қолган хашакларни олаётган эди. Жалол полвоннинг қораси кўриниши билан ишини ташлаб шошилганича уйига кириб кетди. Унинг полвонга кўринишга бети чидамасди. Ўғлини отиб кетган боласи учун албатта мендан қасос олади, деб ўйларди. Полвон эса унга қараёлмасди. Шу тинчгина оилани хароб қилган ўғли учун Нурим албатта мендан ўч олади, деб ўйларди. Полвон Нуримдан, Нурим полвондан қочиб юрарди. Полвон шу топда, ҳозир Нурим кетмонними, болтаними кўтариб чиқади, менга ташланади, деган ўйда сергакланиб келарди. Нурим эса, Жалол ҳовлимга

бостириб кирадию ҳозиргина хашаги олинган омборга мени икки буклаб тиқади, дея қочиш учун девор наҳрасини мўлжалга олиб, дағ-дағ титраб турарди.

Йўқ, Жалол полвон индамай ўтиб кетди.

У уйига келганда жияни томда кечаги шамол учуриб туширган тарновни жойига ўрнатаётган эди. У тоғасини кўриб, ишини шоша-пиша битказди-ю, томга энгашган тут шохига осилиб пастга тушди.

— Келдингизми, тоға? Аҳволингиз дурустми?

— Шукур-шукур, — деди полвон айвон даҳанига ўтирар экан. — Битта чой қўйиб бер. Бухоронинг таъмсиз сувини ичавериб тинкам қуриди.

Жияни газга чойгум қўйиб чиқди.

— Жиян, — деди полвон. — Шу машинани юрғизса бўладими, бир кўр-чи.

— Аккумулятори ўлган, уни бир кун токка қўйиш керак.

Кўчқор машина аккумуляторини чиқазиб, сувини тўкиб гараж токчасига қўйган эди.

— Зарур бўлса ҳозироқ устага бериб келаман, эрталабгача тайёр қилиб қўяди.

— Жуда зарур. Бухорога шу машинада кетаман. Устага олиб бор, ўшанақаси акангни ҳам чақириб кел. Гуландом уйда бўлса, айт, тез келсин.

Жияни чой дамлаб чиқди, кейин чанг босган аккумуляторни велосипед орқасига ўрнатиб жўнаб кетди.

Полвоннинг катта жияни автомобиль назорати бошлиғининг ўринбосари эди. Бухорога машинани шу миниб боргани дуруст. Йўлда инспекторлар бўлар-бўлмасга тўхтатмайди.

Полвон новвот сувидек тотимли чойни ҳузур қилиб ичаркан, ўзингга шукур, ўзингга шукур, деб қўйди. Бирпасда чойнакни бўшатди. Пешонасидан терларни сидириб, яктагининг этагига қўлини артиб, ҳовли пастидаги ўтинхонага кириб кетди. Кўмир куқунлари

ўрнашиб, асли ранги қандоқлиги билинмай кетган чамадонни кўтариб чиқди. Супурги билан ўбдон чангини қоқиб, латта билан артди. Чамадон кулфланган эди. Уриниб очолмади. Гаражга кириб, омбир билан катта бир отвертка олиб чиқди.

Шу пайт Гуландом келиб қолди. Қайнотаси билан йиғлаб кўришди. У энди ўзини олдирган, кўзи тағларисида, иягининг пастида майда ажинлар пайдо бўлган. Аввалги шиддати йўқ. Йиғидан ҳўл бўлган киприклари орасида илгари чақнаб турадиган ўт сўнгандек эди. Овози ҳам сўлғин. Шу бир ой ичида сўлиб, эртанги тақдиридан умидини узган афтодаҳол бир алпозда эди. Полвон унга қараб раҳми келди. Бечора...

Полвон уни бағрига босиб, бошларини силади. Юпатмоқчи бўлди. Нима деб юпатади? Уни овутадиган қандоқ сўз бор дунёда? Гуландом эса унинг бағрида ўксиб-ўксиб йиғларди.

— Болам, қандоқ қиламиз, пешонамиз шўр экан. Бахт бизга бетини эмас, кетини кўрсатган бўлса, кимга зорланамиз? Бор, болам, муздек ариқ сувида бетларингни ювиб ол!

Полвон тугунчасидан бир суврат олиб, унга узатди.

— Ия, ота, бу менинг зирагим-ку! — деди ҳайрон бўлиб Гуландом.

— Йўқ, болам, сеники эмас, шу келинчакники. Сен унинг зирагини тақиб юрган эдинг. Эринг аблаҳ уни зўрлаб, кейин қулоғидан чиқариб олган. Бу келинчак ҳозир йўқ. Номуси барбод бўлганига чидамай, ўзига ўт қўйган.

Гуландом сесканиб кетди. Беихтиёр икки қулоғига қўл юборди. Шу топда унинг икки қулоғи ўтда қуяётгандек эди.

Гуландом қайнотаси, «тақма бу зиракни», деганда олиб қўйган эди.

— Ўтир. Энди манаву чамадонни очамиз.

У шундай деб чамадон қулфининг тагига отвертка тиқиб кўчириб олди, қопқоғини очди. Елимхалтага солинган бир зарбоф тўнни халтадан чиқазди. Бухоро зардўзларининг ноёб бу намунаси аслида амир вазирларидан бириники эди. Полвон тўнни наमतга ташлаб, ҳинд чойидан бўшаган ту누ка банкани олди. У жуда оғир эди. Қопқоғини очиб, ичидагиларни дастурхонга тўкди. Бухоро тилла тангалари жаранглаб кетди.

— Биласанми, болам, шу тилла учун эринг совхоз директорининг икки оёғини синдирган.

Полвон бир тўрвани олди. Тугунини ечиб, ичидагиларни тўкади. Улар аёлларнинг турли хил тақинчоқлари эди. Полвон қийшиқ бир узукни қўлига оларкан, овози титраб деди:

— Э худойим-а, бу қандоқ кўргилик! Узукка яхшилаб қара, болам.

Гуландом узукни қўлига олди. Узук негадир доира шаклида эмас, тухумга ўхшаш узунчоқроқ эди.

— Бу узук бир хотиннинг қўлидан омбирда тортиб чиқарилган. Бечора хотиннинг бармоқ бўғинлари ажралиб кетиб, шалвираб қолган. Бармоқ териси шилиниб, гўшти чиқиб қолган. Кўряпсанми, унда омбир излари қолган.

Уюлиб ётган тилла тақинчоқларни титкилаб бир медални олди.

— Бу уйингдаги эринг тақиб юрган соатнинг эгасиники. Ҳали ҳаёт. Бу соат билан медални Францияда мукофотга беришган.

Гуландом сапчиб ўрнидан турдию кўча томонга ўқдек отилиб чиқиб кетди. Полвон тақинчоқларни яна халтага солди. Тилла тақинчоқларни чой қутига битта-битталаб санаб ташлади. Бухор танга роппа-роса 100 дона чиқди. Николайнинг сурати солинган танга бир юз саксонта эди.

Полвон «шу ишлар» билан банд экан, Гуландом келганини сезмай қолди.

— Мана, — деди у, зиракни чамадонга ташлар экан. — Мана соат.

Гуландом югурганда соат механизмлари ишлаб кетган эди. Бир-икки дақиқадан кейин соат шўх бир куйни чалди. Бу соат ўлиб ётган Қўчқорнинг билагиди шу куйни чалиб турганди.

Полвон чамадон тагидан яхшилаб қоғозга ўралган, китобчага ўхшаш қаттиқ бир нарсани олиб очди. Ҳали тахи бузилмаган, банкдан олинган долларлар эди.

Чамадонда булардан ташқари сопига олмос, бриллиант қадалган ханжар, тилло, кумуш қуйма нақшлар қадалган қизил бахмал камар бор эди.

Полвон буюмларни жой-жойига қўйиб, чамадон қопқоғини ёпти.

— Мана, болам, — деди полвон Гуландомга. — Қўйнимизда чаён бор экан. Топган нарсасини инига ташийдиган каламуш бор экан.

Кўча тарафдан машина гуриллагани эшитилди. Бир оздан кейин эшикдан бир милиция майори билан полвоннинг жияни кириб келди. Бу марҳум сингльсининг ўғли Салоҳиддин эди.

У тоғасининг анча ўзига келиб қолганидан севинди. Ҳол-аҳвол сўради.

— Жиян, сендан битта илтимос. Бошлиғингдан икки кунга рухсат сўра. Манаву машинада Бухорога борамиз. Жуда зарур иш бор. Йўқ дема, жиян.

Салоҳиддин чаккасини қашлаб туриб жавоб қилди.

— Бизда йўл ҳаракати ойлиги кетяпти. Майли, бир кунга борай. Бораману яна самолётда орқага қайтаман. Майлими?

— Майли, — деди полвон жиянидан хурсанд бўлиб.

Кичик жияни машинани ювиб, ёғларини текшириб сафарга тайёр қилиб қўйди. Энди эрталаб

битта аккумулятор қўйса бўлди. Бемалол кетаверсалар бўлади.

Полвон эртаси азонда Салоҳиддин билан йўлга чиқди.

Гуландом эшик кесақисига суяниб, мунғайганча машина орқасидан қараб қолди...

Полвон эртасига самолётда қайтиб келди. Унинг чехраси очиқ эди. У: «Умримда бир марта савобли иш қилдим, ҳамма вақт курашда полвонларни йиқитиб ранжитардим. Рақибларим албатта, енгилганлари учун менга раҳмат айтмагандирлар. Шуларнинг уволига қолдим», деб ўйларди.

Полвон қишлоқда бир нохушлик устидан чиқди. Гуландом бир банка керосинни Қўчқорнинг гўрига сепиб ўт қўйиб юборипти. Гўр ловуллаб ёнипти. Тепасидаги дарахтлар ҳам куйиб кетибди. Гуландомнинг ўзи аллақаяққа ғойиб бўпти. Қаёққа кетган, тирикми, ўликми, ҳеч ким билмасди.

Полвон кечқурун самоварга чиқди. Чойхўрлар билан ҳардамхаёл, узук-юлуқ гаплашиб, қишлоқ халқини эрталаб уйига таклиф қилди. «Нима, Полвон ака, юртга ош берасизми?» — деб сўрашганди, «Эрталаб биласизлар», — деди у чойхонадан чиқиб кетаркан.

Қишлоқда ош берилса, оқсоқоллар сабзи тўғрашга киришади. Масжид омборидан идиш-товоқ олишади. Стол-стул, дастурхон деган гаплар бор. Қизиқ-ку, ҳе йўқ, бе йўқ, эрталаб уйга чақиряпти.

Полвон уйга келиб, жиянидан сув иситиб беришни сўради. Ювиниб, тоза кийимларини кийди. Хуфтон намозини узоқ ўқиди. Икки қўлини кўкка кўтариб, Аллоҳга илтижолар қилди.

— Тангрим, бу жонни ўзинг бергансан. Энди омонатингни ол. Сен берган жонга қасд қилиб гуноҳга ботишни истамайман. Жонимни ўзинг ол.

Полвон бу гапларни беш-олти мартадан такрорлади. Тоғ тепасида қимирламай туриб қолган ойга узоқ тикилиб ўтирди. Тун осуда. Тиқ этган овоз йўқ.

— Берган неъматларингга минг бора шукур. Даври-даврон сурдим, курашлардан яккакифт бўлиб чиқдим. Хорлик-зорлик кўрмадим. Энди бас, қийналиб кетдим. Ўз болам мени юрт кўзида шармисор қилди. Омонатингни ол, Аллоҳим. Бас, энди кетай. Бу дунёда энди яхшилар яшасин.

Тонготар маҳали Жалол полвоннинг жони узилди.

Жанозага қишлоқнинг катта-кичик ҳаммаси келди. Фақат Нурим сартарош келолмади. Юрт кўзида унинг юзи шувит эди.

Орадан тўрт кун ўтиб, Чорвоқ денгизида чўмилаётган болалар қирғоқдан бир жуфт туфли топиб олдилар. Бу Гуландомнинг туфлиси эди.

*1999 йил, апрель*

## МУНДАРИЖА

|  |    |
|--|----|
| Тухфа ( <i>Сўз боши ўрида</i> ) .....                                | 3  |
| Ҳамма бола менинг болам, ҳаммасини баробар<br>бағримга босаман ..... | 5  |
| Тошкентдан Помиргача .....   | 9  |
| Жилвонда қолган излар .....  | 23 |
| Чориқул бойнинг кўприги .....  | 33 |
| Икки зукко олиму бир «шоввоз» хотин хусусида .....                   | 44 |
| Абдулла Қаҳҳорнинг «башорати» .....                                  | 47 |
| Миртемир чин инсон эди, чин шоир эди, чин<br>ошиқ эди .....          | 54 |
| Моҳи Рамазон тухфаси .....   | 58 |
| Аждарҳо ўтган йўлларда ( <i>Ҳикоя</i> ) .....                        | 70 |

А 95 **Аҳмад, Саид.** Зилзила: (Ҳикоя ва эссе-хотиралар) /  
Саид Аҳмад. —Т.: «O'zbekiston», 2005. — 112 б.  
ISBN 5-640-3225-1

ББК 84 (5У)6

№ 57-2005  
Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

С  $\frac{4702620200 - 23}{M 351 (04) 2004}$  2005

**Саид Аҳмад**

**ЗИЛЗИЛА**

*(Ҳикоя ва эссе-хотиралар)*

*Рассом Т. Содиқов*

*Техник муҳаррир Т. Харитонава*

*Мусаҳиҳлар М. Раҳимбекова, Н. Умарова*

*Компьютерда тайёрловчи Б. Душанова*

Босишга рухсат этилди 9.03.2005. Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>.

Таймс гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли б.т. 5,88. Нашр т. 4,45. Тиражи 3000. Буюртма К-0067

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

700129, Тошкент, Навоий, 30.

Нашр № 146-2004

«O‘ZBEKISTON»